4.96
1987г.









ГУЛИСТОН

6
1987

Самарқанд районидаги Ломоносов номли мактаб ўқитувчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ва партия ветерани Валентин Птушкин ЎзЛКСМ XXIII съезди делегатлари — Булунғур район комсомол комитети биринчи секретари Дилором Санақулова, Хадича Тошматова, сут соғувчи Сайёра Бобоназарова даврасида.

А. Кошкин, Ф. Қурбонбоев фотоси (ЎзТАГ)



КАРИМ МАҲМУДОВ: «Сумалак шифобахшликда одамгиёҳ — женьшендан қолишмайди...»

А. Жумаев фотоси



Шоҳида Мансурова «Ўзбек пластик» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиларидан.

Р. Яруллин фотоси



70 Улуғ Октябрнинг йиллиги

Шарқда машъал

Ҳамид ЗИЯЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Ғ. Ғулом НК Зияев № 3

КПСС XXVII съездида белгилаб берилган тарихий тадбирлар мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ҳамда социализмнинг қудратли кучларини тўлароқ ишга солиш имкониятини берди. Тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган ҳозирги кунда Иттифоқимиз индустрияси юксалган, қишлоқ хўжалиги механизмлашган ва фан-техникаси тараққий этган мамлакат сифатида халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораяпти. Унинг жаҳонда тинчлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар чор Россиясида, жумладан, бу мамлакатдаги барча халқ ва элатлар ҳуқуқсизлик, адолатсизлик ва қашшоқлик гирдобида ҳаёт кечирардилар. Чунончи, чор ҳукумати Туркистонда реакцион сиёсат юргизиб, туб аҳолининг социал-иқтисодий ривожланишига йўл бермасди. Мазкур ўлка Россиянинг хом ашё базасига ва саноат молларини сотадиган бозорига айланган эди. Гарчанд ўлкада талайгина саноат корхоналари вужудга келган бўлса-да, лекин улар техник жиҳатдан жуда қолоқ бўлиб, хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан нарига ўтмас эди.

Ўрта Осиёда капиталистик типдаги саноат корчалонларининг вужудга келиши рус, ўзбек, қозоқ ва бошқа миллат вакилларидан иборат маҳаллий ишчилар синфининг шаклланишига олиб келди. Айниқса, темир йўллар қурилиши бу жиҳатдан муҳим роль ўйнади. Тошкент, Когон, Чоржўй, Термиз ва бошқа жойлардаги темир йўл устахоналарида онгли ишчилар сони орта бошлади. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ўлкада марксизм-ленинизм ғояларининг тарғиб этилиши ва социал-демократик ташкилотларнинг юзага келиши муҳим воқеа эди. Шунингдек, В. И. Ленин бошчилигида нашр этилган «Искра» газетасининг Туркистонга тарқалиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Бу газета революцион социал-демократларнинг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан шаклланишига таъсир қилди.

1905—1907 йил биринчи рус революцияси таъсирида ўлкамизда ҳам озодлик ҳаракатлари кучайиб кетди. Бу революцион ҳаракат ҳақидаги хабар 1905 йил 10 январда телеграф орқали Тошкентга етказилди. Шу куниёқ социал-демократлар мурожаатномалар чиқариб, халқни чор ҳукуматига қарши курашга чақирдилар. 12 январда Тошкентда ишчиларнинг митинги бўлиб ўтди. Унда ҳукуматни ағдариш ва бўлажак конституциянинг асосларини ишлаб чиқмоқ учун Таъсис мажлисини чақириш талаб қилинди. Шунга ўхшаш йиғилишлар ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Айниқса, Тошкент темир йўли ишчиларининг иш ташлашлари муҳим воқеа бўлди.

1905 йилнинг апрелида бўлиб ўтган РСДРП III съездининг қарорлари Тошкентга ҳам етиб келди. Бу ердаги социал-демократик ташкилотлар партия съездининг қарорлари ва В. И. Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, революцион ҳаракатларга бошчилик қилдилар. Айниқса, май ойида ўлка бўйлаб революцион ҳаракатлар кучайиб кетди. 1905 йил 16 июлда РСДРПнинг Тошкент группаси сиёсий намойиш уюштиришга муваффақ бўлди. Шу йилнинг ёзида социал-демократларнинг фаолияти анча кучайиб, Самарқанд, Перовск, Марғилон, Фарғона, Қўқон ва бошқа жойларда янги социал-демократик тўгарак ва группалар ташкил топди. 1906 йилнинг февралида эса социал-демократларнинг биринчи Туркистон конференцияси бўлиб ўтди. Унда «РСДРП Туркистон ташкилотлари союзи» тузилди.

Туркистонда большевистик ташвиқот олиб боришда М. В. Морозов бошчилик қилган РСДРП Самарқанд группаси муҳим ўрин эгаллади. С. Қосимхўжаев, А. Қосимхўжаев, О. Бобожонов, Н. Хўжаев, Д. Устабоев, А. Комилжонов сингари маҳаллий миллат вакиллари иш ташлашларда, намойиш ва митингларда қатнашдилар.

Большевик М. В. Морозов бошчилигида Тошкентда революцион комитет тузилди. Сиёсий иш ташлаш воқеаларида маҳаллий миллат вакиллари — ишчилар, ҳунармандлар, косиблар ҳам фаол қатнашдилар.

1905 йилдаги революцион ҳаракатлар таъсирида Наманган, Андижон ва бошқа жойларда деҳқонларнинг ғалаёнлари юз берди. «Туб аҳолига пўписа қилмоқ учун» 1905 йил 7 ноябрда Марғилон — Чимён — Риштон — Оқча — Яйпан — Конибодом — Бешариқ — Бувайда маршрутлари бўйлаб алоҳида ҳарбий отряд жўнатилди.

1906 йилнинг ёзида Тошкентда ишчиларнинг иш ташлашлари бўлиб ўтди. Шунингдек, бу ерда сапёрларнинг икки батальони қўзғолон кўтарди, бундай воқеа Марғилонда ҳам юз берди.

Биринчи рус революциясининг мағлубияти омманинг сиёсий онгини ўстирди, рус пролетариати билан маҳаллий аҳоли ўртасида иттифоқ тузилиши шарт эканлигини исботлади, озодлик учун кураш тажрибаларини бойитди. В. И. Ленин 1905 йил революциясини, Октябрь социалистик революциясининг машқи, деб бежиз баҳоламаган эди.

Биринчи жаҳон уруши Россияда, шу жумладан Туркистонда барча миллат ва элатлар турмушининг ниҳоятда оғирлашувига, синфий қарама-қаршиликларнинг кескинлашувига олиб келди. Бу даврда солиқ ва ўлпончи миқдори ниҳоятда ошиб кетди. Масалан, 1916 йилда ўлкада ер солиғи 1914 йилдаги 6 859 021 сўмдан 14 331 771 сўмга етди. 1913 йилдан 1915 йилгача чор ҳукуматининг Туркистондан оладиган даромади 77 процентга кўпайди.

Чор маъмурияти ем-хашак, ёқилғи, совун ҳамда гўшт, мева, вино сингари озиқ-овқат маҳсулотларини Россияга кўплаб жўнатиб турди. Қаҳатчилик авж олди. Минглаб оилалар хонавайрон бўлди. Бироқ мулкдорлар — савдогарлар, бойлар ва умуман ҳукмрон синф вакиллари фурсатдан фойдаланиб, янада кўпроқ бойлик орттириш йўлига ўтиб олдилар.

Шундай оғир вазиятда чор ҳукумати 1916 йил 25 июнда 19 ёшдан ўттиз ёшгача бўлган кишиларни уруш эҳтиёжлари учун ишлашга сафарбар қилиш ҳақида фармон чиқарди. Бу ўлкада минглаб оилаларнинг боқувчисиз қолишига олиб келди. Бунинг устига бойлар турли йўллар билан ўз фарзандларининг ўрнига ҳам камбағалларни юбориш чораларини кўрдилар. Мавжуд аҳвол халқ оммасининг қаҳр-ғазабини кучайтириб юборди. Натижада қаттиқ зулм ва азобдан сабр косаси тўлган меҳнаткаш омма чор ҳукуматининг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши қўзғолон кўтарди. Қўзғолончилар маъмурият вакилларининг бир нечтасини ўлдириб, уларнинг уйларини таладилар ва ёндирдилар. Шунингдек, мардикорликка олиш ва қарздорлик ҳақидаги ҳужжатларни ёндириб юбордилар. Қўзғолонлар Хўжанд, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қўқон, Наманган, Андижон ва бошқа жойларда авж олди. Бундай ҳаракатларда аёллар ҳам иштирок этдилар. Қўзғолонлар мустамлакачилик зулмига,

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!


ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 6 (448)
Июнь
1987

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти



Тошкентда Йўлдош Охунбобоевга ҳайкал ўрнатилди. Муаллифлар — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Ш. Шоймуродов, архитектор Л. Адамов.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ)

маҳаллий бойларга ва империалистик урушга қарши қаратилган эди.

1917 йилнинг бошига келиб, уруш Россияда, жумладан, Ўрта Осиё ўлкаларида бутун халқ хўжалигининг янада издан чиқишига, халқ оммаси турмушининг ёмонлашувига олиб келди. Натижада Россияда революцион вазият етилиб, кўп жойларда ишчи ва деҳқон ғалаёнлари тобора қизғин тус ола бошлади. 1917 йил 27 февралда большевиклар раҳбарлигида Петроград ишчи ва солдатларининг қуролли қўзғолони ғалаба қозониб, чор ҳукумати ағдариб ташланди. Петроградда Февраль революциясининг ғалабаси ҳақидаги хабар 1 март эрталаб бутун мамлакат бўйлаб тарқалди. Шундан сўнг Тошкентда ҳам намойишлар, йиғилишлар ва митинглар бўлиб ўтди. Бош темир йўл ишчиларининг ташаббуси билан 2 мартда Тошкент ишчи депутатлари Совети тузилди, 5 мартда эса Солдат депутатларининг Тошкент Совети ташкил топди. Бундай Советлар Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона ва ўлканинг бошқа жойларида тузилди. 28 мартда эса бирлашган мажлисда Ишчи депутатлари Совети билан Солдат депутатлари Совети бирлашиб, Тошкент Ишчи ва Солдат депутатлари Совети деб номланди. Бундай Советлар Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғонада ва ўлканинг бошқа жойларида ҳам тузилди.

Февраль революцияси вақтида пролетариатнинг маҳаллий миллат ва элатлар билан жанговар иттифоқи юзага келди. 1917 йил 7 апрелда В. И. Ленининг «Правда» газетасида чоп этилган Апрель тезисларида буржуа-демократик революциясини социалистик революцияга айлантириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Бўлиб ўтган ғалаенлар Бутун Россия VII (Апрель) большевиклар конференцияси (1917 йил 24 апрель) қарорлари учун асос қилиб олинди. Конференция большевиклар сафларини мустаҳкамлашда ва фаолиятини янада кучайтиришда муҳим роль ўйнади. Туркистон шаҳарларида большевистик группалар пайдо бўлди. Ўлкадаги социал-демократик ташкилотларнинг большевистик группалари вужудга келди. Ўлкадаги социал-демократик ташкилотларнинг большевистик группасига А. Абдусаматов, Т. Абдураҳмонов, О. Бобожонов, М. Мирҳодиев, Ж. Камолов, Ш. Иброҳимов, А. Ҳожибоев, Ж. Зокиров, А. Раҳимбоев, О. Мирпўлатов сингари маҳаллий халқ вакиллари жалб этилдилар.

1917 йил 25 октябрда (7 ноябрь) Петроградда большевикларнинг В. И. Ленин бошчилигидаги қуролли қўзғолони ғалаба қозонди. Шу куни Бутун Россия Советларининг иккинчи съезди очилди ва у ҳокимиятни ўз қўлига олди. Съезд ер ва сулҳ тўғрисидаги тарихий декретни қабул қилди, Россия республикасининг В. И. Ленин бошчилигида Халқ Комиссарлар Советини ҳамда Россия Марказий Ижроия комитетини сайлади. Шу тариқа Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилиб, жаҳонда биринчи маротаба ишчи-деҳқон ҳукумати ташкил топди.

Петроградаги ишчиларнинг буюк ғалабаси бутун мамлакатда бўлгани каби Туркистонда ҳам меҳнаткаш оммани ғоятда руҳлантириб, Совет ҳокимияти учун курашга отлантирди. 1917 йил 27 октябрь тонг саҳарида Тошкент Бош темир йўл устахоналари гудогидан кейин ишчилар, солдатлар ва маҳаллий миллат вакиллари бирлашиб қўзғолон кўтардилар. Улар вокзални ишғол қилиб, контрреволюцион кучлар билан жанг қилдилар. 30 октябрда Красноводскдан Тошкентга келган 600 та солдат қўзғолончиларга қўшилди. Эски шаҳар аҳолисидан 200 киши қуролланиб С. Қосимхўжаев ва О. Бобожонов бошчилигида қўзғолончилар билан бирлашди. 1 (14) ноябрга келиб контрреволюцион кучларнинг таянчи—Тупроққўрғон қўзғолончилар томонидан эгалланди. Шундан кейин ҳокимият Тошкентда пролетариат қўлига ўтди. Советларнинг III ўлка съездида Туркистон ўлка халқ комиссарлар Совети тузилди. 1918 йил кўкламига келиб, бутун Туркистон ўлкасида Совет ҳокимияти ўрнатилди.

1918 йил апрелида Советларнинг V ўлка съезди Россия федерацияси составида Туркистон Автоном Социалистик Республикасини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу йил Туркистон Коммунистик партияси барпо этилди. 1920 йилда Октябрь революцияси таъсирида Хева ва Бухоро Халқ Совет республикалари вужудга келди.

Эндиликда Ўзбекистон хилма-хил газламалар, нефть, газ, кўмир, электр энергияси, олтин, темир-бетон қурилмалари, экскаваторлар, радиоэлектрон аппаратлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасига етди. Ўзбекистон саноатининг маҳсулотлари барча қардош республикаларга ва 100 га яқин чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Айниқса, пахтачиликнинг механизмлаштириш асосида узлуксиз ривожланаётганлиги қувонарлидир. Ўзбекистон аграр-индустриал республикага ва СССРнинг асосий пахта базасига айланди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги қатори республикамизнинг фан, маданияти ҳам тубдан қайта қуриш ва ривожланишга юз тутди. 1920 йилда В. И. Ленин декрети билан Тошкентда биринчи олий ўқув юрти — Давлат университетининг барпо этилиши юқори малакали мутахассис ва илмий кадрларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозир Ўзбекистонда Фанлар академияси ва ўнлаб олий ўқув юртлари ишлаб турибди. Октябрь социалистик революциясигача бирорта олий ўқув юрти бўлмаган ўлкада матбуот, алоқа ва транспорт ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича улкан кўрсаткичларга эришилди. Кишилик ҳаёти учун энг зарур тармоқлардан бири — медицина хизмати тубдан яхшиланди.

Октябрь революциясидан кейинги муҳим ўзгаришлардан яна бири Шарқ хотин-қизларининг озодликка чиқиши, давлат ва жамоат ишларига жалб қилиниши бўлди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси туфайли мамлакатдаги барча халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик мисли кўрилмаган даражада ривожланди ва юксалди.

Улуғ Ватан уруши йилларида СССР халқларининг дўстлик ва биродарлиги катта синовдан ўтди. Барча совет халқлари қатори ўзбек халқи ҳам алангали фронт чизиқларида фашизмга қарши қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Фронт орқасида ўзбек оилалари жанг майдонларидан кўчириб келтирилган, бошпанасиз, озиқ-овқатсиз қолган қардошларини ўз бағриларига олдилар. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган 90 дан ортиқ саноат корхоналари жадаллик билан ишга туширилди.

1943 йилнинг алангали кунларида Москва, Ленинград олимларининг иштироки ва катта ёрдамида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил этилиши республикамиз илмий-маданий ҳаётида ўчмас из қолдирди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда яна бир бор намоён бўлди. Масалан, РСФСР ўз маблағи ва қурилиш материаллари ҳисобига тошкентликлар учун 334 минг квадрат-метр, Москва шаҳри 230 минг ва Ленинград 100 минг квадрат-метр уй-жой қуриб берди. Янги Тошкентни барпо этишда Тула, Саратов, Волгоград, Воронеж, Свердловск, РСФСРнинг автоном республикалари ва бошқа шаҳарлар қатнашдилар. Қардошларимизнинг ғоятда катта ёрдами туфайли Тошкент энг гўзал ва замонавий шаҳарлардан бирига айланди.

Иваново шаҳридан Тошкент Тўқимачилик комбинатига йигирув машиналари, тўқув дастгоҳлари ва бошқа асбоб-ускуналар келтирилган эди. Улуғ Ватан уруши даврида Бекобод Металлургия комбинатини барпо этишда Магнитогорск Металлургия комбинатининг ёрдами катта бўлди. Тошкент метросини қуришда РСФСР метрософозларининг тажрибаси қўл келди.

РСФСР билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик эндиликда янада кенг қулоч ёймоқда. Маълумки, Ўзбекистон қурувчилари ва мелиораторлари РСФСРнинг Ноқоратупроқ ерларини ўзлаштиришга биринчилар қатори отланган эдилар. Бу ерда ўзбекистонликлар катта бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар ва ҳашаматли уй-жойлар ҳам қурдилар. Ноқоратупроқ зонада эндиликда «Ўзбекистон», «Дружба» ва «Тошкент» совхозлари фаолият кўрсатаяпти.

- Ўзбекистон вакиллари асримизнинг буюк қурилиши Байкал-Амур магистралида намунали фаолият кўрсатдилар. Улар трасса атрофида қад кўтараётган шаҳар ва қишлоқлар қурилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шунингдек, Узоқ Шарқ аҳолисига кўплаб саноат молларини етказиб беришда, Тюмень йўлларини қуришда, Саяно-Шушенск ГЭСини барпо этишда фаол қатнашдилар.

Хуллас, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон тарихан қисқа вақт ичида юз йилларга тенг ютуқларга эришиб, социализмнинг Шарқдаги машъалига айланди.

«Улуғ Октябрь, социализм, — дейилади КПССнинг совет халқига Мурожаатида, — Ватанимизни шу вақтгача жаҳондаги кўпгина мамлакат халқлари ҳаётини заҳарлаб келаётган кулфатлар ва офатлардан халос этди. Бизда одамни одам эксплуатация қилишига бутунлай барҳам берилган. Бизда ишсизлик йўқ, миллий зулм, қашшоқлик ва саводсизлик барҳам топган. Меҳнат аҳли социал жиҳатдан ҳимоя этилган шароитда, эртанги кунга комил ишонч билан назар ташлаб яшамоқда».

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ҚАҲРАМОН ЧЎПОН

Отаси Эшбой Иўллиев Ватан ҳимоясига отланганида у жуда ёш эди. Эсида. Тизза бўйи қор. Тонг саҳарда падари бузруквори Белибойли қишлоғидан урушга жўнади. Кўп ўтмай акаси Иўлдош ҳам ҳарбий комиссариатга чақирилди. Ота-бола жангу жадал сари кетдию оиланинг ҳаловати бузилди. Оила ташвиши билан қолган Ерқиной Мардаеванинг ташвишига ташвиш қўшилди. Умр йўлдоши ва ўғлидан кетма-кет «қора хат» келди. Она бир дам эсанкиради. Жудолик бағрини тиғлади. «Кўпга келган тўй» деган юпанч қаддига мадор бўлди. Урушни лаънатлаб, эндигина ўн олтига тўлган ўғлини ёнига чорлади:

— Сен ҳам ишламасанг бўлмайди, ўғлим Амиралижон, — деди она. — Катта йигит бўлиб қолдинг. Эртага колхоз раисига учраш, иш сўра. Отанг чорвадор бўлган, Иўлдош аканг чўпон эди, унинг таёғини ерда қолдирма, от ўрнини той босади, болам.

Амирали субҳидамда «Гулистон» колхози правлениеси идорасига борди.

— Оилаларинг жўжабирдай жон, — деди раис. — Ҳозирча Меҳнат Қизил Байроқ орденли чорвадор Абдураҳим Аноровга чўлиқ бўласан. Касбини ўрган. Қўлидан таёғини олсанг, кам бўлмайсан.

— Раҳмат, раис бобо! — деди Амирали. — Бугуноқ у кишининг ўтарига бораман.

1948 йили Амирали Эшбоевнинг чорвадорлик фаолияти ана шундай бошланган эди. 1954—1957 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтгач, яна чўпон бўлди, боқишга бир ўтар қўй санаб олди.

У муваффақиятларга эришди. Бунга онаси Ерқин Мардаеванинг шарафли меҳнатга ундовчи меҳри, йўл-йўриқлари сабаб бўлди. У Амиралига биринчи устоз, маслаҳатчи эди. «Алпомишдай келбатли, бургутдай парвозли йигитсан, — дерди онаси. — Қўй боққан кам бўлмайди. Жониворлар ҳалоллик ва покизаликни яхши кўради. От бойловда, қўй ҳайдовда семиради, болам. Қўлдан берганга қуш тўймас. Меҳнат шукуҳи одамга бахт бағишлайди». Бу ҳикматли каломлар Амиралининг қулоғига қўрғошиндай қуюлиб қолган, уни келажакка чорлаган.

Унинг меҳнатда эришган ютуқлари муносиб баҳоланди. СССР Олий Совети Президиумининг 1976 йил 25 декабрь Фармонига биноан Амирали Эшбоевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Ана шунда онаси Ерқин момо: «Қирқ беш ёшда қаҳрамон бўлдинг, ишончимни оқладинг, болам. Отанг ва аканг Иўлдошалининг касбини улуғлаганинг савоб иш, бошинг тошдан ҳам қаттиқ бўлсин, қўйларни кўз қорачиғидай асраш керак, сенга бахт-иқбол ҳамиша ёр бўлсин», деб олқади кўзига ёш олиб. Онаизорнинг беғубор туйғулари унинг юрагидан жой олди, ҳамиша унга далда бўлди.

Мана, қирқ йилдирки, коммунист Амирали Эшбоев ўтар изидан яйлов кезади. Бу даврнинг ҳар бир фасли унинг ҳаётида беиз қолмади. Икки марта Ленин ордени, икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун», «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги» медали, Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг қатор медаллари, «Социалистик мусобақа ғолиби», «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори» нишонлари, қатор фахрий ёрлиқлар, «УАЗ» «Москвич» маркали енгил автомашиналар, «Урал» аравачали мотоцикль, қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди. Элу юрт ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайлади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Амирали Эшбоев область партия комитетининг навбатдаги конференциясига борар экан, ўзўзига ҳисоб берар: ишдаги қийинчиликлар, орттирган бой тажрибаси, тарбиялаган шогирдлари, шунингдек, маълум вақтда юз берган нопокликлар, кўзбўямачиликлар ҳақида ўйлар эди. «Интилганга толе ёр экан, — дея хаёлидан ўтказарди у. — Айрим чўпонлар жон койитиб ишламайди, елибюгурмайди, дангасалик қилади, оқибатда қалбакичилик йўлига кириб олади. Ҳисобкитоб пайти ёлғон маълумот бериб, жиноятчига айланади. «Бошингга қилич келса ҳам ростини айт», деган донишмандлар. «Башаранг қийшиқ бўлса, кўзгудан ўпкалама». Касалингни яширсанг, иситмаси ошкор қилади-ку, ахир!.. Ўтган йиллар мобайнида катта тажриба тўпладим. Соғлом ва семиз қўй яхши маҳсулот беради. Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало жониворларни ардоқлаш лозим. Яйлов саралаб, фаслларга қараб боқишда ҳикмат кўп. Шўрдарё бўйидаги Қуврайчи яйлови тўртга бўлинади: Султонобод, Сариққолоқ, Кўкча, Байнан. Уларда каврак, шўр, майдахос, шувоқ, донашўр сингари гиёҳлар ўсади. Уларнинг мол учун фойдалиси ҳам, зарарлиси ҳам бор. Тўхлича ўти — қўйни тез семиртиради, жуда тансиқ ўсимлик, уни еган мол эгиз қўзилайди. Оққуврайга тўйган жонивор қисир қолади, қилғинга яқинлашган қўйнинг аҳволи вой, бўйнига илашиб, қулоғига, бурнига кириб, яра қилади, қуртлатади. Порсилдоқ, кампирчопон, болдирғон — заҳарли, қўй қушандаси. Буларни билмаган чўпон аттанг деб қолади. Бугун у мана шулар ҳақида йиғилганлар билан ўртоқлашади...

Биз Амирали Эшбоевни Қаршидан қайтган куни Қуврайчи яйловида учратдик.

— Сурувимни саратонда Шахшар, Билқилдоқ, Темирсандиқ яйловига олиб чиқаман, — деди у биз билан суҳбатда. — Ҳавоси соф, турли гиёҳлар, зилол чашмалар мўл бўлган бу ерларда қўйнинг этига эт қўшилади. Қишловга қўй семиз ҳолда киритилсин десанг, меҳнатдан қочма, дейди кекса, тажрибали чўпонлар. Қўй кечаси ҳайдалганда, айниқса, кеч куз пайтларида шудрингдан намиққан ўт-ўланни ҳушлаб, тотли таомдай ейди. Натижада қўйлар яйловдан эрталаб лорсиллаб қайтади. Уларни кузда кунора, ёзда ҳар куни суғориш лозим. Қўйнинг сувига, емишига қарасанг, эринмай боқсанг, ҳамиша соғлом бўлади, яхши урчийди. Семиз қўйлар қишда жунида қор турмайдиган бўлади... Жониворлардан кўплаб жун етиштиришнинг сири нимада? Семиз молнинг жуни тез ўсади, уни шох-шаббали, тиканли жойга ҳайдамаслик лозим, жазирама иссиқдан асраш керак. Шундай қилинмаса жуннинг сифати бузилади. Ниҳоят, жунини вақт ўтказмасдан қирқиб олиш лозим. Хуллас, зооветеринария қоидаларига амал қилган, яхши тажрибага таяниб иш кўрган чўпонга довруғ таратиш, обрў-эътибор насиб этаверади.

Чўпонлик фаолиятим давомида бир талай шогирдлар етиштирдим. Улар билан фахрланаман, ютуқларини кўрганимда кўксим тоғдай кўтарилади. Ахир, шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт, дейдилар. Алишер Менгалиев, Эсонқул Қулмонов, Эшбой Тожиев, Ражаб Оннобозоров, Эшмурод Холиқов, Шербўта Эргашев, Холиёр Худойқулов, Очил Қурбонназаров каби чорвадорлар эл орасида ҳурмат қозондилар...



Қашқадарё область партия комитети аъзоси, Деҳқонобод район партия комитети бюроси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР 50 йиллиги номли совхоз бош чўпони Амирали Эшбоев ана шундай донгдор чорвадорлардан. У XII беш йилликда ҳам янги марраларни кўзлаб меҳнат қилаётир. Унинг сўзи ва иши бир, лабзи ҳалол, ваъдасини сўзсиз бажаришига ишончимиз комил.

Меҳнатинг-ҳимматинг деганлари шуда. Унга эзгу мақсадлари йўлида яна ҳам юксак парвоз тилаймиз.

Нормуҳаммад САЛОЕВ
Деҳқонобод райони



Лайлак келди, ёз бўлди.
Ғ. Алиев фотоси

Коинотдаги жасорат

Учишни бошқариш марказидаги мутахассисларнинг Космонавтика куни байрами арафасида ташвишлари одатдагидан кўра кўпроқ бўлди. Чунки программада эълон қилинган «Квант» модулини «Мир» — «Союз ТМ-2» орбитал комплекси билан туташтириш дастлабки уринишда амалга ошмади. Модул билан космик комплекс ўртасида гарчи механик мутаносиблик юз берган бўлса-да, нимадир халақит бериши оқибатида объектлар тортишиб туташмади. Бу жараённи муваффақиятли бажариш учун Учишни бошқариш марказидаги мутахассислар 11 апрелдан 12 апрелга ўтар кечаси уйқуни тарк этиб, уч марта иш сеансини амалга оширдилар. Дастлаб Ердаги тегишли модулларда «Квант»ни «Мир» — «Союз ТМ-2» комплекси билан туташтириш синаб кўрилди. Шундан кейин Бош марказдан бу жараённи космосда амалга ошириш учун Юрий Романенко ва Александр Лавейкинга кўрсатма берилди. Улар мазкур вазифани бажариш учун очиқ космосга чиқдилар. Улар шу йил 11 апрель соат 23 дан 41 минут ўтганда станциядан чиқиб, «Квант» модулининг туташув жойига ўтдилар. Кейин «Квант» модули туташув агрегатининг ҳаракати билан космик аппаратлар ушлашиш мумкин бўлган масофага келтирилди. Космонавтлар модулнинг ва станциянинг туташув агрегатларини кўздан кечиргач, объектларнинг туташишига қандайдир бошқа предмет халақит бераётганини кўрдилар. Экипаж командири ва бортинженери зарур ишни амалга оширгач, космик аппаратлар муваффақиятли туташтирилди. Бу жараён Ердан берилган кўрсатма ва экипажнинг бошқарувида бажарилди.

Ю. Романенко ва А. Лавейкин 3 соату 40 минут давомида очиқ космосда бўлдилар. Улар тарихда биринчи марта ўзларининг анъанавий байрами — Космонавтика кунини очиқ космосда кутиб олдилар.

Ер атрофида ишлаб турган ва бошқарилувчи «Мир» — «Квант» — «Союз —ТМ-2» космик комплексининг умумий оғирлиги 51 тонна бўлиб, узунлиги 35 метрдир.

«Квант» модулига ўрнатилган ноёб «Рентген» орбитал обсерсаторияси ва ультрабинафша нурли «Глазар» телескопи ёрдамида атмосферадан ташқаридаги муҳитни ўрганадиган астрономия программаси бўйича кенг миқёсдаги экспериментларни бажариш мўлжалланган.

«Квант» модулида астрофизикавий тадқиқотларни амалга оширишга қаратилган илмий ускуналардан ташқари вазнсизлик ҳолатида биологик жиҳатдан фаол ва ўта тоза моддаларни олишга мўлжалланган «Светлана» электрофоретик қурилмаси ҳам мавжуд.


Космонавтларимиз Юрий Романенко ва Александр Лавейкиннинг очиқ космосда муҳим техник вазифани муваффақиятли бажариши совет космонавтикасининг тобора такомиллашиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди.


Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ шу йил 21 апрелда учирилган «Прогресс—29» автоматик транспорт кемаси орадан икки кун ўтгач, яъни 23 апрелда бошқарилувчи «Мир» орбитал комплекси билан туташтирилди. Кемада «Мир» космик станциясида тадқиқотларни муваффақиятли давом эттириш учун тегишли асбоб-ускуналар, космонавтлар учун озиқ-овқат, почта етказиб берилди.

«Прогресс—29» транспорт корабли ўз функциясини бажариб бўлгач, 1987 йил 11 май Москва вақти билан соат 7 дан 10 минут ўтганда «Мир» орбитал комплексидан ажралиб чиқди. Бошқариш марказидан берилган буйруққа биноан у мўлжалланган ҳолатга келтирилди ва мотори ишга солинди. «Прогресс—29» кемаси тормозланиш натижасида пасайиш траекториясига ўтди ва атмосферанинг қалин қатламига киргач эса ўзининг мавжудлигини йўқотди.

Космонавтлар Юрий Романенко ва Александр Лавейкин «Мир» илмий-тадқиқот комплексида изланишни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

ФАЗОВИЙ ПАРВОЗ ЗАМИНДАН БОШЛАНАДИ





Е. Грабилин фотолари

1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни


ЁШ АВЛОД СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ...

«Икки яшар ўғлимнинг қўли жароҳатланиб, касалхонага тушди. Энвер Аметович Қуртиев бошлиқ болалар хирургияси бўлими врачларининг, 1-республика касалхонаси шифокорларининг тиббий ёрдамлари туфайли жароҳат тузалиб, фарзандимнинг қўли аввалги ҳолига келди. Кўп болали она сифатида шу ғамхўр шифокорлардан бир умр миннатдорман. Тошкент шаҳридаги 3-тикувчилик фабрикасининг ишчиси Азиза Тошмуҳамедова».

Мамнунлик туйғуси ифодаланган бундай мактублар билан танишгач, биз Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг партия ва ҳукуматининг ғамхўрликлари туфайли ҳозирги замон совет ва чет элда ишлаб чиқарилган медицина техникаси билан тўла-тўкис таъминланган. Етук олимлар ва профессорлар шифохонамизнинг тегишли бўлимлари ишига етакчилик қиладилар. Бизда даволаш ҳар томонлама ихтисослашган. Масалан, тажрибали врач, юқори малакали мутахассис бўлган Галина Абрамовна Барская етакчилик қилаётган нефрология бўлими буйрак касалликларини даволаш бўйича ихтисослашган тармоқ ҳисобланади. Медицина фанлари доктори, профессор Д. П. Арустамов раҳбар бўлган урология бўлимини эса буйракни кўчириб болаларни даволаш бўйича ўринбосари Муҳаббат Усмонова билан учрашдик.

— 485 ўринли болалар корпуси касалхона миқёсида салмоқли ўрин тутади, — деди Муҳаббат Зокировна ёш беморларни даволаш хусусида гапираркан. — Клиникамизнинг бу тармоғи республика областларига анестезиология ва реанимация бўйича хирургик ва урологик ёрдамни уюштирадиган методик марказ ҳисобланади. Бу ерда болалар касалликлари Тошкент медицина институтининг, Исаев номидаги паразитология илмий-тадқиқот институтининг саккизта таянч кафедраси мавжуд. Мазкур кафедраларнинг мудирлари М. Нуриддинов, А. Сайдалиев, Н. Деҳқонхўжаева, Н. Мажидов каби профессорлар ёш беморларни турли дардлардан фориғ этишда ўз билим ва тажрибаларини сарфламоқдалар.





Болаларни даволаш бўйича бош врач ўринбосари М. Усмонова (ўнгдан), бўлим мудири М. Аъзамова, Тошкент медицина институти болалар касалликлари кафедраси ассистенти, медицина фанлари кандидати З. Файзиева ва даволовчи врач Р. Шахмурова.

Жарроҳ Ш. Зайниддинов (ўнгда), ассистент К. Ермуҳамедов, анестезиолог врач В. Васильченко.

1-республика клиник касалхонасининг ишлари билан қизиқдик. 1210 ўринли мазкур шифохонада катта ва кичик ёшдаги беморларга қирқдан ортиқ йўналишда медицина хизмати ихтисослаштирилган тартибда кўрсатилмоқда.

— Социалистик жамиятимизнинг ижтимоий бурчларидан бири — бу меҳнаткашлар саломатлигини, айниқса болалар соғлиғини муҳофаза қилишдан иборат, — деди бош врач Мирафзал Маҳмудович клиника фаолияти ҳақида гапираркан. — Касалхонамиз республика ўтқазиш бўйича республика маркази, дейиш мумкин.

Илгарилари катта ёшдаги эркакларда учрайдиган аденома (сийдик келмай қолиш) касаллиги шароитида беморлар операциядан кейин узоқ ётиб даволанарди. Ҳозир бу дардга чалинган беморлар бир ҳафта-ўн кундаёқ енгиллашиб кетадилар. Болалар реанимацияси бўлими ҳам жадал терапик ёрдам кўрсатиш бўйича республика миқёсидаги тиббий марказ саналади...

Биз шифохонанинг болалар корпусига ўтдик. Бу ерда бош врачнинг бемор

Ёш беморларга стационар-медицина ёрдамини янада яхшилаш мақсадида болалар корпусида даволаш-назорат комиссиясининг иши йўлга қўйилган. Бу ерда врачларнинг Педиатрия Совети, Медицина ҳамширалари Совети мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, клиника қошида мураббийлик мактаби ҳам мавжуд.

Яқин келажакда болалар диагностикаси ҳамда болаларга сунъий буйрак ўтқазиладиган гемодиализа бўлимларини ташкил этиш клиника истиқболидаги режалардир.

«Ошкоралик шундай бир тиғки, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, — ўзи етказган жароҳатни ўзи даволайди».

Дарҳақиқат, шундай. Бу доно башоратнинг қанчалик ҳаққоний эканлигини қайта қуриш жараёнида кўриб турибмиз.

Шифохона ишидаги баъзи муаммолар ҳақида клиниканинг бир гуруҳ мутасадди ходимларини йиғиб гаплашдик. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазаларини келтирамиз:

— Республика касалхоналарига дори-дармонлар учун ажратиладиган пул фондини ошириш масаласини ўйлаб кўриш лозим, — деди бош врач Мирафзал Юнусов. — Антибиотик ва баъзи дориларнинг нархи нисбатан ошганлиги ҳозирги планларимизда ҳисобга олинмаган.

— Яна бир муаммо, — дея суҳбатга қўшилди бош врач ўринбосарларидан бири Муҳаббат Усмонова, — шаҳар «Тез ёрдам» станцияси баъзи юқори ташкилотларнинг кўрсатмасини пеш қилиб, касалхонамиз буюртмасини тез қабул қилмайди. Масалан, эрталаб чақирганингизда кечқурун ёки 2—3 кундан кейин келади. Ваҳолонки, «Тез ёрдам» бизга келтирган ва ўз оқими билан йўлланма орқали етказилган беморларнинг ҳақиқий диагнози аниқланиб, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатилгач, уларни тегишли касалхоналарга юборишимиз керак бўлади. Келган бемор юқумли ёки бошқа турдаги дардга чалиниб, касалхонамиз йўналишига дахлсиз бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда уларни шаҳардаги бошқа касалхоналарга жўнатиш зарурияти туғилади. Бунда «Тез ёрдам» хизмати эса, пайсалга солинади. Бу хил ноўрин ҳолатлар барҳам топиши керак.

Кичик ёшдаги болалар бўлимининг мудири Мамлакат Аъзамова эса касалхонада бир марта фойдаланиб, сўнг ташлаб юбориладиган шприц, қон қуйиш асбоблари етишмовчилигини таъкидлади.

— Тарбиячилар муаммоси айниқса чигал, — дея гапида давом этди у. — Икки ёшдан ўн беш ёшгача бўлган бемор болаларга қарайдиган тарбиячилар кечки сменаларга қўйилмайди... Улар кун бўйи ёш беморлар кетидан елиб-югуришади. Кечга бориб, бемор болалар ёлғиз қолиб, кўнглига келганини қилади. Штат бўйича ҳар 40—60 ўринга бир нафар тарбиячи белгиланган бўлиб, кундузи беш соатдан ишлашади.

Катта ёшдаги болалар бўлимининг мудири Анна Павловна Ененко ҳам ўз мулоҳазаларини билдирди:

— Агар республика касалхонаси бўлгани учун 20—25 ўринга бир тарбиячи биркитилса, уларнинг ишини икки сменали қилиб ташкил этиш имконияти туғилса, доимо болалар олдида тарбиячилар бўлишини таъминлардик. Ахир, ҳар соҳада қайта қуриш кетаяпти-да.

— Касалхонамизга қабул қилишини сўраб келаётган беморлар мавжуд ўринга нисбатан икки-икки ярим ҳисса ортиқ, — деди қабул бўлими мудири Саида Сулаймонова ўз ташвиши ҳақида гапириб. — Бўлим қошида махсус алоҳида диагностика бўлими очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу, янги қурилиш билан боғлиқ масала, албатта. Чунки бизга йўлланма билан келган беморларга қўйилган диагнозлар айрим ҳолларда нотўғри чиқаяпти.

Педиатр врач-диатолог Тамара Ивановна Давидова айниқса қизишиб гапирди:


— Шу йил февралда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Майя Муҳаммедовна Йўлдошеванинг ноўрин «фармойиши»га мувофиқ республика болалар муассасаларига, жумладан, бизда даволанаётган 90 фоизи шаҳарлик, бир ёшгача бўлган 200 нафар бемор гўдакларга сут маҳсулотлари бериш таъқиқланди. 7—12 март кунлари гўдак беморларни сут маҳсулотлари билан боқа олмадик. Бошқа кунлар бўлак жойлардан қоидага хилоф равишда бўлса ҳам болаларга сут уюштирдик. Ахир, биз онамиз. Гўдакларнинг бир соат сутсиз-озиқсиз қолишларини кўз олдингизга келтиринг. Республика Министрлар Советининг тегишли бўлимига мурожаат қилганимиздан кейингина бу масала ҳал бўлди. М. Йўлдошеванинг раҳбарий медицина муассасасида ишлаб туриб, бемор гўдакларга тошмеҳрлик қилишига таажжубланасан киши. Ахир, бизга келган бемор болалар дардига шифо топишимиз, уларга ғамхўр бўлишимиз керак-ку!

Ўзаро баҳсларда, клиниканинг кундалик ҳаётида туғилган бу муаммолар тегишли ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларидан ўз ечимини кутмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ва мутасадди бошқа ташкилотлар қайта қуриш жараёнида юқорида тилга олинган муаммоларни тезроқ ҳал этишлари лозим.

Жўрабой ХОЛМАТОВ



Болалар ўйинхонасида.



Профессор А. Сайдалиев Д. Порсохонов, В. Президиум, Э. Қуртиев, М. Қўчқоров сингари етук тиббий мутахассислар билан бемор болаларни самарали даволаш хусусида маслаҳатлашмоқда.

В. Майоров фотолари



Суратда: (чапдан) Георгий Ильич Скоробогатов, истеъфодаги генерал-лейтенант Собир Собирович Оҳунжонов, Нуриддин Акрамович Муҳитдинов, Акрам Пўлатович Алимов, Боис Ҳамидович Эргашев, Расул Ғуломович Ғуломов, Одила Исматовна Умархўжаева ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

В. Мосин фотоси

ОҚСОҚОЛЛАР АНЖУМАНИ

Ветеранлар — халқимизнинг ифтихори. Совет ҳокимиятининг барпо бўлиши ва мустаҳкамланиши, социализм ўлмас ғояларининг қарор топиши ва моддийлашуви, Ватанимиз тарихининг кураш ва ғалабаларга тўла шонли саҳифалари уларнинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллиги тантаналари тобора яқинлашаётган қутлуғ дамларда ветеранларимиз ҳар қанча иззат-икром, эҳтиром, эъзозга мушаррафдирлар ва бу табиий ҳолдир.

Доҳиймиз В. И. Ленин улуғ революцион кураш анъаналарини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш, ёш курашчиларнинг тобора кенг ва онгли оммасини сабот билан муттасил тайёрлаб бориш кераклигини таъкидлаган эди. Зеро, буюк байрам арафасида бу ишни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда, жамият турмушининг барча соҳаларини қайта қуришда, ёшларни кекса авлоднинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда ветеранларнинг роли беқиёс.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистондаги ветеранлар ҳаракати ҳам тобора таъсирчан куч бўлиб бормоқда. Ҳозир республикамизда бир миллионга яқин революция, Граждандар уруши ва Ватан уруши, дастлабки ва урушдан кейинги беш йилликларнинг қатнашчилари бор. Улар Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг аксарияти ҳозирги пайтда ҳам ғоят меҳнатсевар, жўшқин ижтимоий истеъдод эгалари бўлган кишилардир. Жамият ҳаётида чуқур бурилиш рўй бераётган ҳозирги пайтда қайта қуришнинг мувaффақияти кўп жиҳатдан ветеранларга, уларнинг гражданлик позициясига ҳам боғлиқ.

Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика ташкилотининг шу йил март ойида бўлиб ўтган таъсис конференциясида ана шулар ҳақида фикр юритилди.

Ветеранларнинг неча ўн йиллар мобайнидаги фидокорона меҳнати натижасида орттирилган тажриба ва касб-кор маҳорати, ёшларни халқлар дўстлиги ва ватанпарварлик, коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фаолиятидан ғоят самарали фойдаланиш зарурати конференцияда алоҳида таъкидланди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика кенгашининг ташкилий мажлисида Р. Ғ. Ғуломов кенгаш раиси, Г. И. Скоробогатов ўринбосари қилиб сайланди. Б. Ж. Жўраева, П. Ф. Шевелев жамоатчилик асосидаги раис ўринбосарлари этиб сайландилар, О. А. Алимов, А. П. Алимов, С. А. Алимов, Т. А. Аҳмадхўжаев, С. С. Охунжонов, А. И. Бродова, Н. А. Гришмановский, И. Ж. Жалилов, Д. К. Искандаров, А. Р. Исмоилов, А. А. Эшонхўжаев, А. С. Қодиров, Н. Ф. Калабугин, М. К. Камолов, Б. И. Каримов, Т. Р. Каримова, Н. А. Муҳитдинов, А. Р. Раҳимов, С. Ш. Солиҳбоев, З. С. Санақулов, А. Ў. Ўразаев республика кенгаши президиумининг аъзолари қилиб сайландилар. Я. Т. Зокиров ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Евгений Онегин

«Евгений Онегин» — улуғ рус шоири А. С. Пушкиннинг шоҳ асари. Бундан эллик йиллар муқаддам ўзбек китобхонини бу муҳаббат достони билан илк бор устоз ОЙБЕК таништиргани ҳаммага аён. Устоз шеърий романни чин меҳр билан тилимизга ўгириб, А. С. Пушкиннинг «айрим йирик асарлари турли шоирлар тарафидан қайта-қайта таржима этилиши керак», деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, жаҳон маданиятининг дурдона асарларини такрор ўгириш тажрибаси мавжуддир. Шунга кўра, шоир Мирза КЕНЖАБОЕВ бу асарга қайта қўл уриб, янги таржима нусхасини яратди ва уни устоз Ойбек хотирасига бағишлади. Шеърий роман Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1988 йилда китоб ҳолида чоп этилади.

Қуйида ана шу мумтоз асардан парчаларни — улуғ шоирнинг муҳаббат ва изтиробга тўла лирик чекинишларини журналхон ҳукмига ҳавола этамиз.



А. С. ПУШКИН. Н. Иброҳимов чизган расм.

Келармикин эрким замони?
Келгин энди! — дея бўзлайман.
Денгиз узра очиқ ҳавони
Кутиб, оқ елканни кўзлайман.
Бўрон ридосига ўраниб,
Озод тўлқинлар-ла уриниб,
Озод йўлим бошларман қай чоқ?
Асов адоватли тунд қирғоқ
Қолсин энди. Энди кўз тикай
Чошгоҳ мавжи жавлонларига,
Ҳам Африкам осмонларига;
Россиямни ўйлаб энтикай:
Севгим, дардим диёридир у,
Юрагимнинг мозоридир у.

* * *

Мен яралдим осойиш ҳаёт
Ҳамда қишлоқ жимлиги учун;
Овлоқларда куйларим ободу
Ҳам ижодий ўйларим бутун.
Мен бокира онларга фидо —
Қўл бўйларин кезаман шайдо.
Far niente[1] — умримга ғоя,
Ором дея, эркинлик дея
Уйғонаман ҳар куни наҳор:
Оз ўқийман, кўп ухлаб фақат,
Қизиқтирмас ўткинчи шуҳрат.
Йилларимни шу йўсин бекор
Энг бахтиёр кунларимнинг шод
Соясида ўтказдим, ҳайҳот!

* * *

Гуллар, севги, эркинлик, қишлоқ,
Далалар! Мен сизга фидоман.
Онегиндан ўзимнинг мутлоқ
Фарқим айтиб, шодман жуда ман.
Истеҳзоли ўқувчим токи,
Аллақайси ноширми ёки
Бирон туҳмат бандаси нохос
Феъл-атворим айлабон қиёс —
Демасинким, ул мағрур шоир
Байрон каби мен ҳам навода
Ўз тасвирим этдим ифода;
Гўё бошқа одамга доир
Достон битмоқ биз учун душвор,
Шоир ўзин айлармиш ошкор.

* * *

Айтиб ўтай, барча шоирлар
Бир хаёлчан севгига ёрдир.
Менга азиз лавҳалар, сирлар
Тушларимда азалдан бордир.
Қалбимда жо эди бариси,
Сўнг тиргизди илҳом париси:
Мен беармон куйладим суюб
Соф омолим — тоғлар қизию
Солғирдарё асираларин.
Энди сиздан, азиз жўралар,
Менга бундай савол таралар:
«Созинг ким деб ун чекар сарин?
Рашкчи қизлар тўдаси аро
Сен қай қизга бахш этдинг наво?

* * *

Илҳомингни қўзғаб қай нигоҳ,
Ҳадя этур меҳрини, ширин,
Сенинг ўйчан куйларингга гоҳ?
Ўзи кимга топингай шеърингг?»
Худо ҳаққи, ҳеч кимга, дўстлар!
Телба севги ғалвасин бўзлаб
Мен бошимдан кечирдим нолон.
Бахтиёрдир, кимки ишқ билан
Қофиянинг жазавасини
Қўшиб, шеъриятнинг муқаддас
Ингроқларин орттирса-ю, бас,
Босиб Петрарканинг изини,
Таскин топса, шон ҳам топса зўр!
Мен севганда эдим гунг ва кўр.

* * *

. . . . . .
Ҳаёт ила маст яшангиз, шод,
Қувнанг, дўстлар, ғаниматдир дам.
Менга эса ҳечдир бу ҳаёт,
Бу дунёга менинг меҳрим кам.
Орзуларга силтаганман қўл;
Лекин олис умидлар нуқул
Юрагимни этгайдир хона:
Қолдирмасдан бирон нишона
Дунёни тарк этмагим надир?
Шуҳрат учун ёзмадим яшаб,
Лекин баъзан истадим, ажаб,
Топсин мунглуғ қисматим қадр.
Ҳеч бўлмаса, бир садо, бир дод
Чин дўст каби этсин мени ёд.

* * *

Қай бир дилга етиб бу садо,
Балки фалак асраб бағрига,
Чўкмай қолур байтларим ва ё
Иўқлик дарёсининг қаърига.
Балки, (бу бир умид — дилкашдур)
Бирон нодон шивирлар, машҳур
Сувратимга айлаб ишора:
«О, бу шоир эди, бечора!..»
Илоҳалар муҳиби, эй, зот,
Шафиқ қўли кексанинг сабил
Шуҳрат тожин силаган эй, дил,
Эй, сен учқур шеъримни озод
Ўз ёдида сақлаган омон,
Ташаккурим сенгадир ҳамон!

* * *

. . . . . .
Бир замонлар оташин шоир
Созин юксак пардага олиб,
Қаҳрамонин кўрсатарди бир —
Баркамоллик тимсоли қилиб.
Ҳассослигу оқиллик уйғун
Ва ҳамиша ноҳақ бир қувғин,
Аммо истарали, иймонли
Яратарди азиз сиймони.
Пок туйғулар истилосида
Ҳамиша ҳам жўшқин қаҳрамон
Тайёр эди бўлмоққа қурбон,
Сўнгги бобнинг интиҳосида
Жазо топиб ёмонлик ва кож,
Кияр эди яхшилик гултож.

* * *

Ул хаёллар қолмиш туманда,
Насиҳатлар эснатар буткул;
Ёмонликнинг букун романда
Қўли баланд, музаффардир ул...
. . . . . .

Дўстлар, сўзим шарҳ этурман мен:

Балки, фармон бўлиб фалакда,
Шоирликни тарк этурман мен,
Ўзга жинлар ўйнар юракда.
Феб таҳдидин илмай назарга,
Е бош эггум вазмин насрга.
Эски усул романи ул пайт
Шод ғурубим қоплагай албат.
Евузликнинг сирли дардини
Мен даҳшатли этмам ривоят,
Соддагина қилгум ҳикоят
Оиланинг ҳаёт тарзини.
Тасвир этгум севги ҳолатин
Ҳам ўтмишнинг урфу одатин.

* * *

Гуноҳкорми Татьяна букун
Учиб тоза кўнгил арзига,
Елғонларга ётлиги учун,
Ишонгани учун орзуга?!
Рост ҳисларга бўйсуниб, ёҳу,
Севганими унинг гуноҳи?
Ишонч, ахир, айбими? Худо
Ўзи унга айламиш ато
Нотинч хаёл, тасаввур — енгил,
Тирик идрок, эрк этиб йўлдош,
Инъом этмиш қайсаргина бош,
Нозик ҳамда оташин кўнгил.
Андишасин енгса туйғу-ҳис,
Наҳот, уни кечирмайсиз сиз?..

* * *

Дучор қилма мени, э, худо,
Базму бирон бекатда якка —
Сариқрўмол олимами ё
Кулоҳ кийган академикка!
Табассумсиз қизил лаб янглиғ
Сарфу наҳви хатосиз — силлиқ
Русча гапни севмайман асло.
Менинг бу шўр пешонамга ё
Тил қонунин ўргатур бизга
Малакларнинг янги авлоди,
Журналларнинг тинглаб фарёдин,
Шеър ўқиш ҳам тушур ё изга.
Мен-чи... Нима ишим бор! Фақат
Мен ўтмишга содиқман абад.

* * *

. . . . . .

Нима дейсиз? Рост гап. Рад этгум
Пуч ва қора ўйларни минбаъд.
Мен қавс ичра фақат қайд этгум
Мавжудлигин манфур бир туҳмат —
Ки, чордоқда тўқиб нокас жон,
Авж олдирур кибор оломон.
Бордир андоқ уйдирма, сароб, —
Заб ҳажвлар қилиб кўчабоп,
Не мўътабар даврада такрор
Ўз дўстингиз илжайиб секин,
Гўё бутқул беғараз, бекин,
Юз марталаб ўқийди, айёр.
Ҳолбуки, у — суянч тоғингиз,
...Қариндошдай... чин ўртоғингиз.

* * *

Ҳей, муҳтарам ўқувчим, омон
Борми бари хешу ақрабо?
Сиз буюринг, мен этай баён,
Мана, билиб олинг, марҳабо,
Надир ўзи қариндош-уруғ:
Уларними, ҳар қачон тўлуғ
Эъзозламоқ, иззатламоқ шарт,
Суюб, дилдан ҳурматламоқ шарт.
Элнинг урфу одати тайин:
Ҳайит куни йўқламоқ лозим,
Е хат билан қутламоқ лозим,
Токи бутун йил бўйи кейин
Эслашмасин бизларни доим...
Хуллас, умр берсин илойим!

* * *

. . . . . .

Эй, сиз, жинлар кутубхонаси,
Пароканда, эй, қалин томлар!
Пўрим назмбозлар наъмаси —
Олиймақом, ажиб альбомлар,
Толстойнинг тасвир олами
Е Баратинский қалами
Жило берган матоҳлар! Қатор
Бўлинг худо қаҳрига дучор!
Менга бирон ялтироқ хоним
Альбомини узатсалар, заб
Чулғар мени титроғу ғазаб
Ва бир аччиқ ҳажв уйғониб,
Ғимирлайди қалб ўлкасида,
Уларга-чи, ёзгил қасида!

* * *

Эркинлигу шуҳрат шайдоси
Туғёну ўй қуюни аро
Қасида ҳам ташлару ёзиб,
Суюклиси ўқимас асло.
Айтинг, қайси дардли бир шоир
Севгилиси қошида, ахир,
Ўз шеърларин ўқимиш? Ҳайҳот,
Иўқдир бундан ортиқ мукофот.
Бахтлидир ул камтарин ошиқ,
Ишқу қўшиқ маъбудасига —
Хумор кўзли маҳбубасига
Ҳасратини ўқиса очиқ!
Бахтиёрдир... гарчи ул малак
Хаёлида бошқа бир тилак.

* * *

Ва лекин мен орзум куйлари,
Хаёлларим оҳангини, рост,
Болалигим ҳамдами — қари
Энагамга ўқийман, холос.
Е тушликдан кейин валдираб
Ўтиб қолса қўшним тентираб,
Шартта ушлаб этагидан, тез
Дардим билан бўғаман шу кез.
Ва ёки (бу беҳазилдир, оҳ),
Толдириб ғам, қофия ўйи,
Кўл бўйида кезиб, ёввойи
Ўрдакларни чўчитаман гоҳ:
Тинглаб жаранг шеъримни бари
Учиб кетар соҳилдан нари.

* * *

Шоширмангиз. Гарчи мен, тайин,
Қаҳрамоним севарман ғоят,
Гарчи унга юз бургум кейин,
Фақат ҳозир йўқ менда тоқат.
Йиллар қувар шўх қофияни,
Бешафқат бир насрга мани
Йиллар тортар, бўлайким иқрор,
Хўрсиниб мен судралгум ночор...
Шавқсиз букун кўҳна қаламим
Куйиб қоғоз қораламас у;
Ўзгачадир, сўникдир орзу,
Ўзгачадир заҳмату ғамим,
Сурондаю жимликда улар
Юрагимга солгай қутқулар.

* * *

Баҳор, баҳор! Муҳаббат фасли!
Менинг учун ташрифинг ғамдир.
Жисмимгаю жонимга асли
Азал маъюс туғён ҳамдамдир!
Юзларимга хушбўй, сафоли
Урилганда кўклам шамоли,
Мен қишлоқнинг жимлиги аро
Топурман завқ, ҳаловат, ором!
Е ётмикин завқу ҳаловат!
Наки берур шодлик ва ҳаёт,
Наки яшнар, нурланур, ҳайҳот,
Менинг ўлик руҳимга фақат
Зиқлик, чарчоқ бахш этгайми ё,
Кўрингайми олам зим-зиё?

* * *

Кузда хазон бўлган япроқнинг
Қайтганидан суюнмай, ҳо-ҳуй,
Е эслармиз ғамли фироқни
Дарахтлардан тинглаб янги куй?
Еки қайтмас дунё — йилларни,
Ҳазон бўлган ўша гулларни
Яшнаб турган табиат билан?
Қиёслармиз хижолат билан?
Шоирона хаёллар аро
Едга келур, эҳтимол, бирор
Ўзга баҳор, кўҳна бир баҳор,
Олис диёр орзуси ва ё
Гўзал бир тун, моҳтоб жамоли
Титроқ солур юракка холи...

* * *

. . . . . .

Бир пайт Лицей боғлари аро
Мен барқ уриб гуллаганда тинч,
Апулейни хушлардим, аммо
Цицеронни ўқимасдим ҳеч;
У кун сирли водий қўйнида,
Сокин, шаффоф сувлар бўйида
Таралганда оққушлар саси,
Юз кўрсатди илҳом париси.
Талабалик ҳужрам ногаҳон
Нурга тўлди, пари-ла кирдик,
Ешлик ўйлар базмини қурдик,
Болаликни куйладик шодон,
Ўтмишнинг шон, камолини ҳам,
Дилнинг титроқ хаёлини ҳам.
. . . . . .
Кибор муҳит шод қарши олди,
Илк омадлар келди — хандалик;
Державин чол назарга илди,
Оқ йўл тилаб, қилди бандалик...
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .

* * *

Завқу ҳавас исёнини сўнг
Мен қонун деб билдим ўзимга;
Ҳисларимни оломон-ла тенг
Кўриб, баҳсу сурон, базмга
Ва нозирлар таҳдидига ман
Бордим шаддод маликам билан.
Сўнг телбавор базмларда ҳам
Инъомларин сочди илоҳам,
Май ва ишрат маъбудасидай
Жом ортида қилди жилва-ноз,
У кунларнинг ёшлари гуррос
Эргашарди ортидан тинмай.
Мен, енгилтак ёр билан чиндан
Фахр этардим дўстлар ичинда.

* * *

Иттифоқин дўстларнинг аммо
Ташлаб йироқ қочдим бағоят[2]...
Дилбар илҳом париси ҳамон
Сўйлаб менга сирли ривоят,
Соқов йўлда бахш этди сафо!
Неча кавказ тоғлари аро
Ой нурида мисли Ленора[3]
У мен билан елди сувора!
Тавриданинг соҳилларида
Бирга денгиз гулдуросини,
Сув парисин майин розини
Тингладик тун — зулмат бағрида;
Долғаларнинг мангу сасин ҳам,
Парвардигор қасидасин ҳам.

* * *

Базму довруқ суронларида
Олис пойтахт унутилиб денг,
Мунглуғ Молдав ёбонларида
У кўчманчи қабилаларнинг
Ғариб чодрин этди зиёрат
Ва бадавий бўлиб бағоят,
Унутди сўнг худолар нутқин.
Ажиб тиллар айлади тутқун,
Асир этди саҳро куйлари...
Сўнг ўзгарди олам баногоҳ,
Бир қишлоқи қиз бўлиб ногоҳ
Пайдо бўлди боғимда пари,
Кўзларида мунгли ўй, итоб,
Қўлларида фарангча китоб.

* * *

. . . . . .

Ўз вақтида улғайган бахтли,
Ешликда ёш бўлган бахтлидир,
Чидаб ҳаёт заҳрига асли,
Бардоши тош бўлган бахтлидир.
Бахтли — қўрқинч тушдан йироқ кас,
Кимки кибор авомдан қочмас,
Йигирмада учар олифта,
Ўттиз ёшда уйланса пухта;
Эллик ёшда керишган бахтли
Қутулиб бурч, турли қарздан ҳам,
Шуҳрат, давлат, мансабга кам-кам —
Аста-секин эришган бахтли,
Бутун аср айтса боз олам:
Фалончи кўп ажойиб одам!

* * *

Нохуш ўйлар ғамлидир аммо:
Ешлик бизга берилмиш бекор,
Биз-ку, унга қилмадик вафо,
У ҳам бизни алдади кўп бор
Ва энг гўзал туйғуларимиз,
Энг бокира орзуларимиз
Бир-бир учиб, йитди замонлар,
Чиригандек кузда хазонлар...
Фақат бирдай тўкин дастурхон,
Маросимдай туюлса ҳаёт,
Мартабадор оломонга бот
Эргашсанг-у, фикру ўй, гумон,
Ҳисларингни кўрмасанг баҳам,
Бу ёмондир, бу — ёмон, бу — ғам.

* * *

. . . . . .

Ким бўлсанг ҳам, ўқувчим, билгин,
Дўстмисан сен, бегонами ё,
Бир дўст каби хўшлашай, келгин.
Хайр. Ношуд байтларим аро
Излармисан кескир сўз — калом,
Е исёнкор хотирот, ором,
Жонли лавҳа садоларими,
Е сарфу наҳв хатоларими —
Бу китобдан, ишқилиб, доим
Эрмак учун, орзулар учун,
Еки журнал шов-шувлари-чун
Бирон нарса топгин, илойим;
Недир топгин кўнглингга доир.
Айрилармиз шу ерда, хайр!

* * *

Эй, ғаройиб йўлдошим, хуш қол,
Хуш қол сен ҳам, содиқ омолим,
Хайр, кичик, аммо безавол
Эй, меҳнатим! Сиз боис доим
Қуюн ичра гоҳ унут ҳаёт,
Гоҳо дўстлар даврасида шод —
Шоир учун неки ҳавасдир,
Кўрдим кибор оламда, басдир.
Онегин ва Татьянам маним
Илк бор хира хаёл юзида
Пайдо бўлиб, фол кўзгусида
Ниҳоясин кўролмаганим —
Бул достонга киргандан буён
Ўтди, ўтди қанча кун, замон.

* * *

Илк байтларни ўқирдик иноқ —
Қани ўшал дўсту ёронлар?..
Бириси йўқ, бириси йироқ —
Демиш Саъдий ўтган замонлар.
Онегиним битди уларсиз.
Аммо қани, қани ул азиз
Татьянамнинг олий омоли?..
Оҳ, нечалар топди заволин!..
Бахтиёрдир, умр шабобин
Эрта ташлаб кетган — кўнмаган
Ва жомини ичиб бўлмаган,
Ўқиб бўлмай ҳаёт китобин,
Тарк айлаган бахтлидир бирдан,
Онегиндан айрилгандек ман.

Мирза Кенжабоев
таржимаси

---

[1] Far niente — италянча, бекорчилик.

[2] «Иттифоқ» — бу ерда икки маънода: ҳам улфатлар, ҳам сиёсий жамият ҳисобланмиш «Мурувват» иттифоқи маъносида.

[3] Ленора — Бюргарнинг «Ленора» балладасига ишора.

ЗАМИНГА МЕҲР

замондошларимиз

Олимбой ака билан учрашувга ошиқаяпману, кейинги пайтларда тез-тез қулоққа чалиниб турган кўшиб ёзишларнинг оқибати ҳақида фикрини билгим келарди, лафзи ҳалол деҳқон учун бу маломат нечоғли оғир эканлигини ифода этиб беришини истар эдим. Саволим уни ажаблантирмади.

— Бу ишлар фақат шахсий манфаатлар учун қилинган, дейиш ҳам унчалик тўғри эмас, очиғини айтсам, — деди у босиқлик билан. — Йилдан-йил оғир келди. Гектар ўша-ўша, бир хил. Центнер ошса ошдики, бригада, хўжалик аҳволи ҳеч кимни қизиқтирмади. Деҳқончилик ҳалолликни яхши кўради. Алмашлаб экишга хиёнат қилинди. Натижада тупроқ зўриқиб, майиб бўлиб қолди. «Қўшиб ёзиш»га биров нафси ҳакалак отиб, бошқалар иложсизликдан бош қўшдилар. Энг муҳими, ҳалоллик унутилди. Гапнинг рости, ноҳақ ишларга баъзан мажбур ҳам қилинди.

Йил боши эди ўшанда. Райкомда катта йиғин борарди. Юқоридан ёшуллилар ҳам келишган экан. Мақсад йиллик план-мажбуриятларини белгилаш шекилли, ҳамма бригадирларни бир-бир ўрнидан турғизиб: «Бу йил ҳосил қанчадан бўлади?» деб сўроққа тутдилар. Менинг ёнимда пахтачиликда анча тажрибали, районда ҳам обрўли бригада бошлиқларидан бири ўтирар эди. У навбати келиб ўрнидан тураркан: «Уттиз етти», деди. Президиумда ўтирган ёшулли шарт ўрнидан туриб: «Нима деяпсиз, шу гапни сиз айтдингизми? Кечагина бригадирликка тайинланган фалончи 40 центнердан пахта бераман, деб керилиб турганда... Қўйинг-эй, айтишгаям уяламан. Сизга сираям ярашмас экан...» деди. Раҳбарнинг даккисидан ўзини йўқотиб қўйган бригадир довдираб қолди. Кўзларини жовдиратиб колхоз раисига қаради. Ундан садо чиқавермагач, ноилож: «Бўпти, сиз айтган бўлсин, қирқ» деди. Ҳалиги ёшулли: «Яна озгина оширинг, сиздек машъалларимиз борлигини бир кўриб қўйишсин», дея бригадирга яна тиқилинч қила бошлади. «Э, боринг-э, сазангиз ўлмасин, сиз учун 45», деб юборди.

— Қани, 45 центнерчи бригадирни бир қарсак чалиб олқишлайлик, — деди ёшулли ҳаммани чапак чалишга даъват этиб. Кейин уни рўйхатга тиркаб қўйдилар. Қўшиб ёзишлар шу тариқа илдиз отган эди. Хайриятки, партия ва ҳукуматимиз бундай кўзбўямачиликка чек қўйдилар. Деҳқоннинг юзи ёруғ бўлди. Ўшанда бригадир жойига ўтирар экан: «Қани энди ёшуллилар ҳам сени тушунса. Бу ёқда ер не бир ҳолда-ю, уларга фақат центнер керак. Қассоб дарди ёғ... деб шуни айтишса керак», дея чуқур хўрсинди.

Баҳор, ёз ойларида бир-биримизнинг ишимиздан бохабар бўлиб турдик. Улар ўз кучлари етганча ҳамма ишни қилишди. Ғўзалар айни ҳосилга ўтирган кезда бирдан шира тушиб қолди. У юз эшикка бош уриб, зарур дорини топиб сепдиргунча экиннинг «тақдири» ҳал бўлиб қолган эди. Бригадир ўз ёғига қоврилди, устига-устак раис: «Удалай олмас экансиз, нега ўшанда чирангансиз...» деб қисталанг қиларди. Нима қилсин? Ахир пахта сотиб олишга мажбур бўлди... Оқибатда жабрланди.

Деҳқончилик ҳалолликни ёқтиради, дедик, унга қинғирлик аралашдими, бир кунмас бир кун қийиғи чиқади. Бу — янги гап эмас...

Ҳаётда ўз ўрни борлигини ҳис этиб, эртанги кунига ишониб меҳнат қилган кишига нурли манзил уфқлари ўз бағрини очаверади. Асл деҳқон заминни фарзандидай ардоқлаши лозим, нажот излаб елиб-югуриши керак. Изланган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Олимбой ака Рўзиметов ҳам тенгқурлари қатори далада туғилиб ўсганлардан. Шу боис пахта илмини бир олимдан кам билмайди. У етакчилик қилаётган бригада ҳар йили планларни ўринлатиб келади. Съездлар йилида ҳам шундай бўлди. 45 центнердан ҳосил кўтариб, «Правда» колхозидагина эмас, Хонқа районида пешқадам коллективлар қаторидан жой олди. Чунки у ер билан асл деҳқончасига муомала қилади.

— Биз энг аввало ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жиддий эътибор берамиз, — дейди бригадир ҳосилдорликни ошириш ҳақида мушоҳада қилар экан. — Айниқса бригадамизда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйганмиз. Неча йилдан буён звено пудрати асосида меҳнат қилаяпмиз. Бу самарали усул кутилган натижаларни бераяпти. Бригаданинг 90 гектарлик майдонини иш бажариш имкониятига қараб, 33 оилага бўлиб берганмиз. Улар ҳар бир юмушни ўз маромида тез ва сифатли қилиб бажаришади. Бу эса ғўза парваришини қулай ва ўз муддатида ўтказиш имконини беради. Оила пудратининг яна бир афзал томони шундан иборатки, колхозчилар дала ишларини қисқа муддатларда бажариб, бўш вақтларида ўз томорқасида ишлаши ёки ҳордиқ чиқариши мумкин.

Олимбой аканинг кўп вақти далада ўтса ҳам, ўз касбига доир илмий мақолалар ва китобларни мутолаа қилишга вақт топади. Энг муҳими, ўз фикрига, мулоҳазасига эга мустақил одам. Деҳқончиликнинг эртаси. равнақи ва табиати ҳақида ўрганса арзигулик бир олам орзу-истаклари бор. У бир зум ўйга толади. Шу зумда балки табиатнинг тўкислиги ҳақида ўйлаётгандир... Чунки ҳар бир хўжаликда табиатни муҳофаза қилувчи комиссия ишлаши керак. «Ишлаганда ҳам номигагина эмас, ҳар ойда уларнинг ҳисоботлари юқори ташкилотларда тинглаб турилиши лозим. Ана шундагина бу борадаги иш жонланади», — дейди куйиниб. Деҳқоннинг фикрида жон бор. Ҳақиқатан ҳам республика хўжаликларида, кекса пахтакорлар, суяги деҳқончиликда қотган пенсионер отахонлар бу ташаббусни ўз қўлларига олсалар, эзгу иш бўларди. Чунки, она табиат тўкислиги — элу юрт тўкислигидир. «Ахир бир меҳр билан табиатни мўътабар онамизга қиёслаймиз. Гапнинг рости, меҳр-муҳаббатимиз эса номига яраша бўлмаяпти. Бу айбларимиз учун табиат олдида қарздорлигимизни унутиб қўймаслигимиз керак. Ҳар дақиқада ўз хатоларимизнинг аччиқ меволарига дуч келганимизда кўп ҳолда бунга парво қилмаймиз, гўё ўзимиздан ўтган хатоликлар учун кимлардир айбдордай. Кейинги вақтда сариқ касали кўпайди. Нега? Экиладиган чигитнинг бари ўткир ҳидли, ниҳоятда заҳарли дорилар «ишловидан» чиқади. Ниҳол ўсиб чиқиши билан то ҳосилга киргунга қадар бош-оёғидан ҳовучлаб заҳарли дориларни «қуяверамиз». Бундай дардли, ташвишли ўйлар Олим акадек билимдон деҳқонларнинг дилини ларзага солаётгани табиий.

Бу сўзлар оний ташвишлар эмас, келажак тақдири учун қайғуришдир. Бунинг учун республикамизда деҳқончилик маданиятини кучайтиришимиз керак. Олимбой ака буни ўз ҳаётидан яхши билади. Дала ишларида, ўз тили билан айтганда, Отажон Раззоқов, Ҳамро Нуруллаев, Матжон Бекжонов сингари «сардор»ларига суянади. Улар бригада обрўсини ўз обрўси деб тушунишади.

Миришкор деҳқон Олимбой ота Рўзиметов бошлиқ аҳил коллектив Улуғ Октябрь инқилобининг 70 йиллиги нишонланадиган йилда ҳам ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар кеч кузданоқ пайкалларни сифатли шудгор қилдилар, шўр ювиш, ариқ-зовурларни тозалаш ва маҳаллий ўғит жамғариш каби қишки юмушлар ўз муддатида тез ва соз бажарилди. Қишки дала ишларининг бекаму кўст бажарилиши айниқса баҳорда қўл келди. Кунлар исиб, ер бағрига ҳарорат ўтиши билан чигит экишга киришилди. Кўклам қуёшидан қувват олиб, деҳқон меҳрини ҳис этган ниҳоллар авжи янада ошди.

Айни кунларда бригада заршуносларининг қўли қўлига тегмайди. Езнинг офтоби буровга олган ҳозирги паллада деҳқонларнинг фикри-зикри ғўза парваришини намунали ўтказишга, пайкалларда мўл-кўл ҳосил тўплашга қаратилган.

Очил ТОҲИРОВ

Хонқа — Тошкент

ЖАЙЙИБОТ ҒАРОЙИБОТ

Жомолунгмага чиқиш

Монголиялик альпинистлар жаҳонда энг баланд ҳисобланган Ҳимолайнинг Жомолунгма чўққисини забт этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. «Машқлар давомида, — деди МХРда хизмат кўрсатган тренер Р. Зориг, — Монголия территориясидаги ҳамма юқори нуқталар, жумладан Найрамдал чўққиси, Татр, Альп, Кавказ ва Помир чўққилари ҳам забт этилди». Чехословакия ССРда альпинизм ишлари бўйича Совет раиси Ю. Скандернинг айтишича, у Монголияда 1986 йилда ўтказилган анъанавий альпиниада иштирокчилари билан бирга бўлган ва тоғ забткорларининг умид ҳамда маҳоратларига тан берган.

Топилма

Олимлар Негев чўлида гигант наҳанглар ҳаёт кечирган деб таъкидлашмоқда. Албатта, улар қумда юришмаган, наҳанглар ўрта ер денгизининг тор кўрфазида сузишган. Бу кўрфазлар чўлнинг марказигача келган. Ҳозирги пайтда бу ерда Беэр-шева шаҳри жойлашган. Геолог Рон Гольдберг чўлда 14 сантиметрли наҳанг тишини топган. Бу ҳозирги 20 метрли оқ наҳангнинг аждодлариникидир. Доктор Гольдберг, Гибралтар бўғози 5—6 миллион йил аввал континентал ўзгаришлар натижасида Ўрта ер денгизи ҳамда Негев чўли районида дарёлар қуриган, деб тахмин қилмоқда. Кейинчалик бўғоз очилган ва шарқираб оққан сувлар яна кўрфаз ҳосил қилган, уларда наҳанглар тағин сузиб бошлаган.


ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ...


(ТОШКЕНТ БОЖХОНАСИДА)

Совет Ўзбекистони пойтахти Тошкент — халқаро туризмнинг Шарқдаги йирик марказларидан бири. Бу ерга ҳар куни юзлаб чет эллик меҳмонлар, чет мамлакатлардан жўнатилган турли юк ва посилкалар келиб туради.


— Серқуёш ўлкамизга ташриф буюрадиган меҳмонлар ва чет элларга саёҳатга чиққан ҳамюртларимиз, — дейди божхона бошлиғи ўринбосари Олег Маликов, — турли-туман буюмлар билан кириб келадилар. Бизнинг вазифамиз ана шу буюмларни жиддият билан кўрикдан ўтказишдан иборат. Баъзан ёмон ниятда мамлакатимизга наркотик моддалар, қимматбаҳо, аслида ғоявий зарарли буюмлар, совет савдоси талабларини қўпол равишда бузадиган, мамлакатимиз моддиятига путур етказадиган валюталар олиб ўтишга уринишлар ҳам содир бўлади. Масалан, божхонада ер шари тасвири туширилган глобус — эсдалик совғасининг бир нечтасини олиб ўтаётган йўловчини тўхтатишга тўғри келди. Чунки бу глобусчада Совет Иттифоқи чегаралари қўпол равишда бузиб тасвирланган эди.

Тошкент божхонаси ходимлари ўз постларида доимо ҳушёрлик билан хизмат қилмоқдалар. Ўтган йил якунларига кўра божхона коллективи СССР Министрлар Совети қошидаги Давлат божхоналари назорати бош бошқармасининг тармоқлари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақа ғолиби деб топилди.











Суратларда: божхона ходимлари томонидан ушлаб қолинган, мамлакатимизга олиб ўтилиши тақиқланган буюмлар; ушбу бўёқ қалами яширинча пул олиб ўтишга мўлжалланган; Тошкент божхонасида; яширин буюмлар олиб ўтиладиган жомадонлар; божхона инспектори Рустам Йўлдошев ручка ғовагига яширилган пул — чекни топиб олди.

Ф. Қурбонбоев фотолари (ЎзТАГ)

ТУЙҒУЛАР

Санъат МАҲМУДОВА

ҲИКОЯ

ВАСИЛАНИНГ рассомлар боғига келганига беш кун бўлди. Лекин у асосан кечадан бошлаб астойдил қизиқиш билан расм чизишга тушди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Кеча — биринчи март куни кечгача майдалаб қор ёққан эди. Бугун эса, эрталабданоқ қуёш чарақлаб чиқди. Қор эрий бошлади.

Осмон ёп-ёруғ, ҳали барг ёзмаган қўнғирранг дарахтлар новдасидан маржондек тизилган оқиш томчилар томаяпти.

Нонуштадан сўнг Васила хонага кириб, ишни давом эттиришга тайёр эди-ю, лекин бу осуда, кенг боғнинг соф ҳавосида ҳар куни камида бир-икки соат сайр этиши кераклигини, шаҳарда бунчалик имконият тополмаслигини яхши тушунарди. Сутранг плаш ва шу рангдаги беретасини кийиб, пошнали қора туфлида ҳовлига чиқди. Унинг ёши ўттизларга борган эса-да, қомати нозиклигидан узоқдан қизларга ўхшаб кўринар, юзи чўзинчоқ, қоши сийрак, истарали жувон эди. Васила тоза ҳаво ва илиқ нурдан завқланиб, энтикиб нафас олди. Кейин худди учмоққа шайлангандек қулочини кенг ёзди.

Қори эриб кетган ҳўл асфальт йўл қуёш нурида ялтирайди. Гулзор ўрнидаги шудгорда оқариб қолган юпқа қор эриб, ерга сингиб бораяпти. «Қизиғ-а, — ўйлайди Васила қўлларини плаш чўнтагига солиб, ерга қараб аста одимларкан, — кеча кун бўйи ёққан қорни бугун қуёш нури бир неча соат ичида эритиб юборса-я!»

Васила асфальт йўлдан аста бораркан, ёнида бир яхши ҳамроҳ бўлишини истар эди. Ҳа, ўша Шавкат билан суҳбатлашишни хоҳлар эди. У билан мана шу тез ўзгарувчан табиат ҳақида, қуёш нурининг борлиқни яйратувчи қудратли ҳарорати ҳақида, бу ҳақдагина эмас, кечаги суҳбатдан сўнг қизиқиб чизишга киришган янги асари ҳақида гаплашгиси келарди. Ахир одам-одам билан суҳбатлашади-ку...

— Билмадим, мен ўзи қанақаман, — ўзига-ўзи шивирлайди Васила, — юрагимга ҳеч туйғуларим сиғмайди-я! На севинчни, на ташвишни сиғдираолади. Ҳаммасини дарров кимгадир, ўзимни тушунадиган одамга сўзлаб бергим, баҳслашгим келади. Мана ҳозир ҳам ўзимнинг шу одатларим ҳақида Шавкатга айтсам-да, унинг фикрини тингласам. Ҳа, унинг ўша болаларча беғуборлик билан кулиб боқувчи зийрак кўзларига қараб-қараб, фикрингга қанот бергувчи сўзларини тинглагинг келади. У сўзлаётганида қўллари ҳаракатга тушиб, қошлари учиб бораётган қуш қанотидек талпинади. У сўраган нарсанг ҳақида тўғри маслаҳат беради, астойдил фикр юритади...

Васила йўлга қараб-қараб қўяди. Назарида у келаётгандай, мана ҳозир улар суҳбатни бошлаб юборадигандай... Йўқ, у келмаяпти. У ўз хонасида ишлаб ўтирибди. У ижоддан ҳеч чарчамайди-я!

Васила қурилиш майдони томон юрди. Рассомлар боғидаги бир қаватли узун бино ёнида кўп қаватли катта иморат қурилаяпти. Бу ерда баланд бўйли, елкадор, соғлом йигитлар ишлашаяпти. Кўтарма кран узун бетон синчни липиллатиб олиб бориб, иккинчи қаватга қўйди. Қараб туриб, Васила уларнинг ишига ҳавасланди, ёнларига кириб ишлагиси келади. Ахир, улар ҳамиша очиқ ҳавода, баҳамжиҳат, бирбирларига гап қотиб, аҳиллик билан уй қурадилар. Гоҳ самимий қаҳ-қаҳ уриб кулишади.

Василанинг нигоҳи қурувчи қизни излайди. Етти-саккиз йигит ичида бир ўзи ишлаётган бу қизга Васила келган куниёқ эътибор берган эди. Ўрта бўйли, қирғизқовоқ, кулча юзи анордек қипқизил, лўппи. Эгнида ҳаворанг куртка ва шим, бошида қизил дурра. Қиз чўян тахтача устига ўзининг бўйи баравар қилиб ғишт тахлар, қўлларида қалин бесўнақай қўлқоп, нафис лабларида эса, сезилар-сезилмас табассум ўйнарди.

Васила тез-тез юриб, хонасига кирди. Стол устида ҳар хил бўёқлар, рангли қаламлар сочилиб ётарди. Деразага қаратиб қўйилган бўй баравар холстда ҳовлидаги қурилиш манзараси. Гўё хона қурилиш майдони-ю, Васила паҳлавон йигитларнинг шиддатли нафасини, ҳалиги қизнинг ғишт тахлаётиб айтган майин қўшиғини эшитаяпти. Ана, кўтарма кран машинисти кабинадан бош чиқариб, қурувчи қизга табассум билан қўл силкитиб қўяди. Ана, йигитлар дам оладиган омонат тахта уй деразасида уч дона чинни гул кўринади.

Шунча кундан бери чизиб тугатилмаган асар — колхоз раиси портрети четда илиғлиқ. Негадир бу портрет боққа келганидан бери Василани қийнаётган эди. Лекин чизиши керак. Шу ойнинг охирида рассомлар уйида кўргазма очилади. Кўргазмада қатнашиш учун буюртма олган. Бундан ташқари, бу боққа бор-йўғи ўн кунга келган. Уйда ўғил-қизи, эри, ишхонада вазифаси кутаяпти. Бу ерга келган куни у бешолти нафар кекса рассомни ва курсдоши Шавкатни учратди. Шавкат анчагина машҳур рассом, унинг асарлари Бутуниттифоқ кўргазмаларига қўйилиб, марказий матбуотда ҳам тез-тез чиқиб туради. Лекин у камгап, бироз мағрур кўринса-да, жуда самимий эди.



Расмни О. Холиқов чизган.

Ўша қор майдалаб ёғаётган тунд ҳавода Васила раис портретига қўл ургиси келмай, куппакундузи яшил лампани ёқиб, булғор ёзувчиси Павел Вежиновнинг «Ғов» қиссасини ўқиб ўтирар эди. Бир маҳал лип этиб чироқ ўчиб қолди. Васила деразанинг яқинига келиб, ўқишни давом эттирди. Шу пайт эшик секин-секин чертилди. Шавкатнинг йўғон, ширали овози эшитилди.

— Василахон... ишлаяпсизми?

— Имм, йўқ, — овоз берди Васила. Журнални столга қўйди. Кейин шошилиб туриб, оёғига шиппакни илиб, бориб эшикни очди. Шавкат аллақачон ўз хонаси остонасига бориб олган, тақиллатишга тақиллатиб қўйиб, хижолатда эди:

— Чироқ ўчиб қолди, — деди у. — Сизда ҳам ўчдими?..

— Ҳа-а, — деди Васила чўзиб, кейин ерга қаради ва дарров ўз хонасига кириб олди. Киришга кирди-ю, Шавкатнинг гапи чала қолганини ҳис этиб, ғалати бўлди. Бир-икки минутдан сўнг яна остонага чиқди, узун коридорнинг охирида плаш ва шляпасини кийиб, ҳовлига чиқиб кетаётган Шавкатни орқасидан кўрди. Кейин журнални ёпиб, тез кийинди. Ҳовлига чиқди. Қор майдалаб ёғиб турибди. Осмон қорайиб кўринади. Ҳаммаёқ нам, изғирин.

(Давоми 14-бетда).

ҚЎНГИЛЛАРНИНГ СЕВГАНИ

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари кандидати

Жаҳонга машҳур «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Тўтинома», «Шоҳнома» каби узоқ асрлар давомида ўзбек халқи орасида ардоқланиб, ўқиб келинган асарлардан бири Мумтоз Фароҳийнинг «Маҳбубул қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») номли асаридир. «Маҳбубул қулуб» ўзбек адабиёти ривожига сезиларли таъсир ўтказган. У Улуғ Октябрь инқилобига қадар ўзбек тилига беш марта таржима қилинади, бундан ташқари китоб ичидаги «Раъно ва Зебо» қиссаси асосида Очилдимурод Мирий ва Муллоқурбон Хиромийлар янги шеърий достонлар ёзганлар. Мумтоз Фароҳий асарининг бизда бунчалик эътибор қозонишига сабаб, биринчидан, XIX асрда афсонавий-романтик қиссалар, саргузашт характеридаги ва бевосита тарбиявий аҳамиятга молик ахлоқий ижтимоий асарларга талаб-эҳтиёжнинг ошгани бўлса, иккинчидан, «Маҳбубул қулуб» (маълумки, Алишер Навоийнинг ҳам шу номда асари бор, аммо булар бир-биридан тамоман мустақил асарлардир) услубининг тозалиги, классик форсий насрнинг ўзига хос тарзу тароватини намойиш этиши эди. Бироқ асар хусусиятлари ҳақида гапиришдан олдин унинг муаллифи тўғрисида қисқача тўхталмоқчимиз.

Мумтоз тахаллуси билан ижод этган Мирзо Бархурдор Туркман Фароҳий XVII асрда Хуросонда яшаган улкан насрнавис адибдир. Ҳиротга яқин Фароҳ шаҳрида туғилиб вояга етган Мумтознинг асл насаби туркий қабилалардан бўлиб (исми шарифидаги «Туркман» сўзи ва асарларида учраб турадиган ўзбекча номлар, мақол-маталлар шундан далолат беради), у узоқ умри давомида оғир ҳаётни бошдан кечиради. Марв, Исфаҳон, Ҳирот, Хабушон ҳокимлари саройида муншийлик қилиб, катта мансабларга кўтарилган бўлса-да, аммо бирон ерда ҳам муқим туролмасдан шаҳардан шаҳарга, юртдан юртга кўчиб юрган. Бунинг сабаби, сафавий ҳокимлар саройидаги фитна-фасодлар, ўзаро уруш-жанжаллар, жаҳолат ва диний таассубнинг кучайганлиги эди. Мумтоздай равшан фикрли, хуштаъб, донишманд ва халқпарвар ёзувчилар феодал сарой муҳитига сиғмас эдилар. Айрим маърифатли вазир ёки амирларнинг ҳомийлиги бу ҳасад ва жаҳолат тўфонини тўса олмас эди.

Мумтознинг ижодий фаолияти Исфаҳон шаҳрида бошланади. Бу ерда у илғор қарашли шоир-ёзувчилар билан дўстлашиб, қизиқарли қисса-ҳикоялар билимдони сифатида шуҳрат қозонади, халқ орасида тарқалган ривоятларни йиғади ва мухлисларнинг қистови билан уларни қайта ишлаб чиқиб, «Маҳфилоро» («Мажлислар безаги») асарини яратади. 400 га яқин қисса ва ҳикоятларни ўз ичига олган бу асар ҳажмининг катталиги жиҳатидан Шарқ адабиётида «Минг бир кеча»дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Афсуски, бу ажойиб асарнинг умри қисқа бўлди — кейинги авлодларга уни кўриш насиб этмади. Муаллиф Дарун шаҳрида яшаб турганда, чемишгезак курдлари ва қипчоқларнинг ҳужумига дучор бўлади, улар адибнинг мол-мулкини ва «Маҳфилоро»нинг ягона нусхасини талаб олиб кетадилар. Асар домдараксиз йўқолади. Адибнинг ўзи эса, мудҳиш қийноқлар, руҳий изтироблардан кейин бир амаллаб қочиб қутулади ва Ҳиротга йўл олади. Бу ерда у бироз ором олгандай бўлади, «Шамса ва Қаҳқаҳа» асарини ёзади. Бу асарда ўзбошимча ҳокимларга таъсир этиб, уларни яхшилик йўлига даъват этиш мақсад қилиб қўйилади.

Мумтоз Ҳиротда шароит ёмонлашгани сабабли яна Хабушон шаҳрига келади. Ёши анчага бориб қолган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, тажрибаси ортган истеъдодли адибнинг ижодий ниятлари ҳали сўнмаган эди. Шунинг учун у дўстлар, мухлисларнинг далда-илтимосларига биноан «Шамса ва Қаҳқаҳа», «Раъно ва Зебо» қиссаларини ҳамда «Маҳфилоро»дан хотирасида сақланиб қолган қисмларни қўшиб, уларнинг ҳаммасини ўзининг серифода бадиий тили билан янгидан таҳрир этиб, «Маҳбубул қулуб» («Кўнгулларнинг севгани») асарини таълиф этади. «Маҳбубул қулуб» ҳажман «Маҳфилоро»дан кичик — унда 90 та қисса ва ҳикоятлар жамланган. Аммо шунинг ўзи ҳам Мумтоз қаламининг сеҳри ва қудратини бизга етказишга кифоя этадиган қимматли адабий меросдир. «Маҳбубул қулуб» бутун Шарқ мамлакатларига тарқалиб, шуҳрат қозонади, унинг ҳикоялари Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон адабларига илҳом бериб, янги-янги достонларнинг ёзилишига туртки беради.

Бунинг сабаби Мумтоз Фароҳий асарининг халқчил ғояларга бойлиги, мардлик ва муҳаббат, адолат ва эзгуликнинг улуғланиши, ажойиб-ғаройиб саргузаштлар, ўткир сюжетли воқеаҳодисалар тасвири орқали янги қаҳрамонлар, ажойиб тақдирли кишилар образининг шакллантирилгани эди. Асар гарчи Шарқда кенг тарқалган усул — қисса ичида қисса тарзида ёзилган ва бу жиҳатдан «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Чор дарвеш» каби машҳур асарларга ўхшаб кетса-да, аммо ундаги қисса-ҳикоятларнинг мазмунмундарижаси ва айниқса ёзилиш услуби батамом янги эди. Асарни қизиқарли этган яна бир хусусият, бу барча ҳикоят ва қиссаларнинг ягона оҳанг — қийин аҳволга тушганда ундан қутулиш йўлини излаш, фаоллик кўрсатиш, тадбир, заковат билан душманни енгиш сари интилиш ғоясига бўйсундирилганидир.

Асарда афсона-қиссалар тасвири баҳонасида XVII аср ижтимоий ҳаётининг реал лавҳалари қаламга олинади. Мумтоз ўз мухолифлари — фирибгар ва жоҳил руҳонийлар, ҳаромхўр амалдорлар, қароқчи, йўлтўсар сўфилар устидан кулади. Масалан, иккинчи дафтарнинг асосий қаҳрамони — одамларга яхшилик қиламан деб ҳамма вақт бир ишкал чиқарадиган Носирнинг саргузашти орқали тўла маънодаги комик саҳналар, кулгили вазиятларнинг яратилганким, уларда ўғри, қароқчилар билан шерик бўлган сўфилар, қаландарларнинг башараси очиб ташланади: ҳоким ва имомларнинг талончилиги, ярамас хулқ-атвори ҳажв этилади. Еки «Раъно ва Зебо» қиссасидаги «ошиқ» қози ҳикоясини олайлик. Бунда қозининг молпарастлиги, тилла ҳамён эвазига ўз хотинини бошқа бировга никоҳлаб бергани моҳирона фош этилади. Худди Гулханий «Зарбулмасал»ида бўлганидек, Мумтоз ҳам кўп жойларда ўз кўзи билан кўрган тарихий шахсларнинг номи ёки лақабини аниқ тилга олиб, киноя ва тамсил йўли билан улар устидан аччиқ кулади, даврнинг тузалмас иллатлари, ахлоқан тубанлашган одамларнинг ярамас қилиқларини ғазаб билан очиб ташлайди. Бу иллатларнинг бош сабабкори, асосий илдизи, Мумтоз назарида, молдунёга ҳирс қўйиш, очкўзликдир. Шу сабабли олам-олам бойлик тўплаб, охирида хору зор бўлган савдогарлар тақдирини мисол қилиб кўрсатади, шунинг учун «Маҳбубул қулуб» муқаддимасида қаноат ва нафсни тийишнинг шарофати ҳақида, «нафсоният йўлида гумроҳ» бўлган ва ҳаёт синовларига «тобу тоқат келтуролмаган» иқболи нигунларни огоҳлантиришдан ташқари, ички ҳикоятларда ҳам бу мавзуга ботбот қайтади ва «мол жамъияти тажаллисида талош қилиб, бировларга хусумат ва душманлиғ русумин фош, адоват майдонида на рустамона сувоши пархош қилувчи» (К. Хоразмий таржимаси) одамлар ҳақида куюниб ёзади. Қуйидаги ўхшатиш орқали эса, ҳирс-ҳавас домига тушган одамларга нисбатан ғазабини ошкора баён этган: «Аксари башарият шаробидан маст бўлиб, кўнгулни қўлдан бериб, ҳирсу орзунинг бепоён водийсида гумроҳ ва саргардон бўлуб, аблаҳона дунё моли изидин шитобон бўлурлар, ул гуруҳи шаҳватпешанинг табълари сабоъ (дарранда) ва баҳойим (ҳайвон) табиатларидек бўлуб, алар ҳар бир мурдор нимарсани ўртаға олғон бир-бириға улфати бордур, аммо ноқонеълиқ нафслари саркашлиғиға кўра зоҳирдурким, ул мурдор устида беихтиёр ҳар бири била талошу мужовала қилур».

Мумтоз бу ғояни асардаги бир қанча салбий қаҳрамонлар миссолида исботлаб кўрсатади, уларга қарама-қарши ўлароқ олижаноб, пок-ахлоқли одамларнинг серфайз қиёфасини чизади. Адибнинг ижобий қаҳрамонлари — эпчил, ақлли, некбин кишилар. Улар дўстлик, биродарликни қадрлайдилар, омонатга хиёнат қилмайдилар ва охир-оқибатда мурод-мақсадларига етадилар. Чунончи, асарнинг энг мароқли қиссаларидан бири «Раъно ва Зебо»дир. Унда акаси ўлимидан кейин тахтни эгаллаб, ўзининг барча ваъдаларини унутган, шаҳзода Раъно билан ўз қизи Зебони таъқиб остига олиб, жабр ўтказган нобакор Сановбаршоҳ билан бир-бирини юракдан севгувчи Раъно ва Зебо ҳақида ҳикоя қилинади. Севишган ёшлар турли хилдаги хатарли қийинчиликларни енгиб, бир-бирига етишади ва золим Сановбаршоҳдан ўч олишади. Айниқса, жасур ва оқила қиз Зебо образи зўр муҳаббат билан яратилади. У Шарқ адабиётида ўзига хос янги типдир. Зебо тадбир ва заковат билан ҳам ёри Раънони ўлим хавфидан қутқаради, ҳам денгиз қароқчиларини енгиб, ўз номусини пок сақлаб, мамлакатда адолатни қайта тиклашга муяссар бўлади.

«Маҳбубул қулуб»да Ганжури Обид, Кишваркушо, Хайрандеш, Екутшоҳ, Салижуқи Обид, Шоҳ Мансур, Фаррухрўз, Жаҳоноро каби бир-бирини такрорламай-

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

диган қатор образлар бор. Асарнинг ҳар бир қиссаси ўзига хос қизиқарли воқеа-ҳодисаларга эга, янги типлар, характерлар билан ўқувчини таништиради, сабоқ бўладиган ҳикмат ва насиҳатлар орқали кўнгилларга яхшилик уруғини экади.

«Маҳбубул қулуб»да афсонавий-романтик руҳ ҳам, реал тасвир тарзи ҳам, панд-насиҳатни баён этувчи ахлоқий хусусият ҳам мужассам. Бошқача айтганда, бу асарда Мумтозгача давом этиб келган бир неча хил типдаги адабиёт хусусиятлари қўшилиб, синтезлашиб кетган. Шунинг учун у жанр сифатида адабиёт тарихида янги ҳодиса эди. Адиб гўё фольклор билан ёзма адабиёт усулларини омухталаб, қисса ва ҳикоятлардан дидактик мақсадларда фойдаланади. «Минг бир кеча» ҳам афсонавий қисса-ҳикоятлардан тузилган, лекин унда панду насиҳат, ҳикматгўзорлик йўқ. «Калила ва Димна» мағзини эса ҳикмат-ўгитлар ташкил этади, ҳикоятлар ҳикматга мисол, илова-безакдир. «Маҳбубул қулуб»да эса «насиҳат»лар бобларнинг муқаддимасида келтириладию, кейин қисса ва ҳикоятлар тасвири давомида уларнинг «амалдаги исботини» кўрсатишдан ташқари, янги-янги фикрлар, бадиий хулоса ва мулоҳазалар билан бойитилади, тўлдирилади. Муаллиф «Минг бир кеча» билан «Калила ва Димна» тажрибасидан фойдаланиб, форс-тожик адабиёти тарихида янги йўналишдаги учинчи хил наср намунасини беришга эришади.

«Маҳбубул қулуб» ўзбек тилига беш марта таржима қилинади, уларнинг ҳаммаси Хоразмда амалга оширилади. Лекин таржималарнинг бирортаси ҳам бу улкан асарни тўла қамраб ололмайди. Атоқли шоир Комил Хоразмий 1875 йили «Маҳбубул қулуб»нинг биринчи дафтаридан Хожа Ҳумоюн қиссасини танлаб таржима қилади. Муҳаммад Тоҳир таржимаси биринчи ва иккинчи дафтарни тўла ўз ичига олади (таржима ўтган асрнинг 90-йилларида бажарилган) — бу мазкур асарнинг энг катта қисмидир. Таржиманинг 1902 йилда Мулло Сайид Абдуллоҳ кўчирган нусхаси 842 саҳифадан иборат. Муҳаммад Тоҳир «Муқаддима»ни ҳам, воқеалар, қисса-ҳикоятларнинг миқдори, ўзаро боғланишлар, «насиҳат» қисмларни ҳам тўлиқ сақлайди. Муҳаммад Тоҳир бундан бошқа «Раъно ва Зебо» қиссасини ажратиб олиб, алоҳида таржима вариантини яратади. Бу қисса хоразмлик яна икки адиб — Комилнинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзо ва Бобожон Саноий томонидан ҳам таржима қилинади.

Комил Хоразмий Мумтоз асарининг гўзал маъноларга бойлигини, ундаги ажиб воқеалар кўнгилга сурур ва ҳузур бағишлашини ёзиб, айни вақтда тил ва услубнинг мураккаблиги қийнаётганини ҳам уқтириб ўтади. Шу боис у бир неча вақт иккиланиб юради, таржимага қўли бормайди. Вақт зиқлигидан асарни ҳар доим қўйнида сақлаб юриб, сафар чоғи от, туя устида таржимани давом эттирган ва икки ойда тугатган. Мумтоз услубининг жимжимадорлиги, истиоралар занжири хоразмлик бошқа таржимонларни ҳам қийин аҳволга солади. Зотан, бу бошқа асарлар таржимасига ўхшамасди, тамоман янги ифода-иборалар, янгича насрий тил ижод қилишни талаб этарди. Шунинг оқибатида «Маҳбубул қулуб»нинг беш таржимаси — беш тажриба бўлиб қолади.

Чунончи, Муҳаммад Тоҳир, Муҳаммад Расул ва номаълум таржимон Мумтоз Фароҳий асарининг ўзига хос бадиий хусусиятларини, ҳикмат-насиҳатларини тўлиқ сақлашга бел боғлаганлар. Мумтоз асл нусхасида бўлганидай, дабдабали тил услуби сақланади. Аммо кўп жойларда ёрқинликка путур етади, нотабиийлик кўзга ташланади. Комил Хоразмий қисса ва насиҳатлардаги мураккаб истиоралар қаторини бир оз камайтириб, сал соддалаштириб таржима этади. Бобожон Саноий бўлса, бутунлай бошқа йўл тутади: керакли жойда Мумтоз «санъат»ларидан воз кечиб, содда халқчил тил билан воқеаларни нақл этса, керакли жойда ўзи асар руҳига мос равишда янги сажъ ва истиқралар ижод этади. Умуман олганда, Саноийнинг таржимонлик усули Мумтоз услубига тескаридир. Чунки, агар Мумтоз халқ қиссасини ёзма адабиёт руҳида қайта ишлаган бўлса, Саноий уни яна халқчил руҳга қайтаради.

Шундай қилиб, «Маҳбубул қулуб» таржималарида Хоразм таржима мактабининг бир неча хил ижодий принциплари намоён бўлган. Аммо, қизиғи шундаки, Восифийнинг «Бадоеъул вақоеъ» асари (У ҳам «Маҳбубул қулуб» сингари «қоришиқ» хусусиятли асар бўлиб, Хоразмда уч марта ўзбек тилига ўгирилган) таржимадан таржимага соддалашиб, жимжимадор услубдан халос бўла борса, «Маҳбубул қулуб» бунинг акси ўлароқ, таржимадан таржимага асл нусхага яқинлашиб, «аниқликка» қараб боради.

Хуллас, олдимизда қимматли ва сермазмун мазкур асарнинг ўзбекча таржималарини, шунингдек, Хиромий ва Мирийнинг шеърий достонларини қиёсий ҳамда чуқур илмий таҳлил асосида ўрганиш вазифаси турибди, шунда ўзбек адибларининг маҳорати, меҳнати Мумтоз асарининг адабиётимиз тарихида тутган ўрни ва аҳамияти аниқ, равшан кўзга ташланиши мумкин. Бунга имконият бор: «Маҳбубул қулуб»нинг асл нусхаси ва биз тилга олган таржималарининг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ССР Фанлар академиси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида кўп вариантда мавжуддир.

(Охири. Боши 12-бетда).

Васила бироз зинада совқотиб турди-да, яна изига қайтди.

Шавкатнинг хонаси ёнидан ўтиб бораркан, бирдан эшик очилди. Шавкат қўлида чойнак билан чиқиб келарди. У тезгина тўхтаб, эшикни каттароқ очди. Соф, беғубор кўзлари самимий қуларди.

— А, Василахон, ишлар яхшими?

— Ўртача, — деди Васила, — ўзингиз-чи, полотно битиб қолдими?

Шавкат ўзи ҳақидаги саволга жавоб беришдан олдин Василанинг кўзига диққат билан боқди.

— Нега ўртача, аъло бўлиши керак! — деди. Кейин у такаллуф билан йўл берди. — Киринг, Василахон! Ҳозир иссиқ чой дамлаб келаман.

У ичкари кирди. Шавкат бирдан яйраб, чойнакни тумбочка устига қўйди-да, ёзув столининг ўнг томонидаги стулга Василани таклиф этиб, ўзи ундан анча узоққа, бурчакдаги стулга чўкди. У сўз кутиб, кўзлари порпираб қараб турди-да:

— Қалай, зерикмаяпсизми? — деди.

Васила худди ёш боладай ростини айтиб қўя қолди:

— Шу... киши баъзан суҳбатдошсиз зерикаркан, бу ерда...

— Ҳа-да, — Василанинг фикрини қувватлаб, яна яйраб кетди Шавкат, — мен ҳам боя бироз зерикиб...

Шавкат унга чой қуйиб узатди-да, яна ўша бурчакдаги стулга чўкди.

— Яхши чизибсиз, қойил! — деди Васила портретга имо қилиб. — Айниқса санъаткорнинг кўзларидаги руҳий олам...

— Ҳа-а, энди бир нав... — камтарлик қилди Шавкат.

— Менинг эса, чизаётган нарсам чала қолди, анови раис портрети-чи? — деди Васила бироз ўксиниб. — Ўша ҳеч чиқмаяпти. Мен энди уни ташлаб қўйиб, анави қурилишни, у ердаги қурувчи қизни чизсаммикан, девдим. Бўлармикан-а? — деди у Шавкатга жовдираб тикилиб.

— Бўлади! — деди Шавкат қатъийлик билан. Ўрнидан бир қўзғолиб ҳам қўйди. — Бўлади! Бир ишинг кўнгилдагидек чиқмаса, иккинчисини бошла, деган гап бор-ку.

Васила Шавкатнинг ишонч тўла кўзларига қараб, худди асарни чизиб тамомлагандек ҳаяжонланиб кетди ва гапида давом этди:

— Қиз шундай ишчан, шундай сирлики, назаримда, шу қиз бўлмаса, анави қурувчи йигитлар ишламай қўядигандай, қурилиш битмай қоладигандай... Шу қиз қурилишнинг юраги, қалби.

— Яхши, жуда яхши, — деди Шавкат жилмайиб, — демак, у Сизнинг юрагингизга кирибди. Чизинг... фурсатни қўлдан бой берманг. — Шавкатнинг кўзлари ёниб кетди.

Васила қушдек енгил тортиб, дилидаги бор гапни тўкиб солди.

— Билмадим, нега бундай-а, Шавкат, мен негадир қизни соатлаб кузатгим келади. Унинг ҳар бир ҳаракати, хотиржамлиги, тинч ишлаши менга ёқади. Шу қараб турсам, тураверсам...

Шу пайт эшик очилиб, кутилмаганда Василанинг эри Раҳимжон кириб келди. У буларни кўрди-ю хиёл ранги ўчди, лекин дарров жилмайишга ҳаракат қилди. Бари бир Васила унинг жаҳли чиққанини, бурнининг учи билинар-билинмас титраб кетганини сезди. У аввал эшикка яқинроқ ўлтирган Шавкат билан, кейин Васила билан қўл бериб сўрашди. «Қизиғ-а, беш кундан бери хонада ҳам, ҳовлида ҳам ёлғиз ўзи бўлсаю, бугун озиб-ёзиб суҳбатга чиққанида Раҳимжон худди атай қилгандай келиб қолса... Нима бўпти, — ўйларди Васила, — бирнечидан, биз Шавкат, Раҳимжон учовимиз ҳам курсдошмиз. Доим шунақа баҳслашиб, суҳбатлашиб ўрганиб қолганмиз. Иккинчидан, Раҳимжон менга ишонади... Бўлар-бўлмасга рашк қилавермайди».

— Ҳозиргина шу янги чизаётган нарсам ҳақида маслаҳатлашгани кирувдим, — деди Васила ўзини дадил тутиб. Шавкат ҳамон ўшандай самимий, кўзлари кулиб, унинг гапини тасдиқлади.

— Яхши, яхши! — деди Раҳимжон ҳам ўзини самимий тутишга уриниб. — Бир сиздан хабар олай, деб келувдим. — Кейин у дарров Шавкатга қаради. — Шавкат, ишлар дурустми?

— Ҳа, энди ишлаяпмиз, — деди Шавкат. — Лекин Василахон яхши нарса ўйлаптилар. Тез ишга киришиш керак...

Шундай қилиб, улар уч-тўрт минут суҳбатлашган бўлишди, кейин Раҳимжон:

— Хўп, Василахон, чиқдик бўлмаса, Шавкатга халақит бермайлик, — деди.


Васила Раҳимжон билан ўз хонасида бир соатча гаплашиб ўтирди, унга чизаётган асарини кўрсатди. Улар самимий, тинч гаплашардилару, лекин иккови ҳам ғалати бир кайфиятни бошидан кечираётганликларини англаб турардилар. Бундай кайфият ўткинчи бир ҳолат эканини яхши билишар, шунинг учун иккови ҳам ўзларини хотиржам кўрсатишга ҳаракат қилар эдилар.

Лекин Васила билардики, ахир бир кун уйда гапдан-гап чиқиб айтишиб қолишса, Раҳимжон Шавкатнинг хонасидаги суҳбатни юзига солади ва Васила ҳам албатта ўзини оқлайдиган, ҳақлигини, софлигини ифодалайдиган жавоб топади. Ана ўшандан кейин иккови ҳам бу воқеани унутишга ҳаракат қилишади. Лекин Раҳимжон шуни ҳам яхши биладики, Васила суҳбатсиз яшай олмайди. Юрагида тугён урган фикрлари, ҳаётга муносабати ҳақида Раҳимжон билан қандай суҳбатлашса, баҳслашса, бошқа ўзи билган ва уни тушунган кишилар, барча дўстлари ва яхши одамлар билан ҳам шундай суҳбатлашгиси, уларнинг ҳаёт ишқига тўлиқ кўзларидан эзгулик уқиб олгиси келади. Ҳа, Василанинг юрагини қийнайдиган ва айни пайтда юрагига лаззат бағишлайдиган нарса — шу.

...Василанинг мана эндигина тугалланаётган «Қурилиш майдонида» асари қуёш нурида ялт-ялт ёнар, юрагида яна янги орзулар туғён урар эди.

ҚАДИМГИ НУРОТА ҚЎШИҚЛАРИ

ТУРКУМДАН



Азим СУЮН

ЎРОҚЧИ ВА БЕК

Ўроқчи ўроғини белига қистириб бугдойзорга келди. У бугун жуда шод. Ғаму андуҳлари уйида қолган. Ахир ғалла пишди. Ҳар бир бошоқ тароқшойи ичидаги жувондай кун нурида кўзни олади.

Оҳ-оҳ, тилла бошоқларим,
Офтобим болалари.
Гижинглаган тойчоқларим,
Онамнинг нолалари.
Чайқаласиз — кумуш уммон,
Умидларим ижобат.
Кўкламдаги бир ҳовуч дон —
Хирмонсиз-эй, оқибат.
Кўзларимнинг нури сўнди
Сизларни кута-кута.
Йиғиштириб олгум энди
Тангадай битта-битта.
Оҳ-оҳ, тангрим, бор экансан,
Ҳимматингга минг шукр.
Бизларни ҳам дер экансан,
Даргоҳингда омон юр.
Бемор онам тиловатин
Кўкайингга жойлабсан.
Болаларим шўр қисматин.
Тўқ дон билан сийлабсан.
Раҳмат нури осмонингга
Мўл-мўл сочди ёмғирин.
Қуллуқ, тупроқ — жаҳонингга,
Онадай очди бағрин...
Оҳ-оҳ, тилла бошоқларим,
Оҳ, офтоб болалари.
Гижинглаган тойчоқларим,
Ўроғим ўткир дами...

Ўроқчига ўроқ тортиш — ҳосил йиғиштириш, бу меҳнат эмас, роҳат-фароғат. Айниқса, уйингда қора кўзлар йўлингга жовдираб-жовдираб, термулиб туришса. Айниқса, онанг очликдан бемор ётса...

Кўкда қушлар айланар гир-гир,
Шамол шошиб елмоқда ғир-ғир.
Ғалвир гўдак бўлиб югурар,
Хирмонга дон оқмоқда шир-шир.

Епирай! Бир тўда отлиқ қора қузғундай қир остидан чиқиб келди. Бек-ку бу, йигитлари билан келибди, яхшиликка бўлсин ишқилиб. Капсан олишга келгандир-да...

Ўҳ-ҳў!..
Бундай хирмонни
Отларимиз еёлмас.
Қопларга жойланг донни,
Шоввозларим, қани, бос!

Шўринг қурғур Ўроқчи жон ҳолатда Бек отининг жиловига ёпишди.

Шафқат қилинг, жон Бегим,
Бола-чақам, онам оч.

Оҳ, ҳамма замонларда ҳам Беклар бир хил бўлган экан.

Сомони сенга, ахир,
Қоч, ғов бўлма, йўлдан қоч!
Бу бадбахт итни бойланг!..

Ўроқчи ўқ еган лочиндай фарёд айлаб, ўроғига ёпишди...

Ўроқ!.. Қиличга айлан!..

Ана шундан кейин, денг, Ўроқ Қиличга айланган бир замон келди...

Ўҳ-ҳў, Отам шўрлик, бу қўшиқни Ўроқчи бўлиб бўзлаб айтарди...

«БЎРИ ҚОЧДИ»[1] ЎЙИНИГА ЕЗУВ

Бўри қочди, бўри қочди
Урҳо-ур, урҳо-ур.

Бўрининг қорни очди
Урҳо-ур, урҳо-ур!

Қайга қочиб боради,
Урҳо-ур, урҳо-ур!

Сенинг молинг ёради,
Урҳо-ур, урҳо-ур!

Сенинг молинг нимадир,
Урҳо-ур, урҳо-ур!

Молинг-элинг нимадир,
Урҳо-ур, урҳо-ур!

ЎТМИШ НОЛАСИ

Бузилган элни ботир тузар.
Мақол.

Тупроғимни ёв олган йўқ,
Юртимга қирон солган йўқ.
«Ўзим-ўзим» дейди ўзбек,
Элни бузган худди шу ўқ.
Ўҳ, ботирим қайдасан?

Шафақ бағри алвон-алвон,
Тўралардан ватан вайрон.
Ғажирдай ғажир бир-бирин,
Тумшуғи қон, тирноғи қон,
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Ўзбекнинг ўти бор, дерлар,
Ва лекин «чўп»и бор, дерлар.
Еҳу, бундай эл кўрмадим,
Бир-бирин кавлашиб, ерлар.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Бири чиқса баланд тоққа,
Бири тушар қулатмоққа.
Улимлигин бўзи учун
Ярамас ҳатто арқоққа.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Қуруқ ёғоч ёнишин кўр,
Тараф-тараф ҳамнишин, кўр.
Ўзбек ўзбекнинг ортидан
Биқиб қилич солишин кўр.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Эрлигини унутган эл —
Эрклигини унутган эл.
Евин танглайин кўтариб,
Бирлигини унутган эл.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Тоғларимнинг бўй-басти тик,
Жоналарда ўйнар кийик.
Ҳатто жондор қадрин билар,
Ўзбек қадрин қадди эгик.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Ўзбек, қачон эл бўласан,
Тўлиб-тошган сел бўласан?
Шу кетишда кетсанг агар,
Бир кун қора ер бўласан!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Гап танобини тортайин,
Дардимни кимга айтайин.
Ўз элимни қарғамасдим,
Тузалмаса, ҳей, қайтайин?!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

ЙИГИТ РАҚСИГА ҚЎШИҚ

Тушга кирмас нималар,
Евлар нима демайди.
Биз ўтказган умрлар,
Жўра, қайтиб келмайди.
Ўйна, ҳо, ўйна.

Қайга шошар тентак сой,
Товни кўзга илмайди.
Бу кўркамлик, бу чирой,
Жўра, қайтиб келмайди.
Ўйна, ҳо, ўйна.



Ирғанади ирғайлар,
Томирлар зирқиллайди.
Уқдай учар қирғийлар,
Бу шашт қайтиб келмайди.
Ўйна, ҳо, ўйна.

Тангиларнинг тошини,
Зулфиқорлар тилмайди.
Ғоз тутгил-эй бошингни,
Бошлар қайтиб келмайди.
Ўйна, ҳо, ўйна.

Қизғалдоққа сув юқмас,
Кар қулоққа гап уқмас,
Тирикликнинг қадрини,
Фақат нодонлар билмас!
Ўйна, ҳо, ўйна,
Ўйна, жўражон, ўйна!

Тушга кирмас нималар,
Евлар нима демайди.
Биз ўтказган умрлар,
Жўра, қайтиб келмайди.
Ўйна, ҳо, ўйна!

---

[1] Қарсак остида бир йигит бўри тарзида даврани айланиб —қочиб ўйнайди.

Буюк оила фарзанди

Ульяновлар оиласининг муносиб фарзандларидан бири Александр Ильич эди. Гарчи, у қисқа умр кўрган бўлса-да, ўзининг заковати, чоризм тузумига қарши кўрсатган матонати билан тарихда, революцион ҳаракат тарихида муҳим из қолдирди.

Укаси Владимир Ильич ёшлигида ундан кўп нарсаларни ўрганди. Александр Ульянов меҳнатсеварлиги, ўқишга иштиёқи, фикрларининг теранлиги билан Володяда катта ҳавас уйғотди. Бўлажак буюк революционер Володя Ульянов Карл Маркснинг «Капитал» асарини биринчи бор акаси Александрнинг қўлида кўрганди ва ундан олиб ўқиганди. Оиладаги тарбия тарзи, революцион кайфият, илғор ғоя ва фикрлар кичик Володя Ульяновнинг етук революционер, келажакда Россия пролетариатининг улуғ йўлбошчиси бўлиб етишувида катта роль ўйнади.

Александр Ульянов зеҳнининг ўткирлиги, билимдонлиги, ақлининг зукколиги билан замондошларидан, тенгқурларидан ажралиб турарди. Зарур пайтларда қаттиққўл, сезгир, тўғри сўз ва шу билан бир қаторда меҳрибон ўспирин эди у.

Александр Ульянов ўзига ниҳоятда талабчан эди. Ундаги қатор ажойиб хислатлар укаларига ҳам ўтади. Шунинг учун ҳам Ульяновлар оиласининг барча кичик фарзандлари Александрни севар ва бениҳоя ҳурматлар эдилар. «У ёшлик йиллариданоқ, — деб ёзади синглиси Мария Ильинична ўз хотираларида, — ижтимоий адолатсизликка ва жабр-зулмга нисбатан муросасиз эди».

Александр Ильич Ульянов Симбирск гимназиясида билим олади. Табиий фанлар билан жуда қизиқади. Айниқса, кимё фанига иштиёқи зўр бўлади. Гимназияни олтин медаль билан тамомлаб, Петербург университетига ўқишга киради. Кимё ва зоология фанлари соҳасидаги дастлабки илмий машқлари машҳур кимёгар олимлардан А. М. Бутлеров билан Н. П. Вагнернинг диққатини тортади. Улар Александрни ўз кафедрасида олиб қолмоқчи бўладилар. Унинг зоология бўйича бажарган илмий иши университет олтин медали билан тақдирланади. Умрининг сўнгги ёзида у уйига каникулга келган пайтида ўзининг диссертациясини ёзиш билан шуғулланади, фаннинг чуқур асосларини ўрганиш билан машғул бўлади.

Ана ўша пайтларда Ульяновлар оиласи бошига оғир мусибат тушади. Оила бошлиғи Илья Николаевич 54 ёшида оғир касалликдан вафот этади. Орадан кўп ўтмай, оилада яна бир оғир мусибат юз беради: 1887 йилнинг 1 мартида подшо Александр III га уюштирилган суиқасдда айбланган Александр Ульянов қамоққа олинади. Шу вақтда Петербургда ўқиётган унинг опаси Анна ҳам тез орада ҳибсга олинади. Катта оилани бошқариб турган мўътабар она Мария Александровна хонадон бошига тушган қийинчиликларга мардонавор бардош беради. У Петербургга бориб, Александрни чоризм қўлидан қутқариш йўлларини излайди. Унинг ҳаракатлари зое кетади. Чоризм қўриқчиси Александрни 1887 йили май ойининг бошларида қоронғу тун қаърида Петропавловск қалъасидан Нева дарёси орқали олиб чиқиб кетади. Уни 8 май куни Нева дарёсининг Ладога кўли билан туташган жойида — оролда жойлашган Шлиссельбург қалъасида осиб ўлдиришади. Қалъа кичик Орешек оролида жойлашган қамоқхона бўлиб, атрофи сув билан ўралган. Сувдан қалъага кирилувчи йўллар кўринмасди, маҳбуслар у ерга фақат тунда қайиқда олиб кириларди. Ушбу қалъада чоризмнинг ашаддий душманлари бўлган революционерлар, илғор фикрли кишилар, народниклар ҳибсда сақланарди. Бу қамоқхона кучайтирилган тартибда қўриқланганидан унинг тарихида бирор маҳбуснинг бу ердан қочиб қутулгани маълум эмас. Чоризм қўриқчилари рус маърифатпарвари Н. И. Новиков, декабристлардан М. А. ва Н. А. Бестужевлар, И. И. Пушчин, В. К. Кюхельбекер, народниклардан В. Н. Фигнер, М. Ф. Фроленко, Н. А. Морозов, оташин большевиклардан Г. К. Оржоникидзе, Ф. Н. Петров ва бошқа ажойиб кишиларни революцион фаолиятлари учун турли вақтларда шу қабоҳат жойда азоблаганлар. 1917 йилнинг февралидаги революция пайтида ўша ердаги завод ишчиларининг кучи билан Шлиссельбург қамоқхонасидаги маҳбуслар озод қилинади.

1928 йил август ойидан бошлаб, Шлиссельбург қалъаси музейга айлантирилган.

Биз, бир гуруҳ саёҳатчилар яқинда мазкур музейда ва Александр Ульянов қатл этилган ерда бўлдик. Тегишли тарихий ҳужжатлар билан танишар эканмиз, унинг қўрқмас, оташин революционерлардан бири эканлиги ҳақида тўла тассурот олдик. Александр Ульянов дастлаб революцион фаолиятини, ҳатто оила аъзоларидан ҳам сир тутган. У студентларнинг революцион тўгаракларида фаол қатнашар экан, яширин мажлис, намойиш ва йиғилишларда фаол иштирок этади, даъваткор нутқлар сўзлайди. Айни вақтда Маркс асарларини қунт билан ўқиб ўрганар, ишчи тўгаракларига раҳбарлик қилар эди. Эндигина йигирма бир ёшга кирган Александр судда ўзини қаҳрамонларча тутади.



Александр Ульянов қатл этилган жойга ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси.

Автор фотоси

Буюк рус кимёгар олими, Александрнинг устози Д. И. Менделеев бешафқат чоризм унинг икки машҳур шогирди — А. И. Ульянов билан Кибальчични бевақт ҳалок этганини ачиниб қайд этган эди.

Акасининг қатл этилиши ҳали ўспирин бўлган Владимир Ильични қаттиқ изтиробга солади. А. И. Ульянова-Елизарова ўз хотираларида Александр Ильичнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганини, унинг қони революцион ёнғиннинг нурафшон ёғдуси сифатида Владимир Ильич учун ҳам катта сабоқ бўлганини таъкидлаган.

В. И. Ленин Александр Ильич ва унинг ўртоқларининг курашлари ҳақида гапириб, шундай деб уқтирган эди: «Уларнинг хатолари шунда эдики, улар аслида сира революцион бўлмаган назарияга таяндилар ва ўз ҳаракатларини ривожланаётган капиталистик жамиятдаги синфий кураш билан маҳкам боғлай олмадилар ёки боғлаш қўлларидан келмади».

Лекин Владимир Ильич акаси Александр ва унинг ўртоқларининг фаолияти улардан кейинги революцион ҳаракат учун ўзига хос муҳим босқич бўлганини ҳам уқтирган эди.

Ҳа, Александр Ильич Ульяновлар оиласининг муносиб фарзанди эди, унинг фожиали ўлими бу табаррук оилада революцион фаолиятнинг келгусида алангага айланишига кучли таъсир қилди.

Қудрат АҲМЕРОВ,
химия фанлари доктори, профессор

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

АТЕИСТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбек Совет Энциклопедияси (Қомуси) Бош редакциясида нашрга тайёрланган «Ислом» справочник — маълумотнома китоби фалсафа фанлари доктори М. А. Усмонов таҳрири остида босмадан чиқди. Маълумки, кейинги пайтда меҳнаткашлар оммаси айрим дин пешволари ўз ғаразли мақсадлари йўлида — ўзгалар ҳисобига бойиш, кишиларни дуою «каромат» тузоғига илинтириш учун турли уйдирмаларни ўйлаб топаётганлигини тобора чуқурроқ англаб етмоқда. Ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилган мазкур маълумотнома ўқувчиларнинг атеистик билимларини мустаҳкамлашда жуда қўл келади. У ислом таниқидига бағишланган бўлиб, ҳозирги мафкуравий кураш масалаларини кенг қамраб олган. Китобнинг луғат қисмида исломга оид 400 дан ортиқ терминлар изоҳи берилган. Маълумотномани нашр этишда республикамизда дин тарихи ва илмий атеизм масалалари билан шуғулланувчи олимлар коллективи иштирок этди. Ундаги мақолаларни тайёрлашда Ўзбек Совет Энциклопедиясининг айрим томларидан, шунингдек, «Политиздат» нашриётида нашр этилган «Атеистический словарь» китобидан ҳам фойдаланилган.

М. ЎКТАМОВ



Р. ШОДИЕВ. СУТ СОҒУВЧИЛАР.



О. ТОШМУҲАМЕДОВ. ИЛҒОР БРИГАДА



«Омон ёр» ансамбли раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова «Чавқи» иштирокчиларини даврага чорламоқда.



Ансамбль қатнашчилари алла қўшиқларини севиб куйлайдилар.



Карнай садолари, чилдирма гижбанги...

ИЛҲОМИНГ ЖЎШ УРСИН, ВАТАН



— Ўйнайлик, кулайлик, даврон сурайлик!..



Навбат — полвонга...

«Чавқи», «Омон ёр», «Нозанин» ансамбллари иштирокчилари.





Тулпорини гижинглатиб, қизиқчи келди...

А. Жумаев фотолари

— Яллама, ёрим, ялла, Яллолашайлик...



Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллигига бағишланган II Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали, шунингдек, болалар боғчалари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат коллективларида оммавий-сиёсий иш, бадиий ижод, техника ижодиёти, жисмоний тайёргарлик бўйича комплекс кўриклари қизғин давом этмоқда. Бу тадбирлар замондошларимизни эстетик тарбиялашда, янги истеъдодларни юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.






Кулол Аҳад Музаффаров ўғиллари билан. *(Шаҳрисабз).*



ЧОЛЛАР ГУРУНГИ.


МАНЗАРА.

М. Пенсон фотолари



Р. ЧОРИЕВ. ШАРҚ ҚИЗИ.





ГУЛХАН ГУРУЛЛАЙДИ, «ЧАВҚИ» ҚИЗИЙДИ

Булунғур район марказий маданият уйи Халқ театрининг режиссёри Сувонқул Абдуқодиров кўпдан бери қадимий ўйинларни ўрганиш, кекса отахонлар ҳали ҳам хотирасида сақлаб келаётган халқ қўшиқлари ва лапарларини тўплаб, шу қариялар иштирокида фольклор-этнографик ансамбли тузишни орзу қилиб юрар эди. Бир куни у касалхонада ётган қариндошини кўргани келиб, «Чавқи» ўйини ҳақида бўлаётган суҳбатнинг устидан чиқиб қолди. «Қадимда ота-боболаримизнинг «Чавқи» деган ўйини бўлар эди, — дея ҳикоя қиларди даволанишга келган кекса отахонлардан бири. — Бу ўйинда гулхан ёқилиб, термалар, лапарлар айтилар, рақсга тушилар эди. Ҳозир ҳам шу ўйинни биладиган қариялар қишлоғимизда бор».

Отахон ўзини Абдулла Тошимов деб таништирди. Шунингдек, у «Чавқи» ўйинини биладиган 10—12 кишининг исм-фамилиясини, қаерда туришини ҳам айтиб берди. Кўпчилик: «Фозил Йўлдош ўғлидек ажойиб бахши яшаб ўтган бу элда халқ қўшиқларини ижро этадиган фольклор-этнографик ансамбли албатта ташкил қилиниши керак», деди. Сувонқул қишлоқ қарияларини тўплаб, чавқи ўйинини ижро этиш усулларини ўрганиш, қайта тиклаш устида иш бошлади.

«Чавқи» жуда қадим замонлардан бери яшаб келаётган рақслардан ҳисобланади. У айниқса Булунғур, Оқдарё, Пойариқ, Жомбой ҳамда Бахмал, Ғаллаорол, Зомин районларида яшовчи аҳоли ўртасида кенг тарқалган. «Чавқи» ўйини бошланишидан аввал дарахт кундалари, ғўлалари қалаштириб тахланган ва ёқилган. Катта гулхан атрофида кишилар даврa бўлиб ўтириб, ўз санъатларини намойиш қилганлар. Бу рақс асосан катта тўйларда, маросимларда ўйналган. Баъзан эса бир қишлоқ йигитлари қўшни қишлоқ йигитларини меҳмонга чақириб, гулханлар атрофида беллашиш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб даврага тушганлар. «Чавқи» ўйини аввал кураш билан бошланиб, сўнгра лапарчилар, байтчилар, аскиячилар, қизиқчилар ва ўйинчиларнинг беллашувига айланиб кетган. Ўйин қарсак билан бошқариб борилган. Ўйинлар авжига чиққан пайтда якка қарсак уч қарсакка, уч қарсак эса беш қарсак ва тўққиз қарсак ўйинларига уланиб кетган. Баъзан эркаклар аёл киймини кийиб ҳам рақсга тушганлар. Байтчи ва лапарчилар беллашувда ютиб чиқиш, томошабинлар диққатини ўзларига жалб қилиш учун байтнинг ўйноқи ҳажвий хусусиятларига эга бўлишига эътибор берганлар.

«Чавқи» ўйини 30—40-йилларга келиб кенг ривожланган. Аммо урушдан кейин, то 1955 йилларгача бир оз ўйналгану, ундан кейин бутунлай унутилган. «Чавқи» ўйини машҳур бахши-шоир Фозил Йўлдош ўғлининг асарларида ҳам эслатиб ўтилади:

Достон айтдим машқ учун деб мен ҳам тўйда,
Гулхан ёқиб «Чавқи» бўлган дала жойда.

Сувонқул Абдуқодиров тузган 18 кишидан иборат фольклор-этнографик ансамблининг энг кекса иштирокчиси Ҳасан бобо Қобиловнинг ёши 87 да, энг кичик иштирокчиси эса 17 ёшда. Ансамбль иштирокчиларидан Ҳасан бобо Қобилов, Шариф бобо Мирзаев, Эшонқул бобо Арслонов, Мелибой ака Раҳимов Улуғ Ватан урушининг II ва III группа инвалидларидир. Дамин бобо Тўйлонов, Мамарасул бобо Қулчеров, Қўнғир бобо Нормуродов, Маматқул бобо Абдураҳмонов, Исмат бобо Эрматов, Абдулла Тошимов, Абдулла Соатов, Ўрол Нурбоев меҳнат ветеранларидирлар.

...Машқлар бошланиб кетди. 150 дан ортиқ халқ терма, лапарлари тўпланди. Ансамбль репертуари асосан ана шу термалар, лапар ва қўшиқларга асосланиб тузилган. Улар ҳазил, мутойиба руҳи билан суғорилган бўлиб, турмушда учрайдиган баъзи нуқсонлар танқид остига олинади:

Кади эқдим кўриққа,
Пуштасидан гул чиқди.
Бешикдаги ўғлимга,
Ток очди деб пул чиқди.

Еки:

Юлғичларни бетамиз,
Танқид қилиб ўтамиз.
Пора олиб бой бўлган,
Текинхўрлар бетамиз.

Тасаввур қилинг: эгниларига бир хилда жегда кийиб, дўппилари устидан шойи қийиқчани таранг боғлаб олган нуроний отахонлар саҳнага бир қатор тизилишган. Халқ қўшиқларининг устаси, терма ва лапарлар юрагидан булоқдек қайнаб чиқадиган 81 ёшли Дамин бобо Тўйлонов қўшиқ бошлайди. Унга 84 ёшли Шариф бобо Мирзаев жўр бўлади:

Боғ айлана шафтоли,
Учган кимнинг каптари
Айтсам адо бўлмайди,
Дилгинамнинг дафтари.

Ансамбль репертуаридаги «Майда-майда», «Тараллаҳо», «Айланамиз якдона», «Ўйнанг ёр, ўйнанг», «Гуллола», «Яллама ёрим», «Сенинг қадринг ўтди» каби халқ қўшиқ ва лапарлари, Ҳасан бобо Қобилов ижросидаги дутор куйлари, Қўнғир бобо Нормуродов, Хурсанд Боймонов рақслари, кўп йиллар севимли бахши Фозил Йўлдош ўғли билан биргаликда ишлашган кекса журналист Мелибой Раҳимовнинг анъанавий достонлардан айтган парчалари томошабинларнинг халқ ижодига бўлган муҳаббатини янада оширмоқда. Ансамблнинг колхоз ва совхозларда, район, область маркази ҳамда республика пойтахтидаги чиқишлари зўр олқишга сазовор бўлмоқда.

Ансамблда кекса отахонлар томонидан ижро этилаётган халқ термалари, лапарлари, лирик қўшиқлари, турли ҳажвий руҳдаги чиқишларининг, халқ рақсларининг умри боқий. Чунки унда Суюн Норбеков, Ўрол Норбеков, Эшим Ўсаров, Ўроқбой Ҳатамов, Бахтиёр Норбеков каби истеъдодли отахонларнинг ўзига хос ижро усулларини қунт билан ўрганаётган ёшлар — қадимий анъаналарнинг бугунги давомчилари бор.

Клара МАҲМУДОВА,
Тошкент Маданият
институти ўқитувчиси

Булунғур — Тошкент



«Мусиқасевар» ... сувсарлар

Бристол шаҳридаги бутхоналардан бирида сақланаётган музика асбоби — орган қадимийлиги жиҳатидан инглиз аҳолисининг фахри ҳисобланади. Кўпинча унинг сержило оҳангини эшитиш учун узоқ-яқиндан мусиқасеварлар келиб туришади. Бироқ сўнгги вақтларда мазкур музика асбоби яхши чалинмай қолди, жарангдорлиги бузилди. Уни тузатиш учун уста чақирдилар. Етиб келган уста нуқсон қаерда эканлигини билолмай анча овора бўлди. Ниҳоят, у орган асбобининг остига кириб, «бузилиш» сабабини аниқлади. Маълум бўлишича, сувсарлар оиласи музика асбоби остига уя қуриб олган экан.

ХУДДИ ТОШ АСРИДЕК

Ҳинд олимлари Керала штатининг жанубидаги бориш қийин бўлган тоғ районларидан бирида турмуш тарзи тош асридагидек бўлган қабила борлигини аниқладилар.

Йил бўйи ям-яшил бўлиб турадиган қуюқ ўрмонларда яшаётган бу қабила овқат учун ҳамма вақт турли мевалар, илдиз мевалар, ёввойи ариларнинг асалини топиш имкониятига эга. Тогдаги ғорлар эса улар учун турар-жой ҳисобланади. Кундузлари қабила аъзолари ғорни ташлаб чиқиб кетадилар — тирикчилик ташвиши билан банд бўладилар. Кечалари тунаганларида ғорга кириш жойлари йиртқич ҳайвонлардан муҳофаза мақсадида йўғон шохлар билан беркитилади.

Овчи ҳикояси

Мавлон ИКРОМ

Ўлтинчи куни эрталаб шофер Фуат Ангулов ташвишли хабар топиб келди. Иккита зотдор буғу жуда баланддан жарга қулаб кетибди. Бу хабар режамизни остин-устун қилиб юборди. Қўналғада раис билан яна бир киши қолди. Қолганлар ўша ёққа жўнадик. Дим Димич Фуатдан буғулар қайси жойда қулаганини қайта-қайта сўраб аниқ билгач: «Сизлар сойдан бораверинглар, биз тепани кўриб кейин жарга тушамиз», деди. Мени ўзига шерик қилиб олди.

Борадиган жойимиз унчалик олис эмас экан. Аммо, тоққа кўтарилиш осон бўлмади. Нишаби тик ва баланд эди. Дим Димич бу машъум дарани яхши билар экан. Илгари ҳам бу ердан кўчки билан бирга лось тушиб кетганини айтди. Унда қор қалин бўлган. Лоснинг танасини баҳорда, қорлар эригандан кейин қарға-қузғунлар чўқиб хомталаш қилаётганда топишибди.

Кўксида сарвқад қарағай ва арчалар юксалган тоғнинг жарга қарши томони сайхонликдан иборат эди. У ердаги ўтлар топталиб пайхон қилинганди. Буғу изларининг ҳисобига етиб бўлмасди. Дим Димич сайхонликда анча айланди, нарироққа ҳам борди.

— Кўраяпсанми? — деди у ниҳоят изларга ишора қилиб. —Мана энди воқеа аён бўлди. Одатда, буғулар сентябрь-октябрь ойларида, баъзан эса, августнинг охирларида ўрийди. Ҳозир айни ана шунақа пайт. Буқалари ўкириб-наъра тортиб тоғни бошига кўтаради, бошқа буқаларни курашга чорлайди. Башарти талабгор чиқиб қолса, иккаласи қўчқорчасига жанг қилади. Ернинг чангини осмонга тўзғитиб, гоҳ униси бунисини, гоҳ буниси унисини у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан у ёққа суриб боради... Ким ғолиб чиқса, ўша «ҳарам» хўжайини бўлади. Бу ерда, — давом этди Дим Димич, — кутилмаган ҳодиса юз беради. Иккала зотдор буғунинг қулоч кенглигидаги баҳайбат шохлари олишув пайтида бири-бирига чатишиб қолади. Оқибатда, улар қанча уннаса ҳам ажралишолмайди. Шу алпозда анча туриб, иккови ҳам роса ҳолдан тояди. Қанча вақт туришганини аниқ айтиш мушкул. Чунки, далил-исбот етарли эмас. Сўнгра, ҳов анави, мох босган харсанг орқасидан паналаб келган «ўрмон хўжайини» тўсатдан пайдо бўлади. Изини кўриб келдим, катта айиқ. Қўрқувдан ўтакаси ёрилган буғулар ана бу — кунчиқардаги дарага ўзини уради. Уларнинг изига разм солгин, мана, эркагиникига нисбатан анча бежирим излар. Шохлари айқашиб-чалкашиб қолган бечора буқалар ҳам ана шу тўс-тўполонда даҳшатли қўрқувдан жон беради. Мана, изларнинг чуқурлигига қара. Бу, ҳарҳолда, узоқ туриб қолганликнинг белгиси. Натижада, буқалар бир-бирини судрашиб жарга тушиб кетади. Мана сенга фожианинг сири.

Чиноқ дўстимнинг мулоҳазалари аниқ далилларга асосланган эди. Унинг таъбир ва тавсифига қўшилмай бўлмасди. Мен аста бориб, жар лабидаги оқ қайинни ушлаб, пастга нигоҳ ташладим. Юрагим «шув» этиб орқага тортиб кетди. Жар эмас, жаҳаннам эди.

— Кетдик! — деди Дим Димич. — Бу ёқда бошқа йўл бор, тушишга осонроқ. Келган йўлимиздан атиги ярим чақиримча олисроқ, холос.

— Олислиги майли, тушишга осон бўлса, бас, — дедим. Бундай дейишимнинг сабаби шуки, тоғ йўлининг нишаби қанчалик тик бўлса, тушаётганда тизанинг кўзи шунчалик кўпроқ қақшайди. Кейин эса, сонларинг ярим кун, бир кун мобайнида безиллаб оғрийди.

Дим Димич йўл-йўлакай бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Келган йилим эди. Тонготарда ўрмонга йўл олдим. Ўшанда ҳаво дам ёришиб, дам булутланиб турувди. Мен эса ҳар қоянинг, ҳар гўшанинг ҳусни-жамолига маҳлиё боқиб, бунинг устига, янги куёв болалигим учун бўлса керак, қандайдир ёқимли куйни хиргойи қилиб, ширин хаёллар оғушида ичкарилаб бораверибман. Бир маҳал, эс-ҳушимни йиғиб бундай қарасам, адашиб қолганга ўхшадим. Қанча тоғ, қанча довон ошдим, қанча сой кечдим... Қорин тўқ бўлса, калла яхши ишлайди деганларига амал қилиб, халтадаги хўраклар эвазига тушлик қилиб олдим. Котелокда чой қайнатиб ичдим. Қорин тўйгач, адашганимга ишонч ҳосил қилдим. Енимда на компас, на харита бор эди. Шошилишда уларни рюкзак чўнтагига солиб қўйишни унутибман. У ёққа бордим, бу ёққа келдим. Довдираб қолдим. Қайси тарафга боқма, ўрмонзорлар гўё бир-бирига ўхшарди. Тоғ-тошда изинг ҳам қолмайди. Бамисоли тўрт томонинг қибла. Қаёққа юришни билмай гарангман. Кун пешиндан оғиб борарди. Ўзимни ўзим боқибеғамликда, лакаловликда айблаб қойиндим ҳам. Фронт кўрган, уруш кўрган, овчи одамнинг бундай аҳволга тушиб қолиши, мен сенга айтсам, ҳам ачинарли, ҳам кулгили эди. Бу адашиш бир умрга татийдиган аччиқ сабок бўлди мен учун. Шундан кейин кўзим очилди. Ўшанда итим йўқлигига кўп афсусландим. Агарда итимни бирга олиб чиққанимда эди, мен бундай аҳволга тушмаган бўлардим. У мени келган йўлимизга бошларди. Овчи итларнинг қадри ана шунақа пайтда жуда билинар экан, биродар...

Бир пайт тўсатдан ёмғир томчилай бошлади. Салдан кейин савалай кетди. Аксига бу гал ёмғирпўшлар олмагандик. Қўналғадан чиққанимизда осмон мусаффо эди. Ёмғир ёғади, деб ҳеч ким ўйламаганди ҳам. Улкан арча тагида тўхтадик. Дим Димич тамаки тутатди. Осмоннинг авзойи бад эди. Булутлар тобора қалинлашиб, атрофни қоронғулик босиб келаётгандай туйиларди. Арча шохларидан сирқираб тушаётган ёмғир бизнинг устимизга ҳам томчилай бошлади. Дим Димич ғиқ этмасди. Аммо, унинг чандиқ башараси буришиб баттар хунуклашган эди.



А. Мирзаев чизган расм

— Шалаббо бўладиган кўринамиз, — деди ниҳоят у. — Тур, кетдик! Сойдагилар бизни кутиб туришибди!

Айланма йўллардан пастга тушиб бораётганимизда, Дим Димич бирдан сирғаниб кетиб, чархпалак бўлиб йиқилди. Яхшиямки, олдинда катта харсанг кўндаланг экан, тўсиб қолди.

— Ўзи бир асради!

— Ҳеч еринг лат емадими, бутунмисан?

— Чап оёғим ёмон қайрилиб кетди, бироз оғрияпти.

— Чўлоқ оёғингми?

— Ҳа.

— Нимадан чўлоқ бўлгансан?

— Уйда терисини кўрдинг-ку, ўша айиқдан хотира. Қаттиқ тишлаган, занғар. Қорнига болта солмаганимда, қўйиб юбормасди оёғимни. Кейин ўзимни ҳам ер эди у маҳлуқ.

Харсангнинг пастки томонида ёмғирдан жон сақласа бўладиган бостирманамо шинак бор экан. Энгашиб ўша ерга кирдик. Емғир тинай демасди. Атайлаб ов учун тикдирган енгил пахталигим аллақачон ивиб шалаббо бўлганди. Ечдим-да, сувини сиқиб ташладим. Дим Димич унчалик ивимаганди. У пахталик нимча устидан брезент куртка кийиб олганди. Чиноқ дўстим яна сигарета тутатди.

— Адашиб кўзинг очилди. Хўш, кейин-чи? — мени ҳикоянинг давоми қизиқтирарди.

— Мен сенга айтсам, ўшанда жуда фиғоним ошди. Сочларим типпатик бўлди. Ахир, ўрмонда биринчи марта кезаётган бўлсам ҳам майлийди. Ўрмонда туғилиб, ўрмонда улғайсангу шу аҳволга тушиб қолсанг, алам қиларкан кишига!

Асабим бўшашганини илк марта ўшанда сездим. Фронтда бир неча жойимдан яралар бўлганман. Битта ўқ бошимга теккан. Шуларнинг таъсири бўлса керак. Илгари вазмин йигит эдим. Ҳовурдан тушгач, одатда, одам ҳушёр тортади. Ўйлаб кўрсам, ҳеч қаёқдан ҳеч қанақа нажот йўқ. Осмон ҳам булут эди. Ҳаво очиқ бўлса-ку, йўлимни топиб олардим-а. Хотирага ишониб йўл қидиришдан бошқа илож тополмадим. Ҳар нечук бўлганда ҳам энг аввал кутбларни аниқлаш шарт эди. Манзилга етишнинг ягона чораси эди бу. Шу чоғ тўсатдан кўзим дарахт тагидаги дўнгалакка — чумоли ини-

Давоми 20-бетда

Китобат мусаввири

Тўхтамурод ЗУФАРОВ,
филология фанлари кандидати

САНЪАТ оламида шундай сиймолар бўладики, уларнинг ижоди умумхалқ маданиятининг бир қисмига айланиб кетади. Бундай ҳол, санъаткор ижодининг ғоявий мазмуни халқ маънавий манфаатларига мос тушиб, унинг эстетик эҳтиёжини қондира олган тақдирдагина рўй бериши мумкин.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Искандар Икромов (1904—1972 йиллар) ана шундай бахтга мушарраф бўлган санъаткорлардан биридир. У Тошкент шаҳрида дунёга келди. Расм чизишга эрта ҳавас қўйди. 1922 йилда Туркистон музофот расм мактабига, уни битиргандан кейин эса Ленинград Бадиий академияси қошида ташкил этилган рассомлик санъати техникумининг графика бўлимига ўқишга кирди. 1929 йилда Тошкентга қайтгач, Ўзбекистон нашриётининг бадиий бўлимида мустақил иш бошлаб, 1959 йилга қадар шу бўлимга раҳбарлик қилди. 1959—1965 йилларда эса Ўзбекистон рассомлар союзи правлениесининг раислиги вазифасини адо этди.

Искандар Икромовнинг асарлари кўп маротаба Иттифоқ ва чет эл кўргазмаларида намойиш қилиниб, муваффақият қозонди.

Барҳаёт рассомнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган шахсий архивида илк ишларидан тортиб, умрининг сўнгги йилларида яратган асарларигача жамланган. Мана шу архив материалларига суянган ҳолда унинг олиб борган ижодий изланишларини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр ўттизинчи йилларга тўғри келади. Бу йилларда И. Икромов тасвирий санъатнинг, айниқса, китобат ишининг ўша йилларга хос бўлган умумий йўналишидан бориб, давр руҳини тимсолий тасвирларда ифодалашга ҳаракат қилди. Бу йилларда яратилган аксарият асарларида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва саноатни ривожлантириш сингари долзарб мавзулар ўроқ ва болға, машина қисмлари ва қишлоқ хўжалик асбобларини маълум бир композицияга жойлаштириш орқали ифодалаб берилган. Уларда ҳатто нақшлар ҳам машина қисмлари тасвиридан тузилган бўлиб, ёзувларда текислик ва мутаносибликка риоя қилинмаган. Бу ёш рассомнинг шахсий камчилиги эмас, албатта, балки ўша йилларга хос бўлган услубий йўналишлардан биридир. Лекин, барибир, бундай ишларда ҳам истеъдод белгилари сезилиб туради.

Мусаввирнинг бу йиллардаги ишларида мавжуд яна бир муҳим хусусият шундан иборатки, уларда рус график рассомлари ижодининг таъсири кўриниб туради. Бундай бўлиши табиий эди, чунки Ленинград шаҳри ўша йилларда китобат санъатининг йирик марказларидан бири бўлиб, у ерда турли формалистик оқимларга қарши ўзига хос совет китобат услуби вужудга келмоқда эди. Ёш ўзбек рассомининг устозлари В. С. Сварог ва профессор Н. В. Левитский ўз шогирдларига айни ана шу йўналишда билим берган эдилар. Унинг ишларида ҳам ўша йиллардаги рус китобат санъатида бўлгани каби янги замон руҳини ифодалашга интилиш кучли эди.


Шундай қилиб, Икромовнинг бу даврдаги ижодини рус китобат санъатига суянган ва ундан озиқланган ҳолда олиб борилган ўзига хос ижодий изланишлар даври бўлди, десак хато қилмаймиз.

Искандар Икромов ижодий изланишларининг иккинчи даври бевосита буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи билан боғлиқдир. 1938 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1941 йилда Алишер Навоий туғилган кунга 500 йил тўлиши муносабати билан Юбилей Комитети тузиш ҳақида махсус фармон чиқарди. Юбилей Комитети ташкил этилган кунидан бошлабоқ ўта фаоллик билан иш бошлади ва бир қанча тадбирларни белгилаб чиқиб, зудлик билан амалга оширишга киришди. Ана шундай тадбирлардан бири Алишер Навоий асарларини нашр қилишдан иборат эди. Ўша йилларда И. Икромов Ўзбекистон Давлат нашриётининг бадиий бўлимини бошқарди, айни пайтда ижодий иш билан ҳам шуғулланди ва Алишер Навоийнинг кўп асарларига безаклар чизди. Аммо улуғ шоир асарларини безашга киришган мусаввир олдида бир қатор муаммолар кўндаланг бўлди. Жумладан, Алишер Навоий асарлари бизнинг давримизга қадар асосан қўлёзма китоб ҳолида етиб келган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, қўлёзма китобат санъатининг энг нафис қирралари айни Алишер Навоий асарларини китобат қилиш жараёнида жило топган ва асрлар давомида камолотга эришиб, ўзига хос анъаналарни майдонга келтирган.

Санъатшунос олима Софья Круковскаянинг ёзишича: «Навоий яшаган даврдаги наққошлик санъатини тўғри кўрсатиб бериш учун Искандар Икромов Ўзбекистон ҳукуматининг декрети асосида фундаментал кутубхонага йиғилган шарқ қўлёзмалари билан танишиб чиқди. Искандар Икромов бу қўлёзмалардаги нақшларни ва улардаги безак санъати, уларнинг композицион тузилишини қунт билан ўрганибгина қолмай, балки шу билан бирга бу бой санъат меросидан ўз нақш ишларида кенг фойдаланди ҳам». («Шарқ юлдузи» журнали, 1955 йил, 9-сон). Бундан кўринадики, И. Икромов миллий санъатимизнинг бир вакили сифатида Алишер Навоий ижодиётини ўша қадимий қўлёзма китобат санъати анъанасида талқин қилишни мақсадга мувофиқ кўрди. Зотан, рассомнинг архивидаги қўлёзма китобларнинг нодир муқоваларидан айрим намуналар, кўпдан-кўп нақш ва безаклардан кўчирмалар ҳамда араб алифбосидаги ҳуснихат намуналари шундан далолат беради. Бу ўринда Искандар Икромов учун бениҳоя муҳим бўлган масала Алишер Навоий китобларининг ташқи кўринишини уларнинг ички мазмунига уйғунлаштиришдан иборат эди. Акс ҳолда у китобларга ўзга либос кийдириб қўйиши, уларнинг ғоясидан четга чиқиши мумкин эди. Рассом Алишер Навоий асарлари мазмунида ифода топган давр руҳиятини ҳам эътибордан қочирмаслиги лозим эди. Тасодифий эмаски, қадимий қўлёзма китобларнинг анъанавий безаклари ва муқоваларининг яратилиш жараёнини узоқ вақт ҳар томонлама ўрганиб, тадқиқ қилиши натижасида Искандар Икромов қадимий қўлёзма китобат иши билан ҳозирги матбаа орасидаги айрим ўхшаш жараёнларни аниқлади. Ана шундай жараёнлардан бири муқоваларга «зарб» уриш (тиснение) усули бўлиб, бу усул Искандар Икромовга жуда маъқул тушган эди. Эътиборлиси шундаки, бу усул ҳозирги матбаада ниҳоятда кенг имкониятларга эга. Шунинг учун ҳам моҳир безатувчи рассом ўз ижодида бу усулдан унумли фойдаланди.

Искандар Икромов учун яна маъқул бўлган нарса қўлёзма китобларда қўлланилган нақш ва безаклардир.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, нақшлар одатдаги расм ёки бошқа бирор тасвирий санъат асари сингари алоҳида, мустақил равишда мавжуд бўлмайди, балки бирор предметнинг у ёки бу безагининг асосий элементи сифатида иштирок этади. Бирок, нақшнинг ноёб хусусияти шундаки, у маълум юзани фақат безатибгина қолмайди, балки унга



Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромов.

Тасвирий санъат

Нодир саҳифалар

Алишер НАВОИЙ

* * *

Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонга қаро бало бўлуптур.
Мажмуи давони дард қилди,
Дардингки манга даво бўлуптур.
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки санга фидо бўлуптур.
Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонага ошно бўлуптур.
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлуптур.
Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлуптур.
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

миллий руҳ ҳам бағишлайди. Нақшларнинг бундай хусусияти Искандар Икромов учун кенг ижодий имкониятлар очар эди. Шунинг учун ҳам у ўзбек миллий нақшларини қунт билан ўрганишга киришди. Унинг архивида ўймакорлик, мисгарлик, кулолчилик, зардўзлик, гиламдўзлик, каштачилик, косиблик намуналари нақшларидан зўр ҳавас билан чизиб олинган кўчирмалар бор. Табиийки, бу кўчирмалар унга китобларни безашда ўзига хос бир манба вазифасини бажарган.

Искандар Икромов ижодининг учинчи даври Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларга тўғри келади. Бу даврда Искандар Икромов ижодида мавжуд икки дарё ўзаро қўшилиб, ягона оқим ҳосил қилди. Бу дарёларнинг бири илғор рус тасвирий санъати, шу жумладан, рус китобат ишининг назарий асослари бўлса, иккинчиси, қадимий анъанага эга бўлган ўзбек миллий китобат санъатининг амалий асосларидир. Ана шу асосларни пухта эгаллаган Искандар Икромов асар мазмунидан келиб чиқиб, ҳар бир китоб учун алоҳида безак ижод қилди. Бу ишда у фақат нақшлар мароми ва ҳарфлар миқдоридан ташқари ранглар жилосидан ҳам моҳирлик билан фойдаланар эди. Жумладан, Искандар Икромов 1950 йилда ўзбек демократик адабиёти намояндаларининг асарларидан иборат кичик бир серия устида иш олиб борди. Бу китоблар кичик ҳажмда бўлиб, мазкур шоирларнинг танланган шеърларидан иборат эди. Шунга қарамай, рассом бу ишга катта ҳавас ва зўр ҳафсала билан киришди. Аввало, сериянинг формати аниқланди ва унга мўлжаллаб муқова тайёрланди. Муқовада миллий нақшлар (ислими услуби)га асосий ўрин берилди. Шунингдек, муқовага шоирларнинг мўъжазгина портретлари ҳам ишланди.

Биринчи бўлиб Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат шеърларидан тузилган китоб тайёрланди. Унинг муқовасида оч, тўқ ҳаворанг ҳамда оқ бўёқларнинг қиёсий жилосидан моҳирлик билан фойдаланилди. Натижада классик адабиётимизнинг майин ва ёқимли хусусияти ифода топди. Шундан кейин Муҳаммад Аминхўжа Муқимий шеърлари учун ишланган муқовада эса яшил ранг ҳукмронлик қилди. Искандар Икромов бу рангни бежиз танламади, чунки бу ранг қадимда ғам ва алам тимсоли бўлган. Дарҳақиқат, Муқимий ўз шеърларида ўша даврда яшаган меҳнат аҳлининг ғам-аламларини исёнкорона ифодалаган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шеър ва ашулаларидан ташкил топган китобга ишланган муқовада асосан қизил рангларга катта ўрин берилди. Энди нақш ҳам ўзгаришга учради. Ундаги классик анъанавийлик ўрнини айни шу анъанага суянган новаторлик эгалладн ва ислими услубидаги нақшларга қизил юлдуз ва лира чолғу асбоби ниҳоятда моҳирлик билан сингдириб юборилди. Натижада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърларидаги инқилобий руҳ китоб муқовасидаёқ ўз ифодасини топди. Бундай мутаносибликни майдонга келтириш катта билим ва меҳнатни талаб қилади. Искандар Икромов эса ўз касбининг билимдони эди. Шунинг учун китобнинг муқоваси ҳам, ён қоғози (форзаци) ҳам, бош сарлавҳаси (титули) ҳам унинг эътиборидан четда қолмас эди.

Искандар Икромов ижоди ҳақида сўз кетганда, баъзилар унинг ижодидаги асосий янгилик халқ миллий нақшларини китоб графикаси санъатига олиб кирганлигида, дейишади. Бироқ, нақш, юқорида айтиб ўтганимиздек, қуруқ безак эмас, балки маълум юзада (яъни қоғоз бетида) катта мазмунни, миллий характерни ифодалаш қудратига эга бўлган санъатдир. Шунинг учун ҳам И. Икромов қўллаган нақшин безаклар икки вазифани адо этади. Буларнинг биринчиси — бадиий асарда ифодаланган нафосатнинг тасвирий баёнини беради. В. А. Фаворский китобат санъатининг бу вазифасини, унинг ички вазифаси, деб атайди. Иккинчиси эса китобнинг санъат асари сифатидаги қийматини белгиловчи ташқи вазифасидир. Бироқ, Искандар Икромов графика санъатида қўллаган нақшлар китобни фақат ташқи томонидан безабгина қолмай, уни ўзбек диёри ва унинг анъанавий санъати билан узвий боғлайди. Искандар Икромов санъатининг она замин билан мана шундай алоқадорлиги, боғлиқлиги унинг камолоти ва муваффақиятини таъминлади. Натижада, ўзбек совет китобат санъати республикамиз сарҳадларидан ошиб, Бутуниттифоқ ва халқаро китоб кўргазмаларида фахрли ўринларни эгаллади. 1959 йилда Лейпциг шаҳрида ўтказилган китоб безовчи рассомларнинг халқаро конкурсида Искандар Икромов томонидан безатилган — Алишер Навоийнинг халқлар ўртасида дўстлик ғояларини тараннум этган «Афоризмлар»и кумуш медаль билан тақдирланди.

Шу тариқа Совет Ўзбекистонининг китобат санъати бағрида Искандар Икромовнинг ўзига хос мактаби майдонга келди. Энди кўпчилик рассомлар Искандар Икромов изидан бора бошладилар. Бора-бора бу мактаб намояндалари томонидан яратилган асарлар маданиятимизнинг улкан бир қисмига айланиб кетди.

Аммо сўнгги йилларда Искандар Икромов асос солган китоб графикаси санъати мактаби нима учундир эътибордан четда қолмоқда. Китобат иши билан шуғулланувчи айрим рассомлар бу мактаб анъаналаридан озиқланиб, уни янги поғоналарга кўтариш ўрнига, ғарбга тақлидан маънавий ғариб асарлар яратиш билан банд бўлмоқдаларки, бу ачинарлидир.

1986 йилда республика Киночилар уйида очилган график рассомлар кўргазмасида сўзга чиққан атоқли рассом Чингиз Аҳмаров: «Биз ўзбек совет графика санъатининг асосчиси Искандар Икромов мактабини унутиб қўймоқдамиз. Ваҳолонки, бу мактаб намояндалари яратган асарлар ҳам бадиий ва ҳам ғоявий томондан кучли эди», — деган эди.

Дарҳақиқат, Искандар Икромов умрининг қирқ йилдан ошиқроқ даври китобат ишига бағишланди. Катта ижодий меҳнат билан ўтган бу йиллар мазмуни ажойиб рус график рассоми В. А. Фаворскийнинг ушбу сўзларида ўз ифодасини топгандир: «Китоб фақатгина суврат-лари орқали эмас, балки шрифти, макети, форзаци ва муқоваси орқали ҳам мафкуравий бўлиши лозимдир».

Искандар Икромов умрининг мазмуни худди ана шу вазифани аъло даражада адо этишдан иборат бўлди.

(Охири. Боши 18-бетда).

га тушди. Чумоли ини одатда жануб томонда бўлади! Дилимда чироқ ёнгандай бўлди. Ўша кекса қарағай тагида туриб атрофни узоқ кузатдим. Ўзим келган дарани тусмоллаб аниқладим. Иккиланиб бўлса ҳам ўша томонга юрдим. Нарироқда синган шохнинг иккита айрига қўндирилганини кўрдим. Бу — йўл кўрсатувчи стрелка эди. Йўл-йўлакай бунақа белгилардан кўпини кўрдим, улар мени тўғри қўналғага олиб келди. Мендан олдинги, марҳум тоғбеги қўйган экан бу белгиларни. Ўрмонда туғилиб ўсган бўлсам ҳам, барибир, ёшлигимда тажрибам камлигини кейинроқ англадим. Ҳаёт — ўрганишдан иборат экан. Умр бўйи ўрганиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Энди-ликда, биз қариялар, ҳар қандай ўрмонга бемалол кираверамиз. Лекин, йўлни белгилаб боришни ҳеч қачон унутмаймиз. Бу бизга одат тусига кириб қолган. Йўлда учраган сайхон, жарлик, сой, улкан харсанг, қиятош, шаршара, йиқилган дарахт, айниқса симёғоч ва қувватсим тортмаларини эслаб қолишнинг аҳамияти катта. Улар бирон қишлоқ ёки шаҳарга олиб чиқади. Қуёш билан юлдузларга қараб қутбларни аниқлаш осон, уни биласан. Бундан бошқа белгилар-чи? Башарти, ҳаво булутли бўлса-чи? Арча билан қарағай танасидаги елим жануб томонда кўпроқ бўлади. Харсангни, кекса дарахтларни фақат шимол томондан мох қоплайди. Қушлар ўз инини кўпинча офтоб томонга қуради. Дарахт шохлари шимолга нисбатан жануб томонда сербарроқ. Қишлоқ йўллари кўп ҳолларда шимолдан-жанубга ёки ғарбдан-шарққа ўтган бўлади. Ўрмон меваларининг қуёш нури тушган томондагиси пишган бўлиб, шимол томонидагиси ҳали думбуллигича туради. Нектар олган асалари қишлоққа энг яқин йўл — тўғри йўл билан учади. Дарахтлардаги кертиклар ҳам бекорга эмас. Жуда бўлмаганда сой ёки ариқни ёқалаб бораверишкерак, бирон овул ёки қишлоққа элтади. Булар ҳам, мен сенга айтсам, дўстим, мутлоқ тўғри эмас. Нисбатан тўғри. Шунинг учун уч-тўртта белгига қараб манзилни аниқлаш керак...

Ёмғир андак сепсилиши биланоқ яна йўлга тушдик. Дим Димич анчагина оқсаб борарди. Дарҳақиқат, сойдагилар бизга илҳақ эди. Жар тубидаги каттакон ғор оғзида, гулхан теварагида ҳангома қилиб ўтиришарди. Уларнинг уст-боши қуппа-қуруқ, ўзлари ҳуррам эди. Биз иккаламиз жиққа ҳўл эдик. Чиноқ иккаламиз энгилларимизни ечиб, гулхан тафтида қуритиб кийиб олдик. Менга шундан кейин жон киргандай бўлди.

— Буғулар, қарийб бир сутка айқашиб турган, — деди Митхат, — шохлари қирилиб, сийқаланиб кетган. Сира ҳам бутун жойи қолмабди.

Биз яқин бордик. Буғуларнинг эти моматалоқ бўлиб кетибди, бироз ҳидланибди ҳам. Уларни кўмишдан бошқа чора йўқ эди.

Фуат Ангулов чилтовуқ отиш мақсадида бу ерга келиб, ногаҳон буғулар талофати устидан чиқиб қолган эди.

МЕДИЦИНАМИЗДА ЯНГИЛИК

Қачон, қаерда ва қандай тасодиф юз беришини олдиндан айтиш қийин.

Масалан, газ плитасига сув тўлатиб қўйилган човгум эҳтиётсизлик оқибатида тўкилиб, қайноқ сув сизнинг ёки ёнингизда турган фарзандингизнинг оёғини куйдирди, дейлик. Уни ўз билганингизча «даволаш»га уринасиз: хом картошкани арчасиз-да, уни кулча-кулча қилиб, жароҳат жойига босасиз. Еки гўдакни яшаётган жойингиздаги поликлиникага олиб борасиз. У ерда ҳам ёш беморнинг куйган жойига аллақандай суюқлик суртишади, кейин уни зарарсизлантирилган докада бойлашади.

Хўш, бу ишлар куюкни даволашнинг ихтисослашган шаклими? Йўқ, асло бундай эмас. Гарчи, бола ёки катта ёшдаги кишининг куйиш ҳодисаси кундалик турмушда учраб турадиган ҳолат бўлса-да, республикамизда (на фақат республикамизда) куйган беморларни ихтисослашган тартибда даволайдиган шифохона шу пайтларгача йўқ эди. Очиқ эътироф этадиган бўлсак, бу камчилик медицина хизматининг, ҳатто мамлакат миқёсидаги кемтик томонларидан бири эди.

Мана, яқинда республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Тошкент Давлат медицина институти 2-клиникаси шифокорларининг ҳамкорликдаги ҳаракати билан мазкур клиника қошида Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Куйганларни даволаш республика маркази ташкил этилди.

— Мазкур марказни ташкил этиш осонлик билан бўлмади, — дейди клиника бош врачи, медицина фанлари кандидати Мурод Қодиров. — Бундай шифохона биринчи марта ташкил этилаётгани ва бу соҳада ҳали иш тажрибамиз етарли эмаслиги сабабли аввал бирмунча қийналдик. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги, қолаверса, республика ҳукумати бу хайрли ишни амалга оширишга яқиндан ёрдам бердилар. Дастлаб клиникамиз ҳовлисидаги икки қаватли ғиштин бино сифатли қилиб ремонтдан чиқарилди. Кейин Одесса шаҳрига махсус вакил юбортириб, у ердан иккита янги «АТУ—2», «АТУ—3» аппаратлари олиб келтирилди. Куйганларни даволаш республика маркази юз кишига мўлжалланган бўлиб, кўлами жиҳатидан Иттифоқда иккинчи ўринда, яъни ўз имкониятлари жиҳатидан Украинадаги шундай клиника билан тенгдир.

— Республика марказининг ташкил этилиши билан куйган беморларни ихтисослашган тартибда даволаш имконияти яратилди, — дея суҳбатга қўшилди марказ мудири, доцент Иброҳим Ҳошимов. — Илгари куйганлар ихтисослашмаган шифохоналарда 20—25 кун давомида даволанишган бўлсалар, эндиликда бундай касаллар ихтисослашган мазкур клиникада 8—10 кун ичида шифо топмоқдалар. Янги «АТУ—2», «АТУ — 3» аппаратлари, яъни аэротерапик қурилманинг самараси жуда катта. Масалан, реанимация бўлимимизга ўрнатилган «АТУ—3» аппаратида бир вақтнинг ўзида беш нафар бемор (бешта каравотда) уч кун давомида микробсиз, тозаланган ҳаво билан даволанади. Бунда беморнинг жароҳати қурилмадан юбориладиган ҳаво таъсирида тезроқ қотиб, оғриғи йўқолади. Шундан кейин бемор умумий бўлимга ўтказилади. Баъзи беморларни даволашда инфрақизил изоляторлардан ҳам унумли фойдаланаяпмиз.

Ҳа, куйганларни даволаш республика марказининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида юз нафар бемор шифо топмоқда. Катта ёшдаги беморлар бўлими мудири Обид Муллажонов, реанимация бўлимининг мудири С. М. Хигай сингари шифокорлар, ҳамшира-бека Мавлуда Азимова, Наталья Сайдалиева, Наталья Комарова, Роза Бектурганова сингари эпчил ҳамширалар, Елена Василюк каби хожатбарор хизматчилар беморлар соғлиғи учун чинакам фидойилик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги куйган беморларни даволашни такомиллаштириш мақсадида Куйганларни даволаш республика маркази қошида областлараро амалий ихтисослашиш курсини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Ш. СИДДИҚОВ



Иброҳим Ҳошимов (ўнгдан), ҳамшира Париза Бойжонова ва даволовчи врач Зумрад Зуфарова.

А. Жумаев фотоси

«Гулистон»га жавоб қиладилар

«ҚОВУН МУАММОСИ»

Журналимизнинг 1986 йил 12-сонида мана шу сарлавҳада мақола босилган бўлиб, унда республикамизда қовуннинг халқ селекционерлари етиштирган мазали навларини кўпайтиришга етарли эътибор берилмаётганлиги, шунингдек, уруғчилик-полизчилик хўжаликларида қовуннинг кўплаб миқдордаги хуштаъм мағизи қайта ишланмасдан, чиқитга чиқарилаётганлиги ҳақида гап борган эди.

Республика Давлат агросаноат комитети раисининг муовини ўртоқ С. Хоревнинг имзоси билан олинган расмий жавобда мақолада мазкур масалалар тўғри кўтарилганлиги, айни вақтда қовуннинг яхши навларини кўпайтиришга эътибор бирмунча кучайтирилаётганлиги хабар қилинади. Жумладан, жавоб-хатда яна шундай дейилади: «Одатда қовун вазнининг 75 фоизигача бўлган миқдорини унинг мазали мағизи ташкил этади. Лекин уруғчилик-полизчилик хўжаликларида тегишли технология ва ускуналарнинг йўқлиги оқибатида уруғлик қовун мағизидан фойдаланиш тўлиқ йўлга қўйилмаган. Қовун мағизини консерва саноатига маҳсулот тайёрлаш учун қабул қилиш масаласи ҳам ҳал этилмаган.

1986 йилда Ўзбекистон ССР Давлат агротехника саноати комитетининг буюртмаси билан қовун мағизини қуритишга мосланган тоннель усулида қуритиш қурилмасининг тажриба нусхаси тайёрланди. Бу қурилма шу йил Қашқадарё областидаги «Ширинобод» уруғчилик совхозида монтаж қилиниб, ишга туширилади. Бу, уруғи олинган қовунларнинг мағизидан қовунқоқи тайёрлаш имконини беради».

Дарсликлар такомиллашади

«Гулистон» журналининг ўша сонида «Мукаммал дарсликлар керак» сарлавҳали танқидий материал ҳам босилган эди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг Ўқув-методика кабинети мудири ўртоқ Ш. Шомансуровдан келган жавобда мақолада келтирилган фактлар тўғри топилганлиги, мактаб ислоҳоти талаблари асосида ўзбек адабиёти бўйича такомиллаштирилган программа ишлаб чиқилганлиги, унда мақолада билдирилган истаклар инобатга олинганлиги айтилган.

КАМЧИЛИКЛАР ТУЗАТИЛАДИ

Шу йил январь ойида чоп этилган «Нуқсоннинг катта-кичиги бўлмайди» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан ЎзССР Енгил саноат министри ўринбосари ўртоқ С. Т. Тўхтабоевдан ҳам расмий жавоб хати олдик.

Унда Тошкент Тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида ишни ташкил қилишда йўл қўйилган нуқсонлар тўғри танқид қилинганлиги айтилади. Хатда, шунингдек, мазкур корхонада, жумладан, пардозлаш фабрикасида ишлаб чиқарилаётган газламалар сифатини яхшилаш чоралари, бунинг учун корхонани замонавий тўқув дастгоҳлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатадиган ишчиларнинг малакасини ошириш тадбирлари белгиланганлиги, бўёқларни сифатли сақлаш иши йўлга қўйилганлиги, бу ишларга совуққонлик билан қараган масъул шахсларга нисбатан чора кўрилганлиги айтилган.



Таниқли ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Васильевич КАРПОВ «Саркарда» қиссаси учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

В. В. Карпов Ўзбекистонда вояга етди, қадимги Шайхонтоҳур маҳалласида ўсди. 1939 йилда Тошкентдаги В. И. Ленин номли ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача қатнашди. 134-Вердин ўқчи дивизиясига қарашли пиёда разведкачилар взводининг командири лейтенант В. В. Карпов жуда кўп баҳодирликлари ҳамда 1943 йил 19 августда Смоленск областидаги Духовшина райони яқинида мислсиз жасорат кўрсатгани учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлади.

Владимир Васильевич Карпов КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, СССР Ёзувчилари союзининг биринчи секретаридир. Узоқ вақт «Новий мир» журналига бош муҳаррирлик қилди.

Ижодини шеър ёзишдан бошлаган Владимир Карпов кейинчалик «Разведкачи ҳаётидан 24 соат», «Разведкачилар бор эди...» сингари қисса ва ҳикояларини, шунингдек, «Тириклайин ушлансин!», «Мангу жанг», «Маршаллик нишони» романлари ҳамда қиссаларини ёзди.

Владимир Карпов «Тириклайин ушлансин!» романи учун А. Фадеев номидаги мукофотга сазовор бўлган. Ун йиллик машаққатли тадқиқотлар маҳсули бўлган «Саркарда» қиссаси муаллифга катта шуҳрат келтирди.

«Саркарда» қиссасининг бош қаҳрамони — республикамиз равнақига муносиб ҳисса қўшган, Туркистон ҳарбий округи қўмондони, Тошкентдаги В. И. Ленин номли Умумкўшин командирлари ҳарбий билим юртининг бошлиғи бўлган машҳур саркарда, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали Иван Ефимович Петровдир.

Қуйида шу қиссадан парча ўқийсиз.

САРКАРДА

Владимир КАРПОВ,
СССР Давлат мукофотининг лауреати,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони

... Ҳа, уни яхши билган кишилар орамизда қарийб қолмади. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари авлоди сафлари тобора сийраклашиб бораяпти, начора — табиат қонунини ўзгартириб бўладими?

Шунинг учун ҳам унга атаб китоб ёзишга жазм этдим.

Мен унга ниҳоятда меҳр қўйган эдим. Иван Ефимович кўп йиллар мобайнида олис-олисларда юрган бўлса ҳам, ҳамиша менинг дилимда эди. У ҳам ўз навбатида менга нисбатан ғоят самимий муносабатда бўлди. Табиатан меҳрибон, раҳмдил бўлган саркарда ўрни келганда қаттиққўл, шафқатсиз ҳам эди.

Мен Иван Ефимович Петровни илк бор 1938 йилда учратдим-у бир умрга яхши кўриб қолдим. Офтобда тобланиб қорайган бу одамни мудом белига тўқаси йирик юлдузли командирлар камари боғланган, ўнг елкасига тасма (портупея) осиб, ялтиратиб мойланган этикда кўрардим. Айниқса қаншарига пенсне (кўзойнакнинг бир тури) тақиб юриши мени ажаблантирарди.

Комбриг Петров Тошкентдаги В. И. Ленин номли пиёда аскарлар ҳарбий билим юртининг бошлиғи бўлиб, бу билим маскани Салор сойининг Паркент, ҳозирги унинг номи билан аталадиган Генерал Петров кўчаси бошланадиган жойига яқин собиқ кадетлар корпусининг биносига жойлашган эди. 61-мактаб ҳарбий билим юртига яқин бўлиб, мен ҳам, билим юртида хизмат қиладиган кўпчилик командирларнинг фарзандлари ҳам шу мактабда таълим олардик. Ўша болалар орасида комбригнинг ўғли Юра Петров бор эди. Бир кун Юра мени уйига бошлаб келди-ю, бу ерда мен унинг отаси Иван Ефимович билан онаси Зоя Павловнани кўрдим.

Юра Петровларнинг яккаю ягона ўғиллари эди. У хушчақчақ: барча қувноқ ҳазилмутойибанинг ташаббускори эди. Софдил Юра яхши ўқир, дўстлари билан самимий мулоқотда бўлар эди. Эндиликда орамизда Юра йўқ. Подполковник унвонида у 1948 йилда фожиона ҳалок бўлди.

Йиллар ўтди, қанчадан-қанча тарихий воқеалар содир бўлди. Иван Ефимович Петров армия генерали, машҳур совет саркардаси бўлиб етишди. У фронтларга қўмондонлик қилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, кўплаб юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди. Генерал И. Е. Петров қўшинларимиз тўртта қаҳрамон шаҳарни — Одесса ва Севастополни ҳимоя қилиш, Керчь ва Новороссийскни озод этиш учун олиб борган жанговар ҳаракатларга раҳбарлик қилганлардан бири бўлди.

Иван Ефимович ёдномалар ёзиб улгуролмади. У, узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1958 йилда вафот этди. Умрининг сўнгги йилларида у хотиралар ёзарди, лекин қўлёзмасини топиш менга насиб қилмади. Унинг рафиқаси Зоя Павловна ҳам ҳеч қандай архив қолдирмай оламдан ўтди.

Йиллар ўтмоқда. Иван Ефимовичнинг исми баъзан, у ёки бу тантана муносабати билан совет саркардалари, қўшин бошлиқлари қатори тилга олинаётир. Баъзан эса бундайлар қаторига ҳам қўшилмай қолаяпти. Кейинчалик нима бўлади? Биз-ку, унинг тириклигида билганлар, уни эслаб юрибмиз. Ўрнимизни босадиган авлод уни эслармикин? Энг муҳими қай тарзда эслашаркин?

Бу китоб — Петровнинг таржимаи ҳоли ҳам эмас, менинг ёдномам ҳам эмас, бу китобни ёзишдан мақсад бир умрга менга ибрат бўлган кишининг ҳурматини бажо келтиришдир. Улуғ Ватан урушининг кўплаб босқичларидан Петров билан ёнма-ён ўтиб, мендан Иван Ефимович Петровнинг ҳаётини мушкуллаштирган мураккабликлар, келишмовчиликлар ва аксинча, туҳматлар атрофида юзага келган саволларга ўзи учун, унинг дўстлари учун, эҳтимол, тарих учун ҳам жавоб топиш иштиёқи пайдо бўлди.

Бу китобдан ўрин олган материалларни мен ўн йилдан зиёдроқ вақт ичида тўпладим, Иван Ефимович билан бўлган барча учрашув ва суҳбатларни эслаб кўрдим, унинг исми тилга олинган бир неча ўнлаб китобларни мутолаа қилдим, уруш йиллари у билан сафдош бўлган ҳамда тинчлик даврида бирга хизмат қилган жанговар дўстларини излаб топгач, уларнинг ҳикояларини ёзиб олдим.

Умуман олганда, бу ҳодисалар, ҳужжатлар, шунингдек, шахсий мушоҳада ва таассурот дея аталмиш фактлар термасидир.

Кўз олдингизда кўплаб шонли ишларни амалга оширган, айни пайтда хатоларга ҳам йўл қўйган, олижаноб ва разил инсонларнинг диққат доирасига тушган, тақдир инъом қилган шахсий ғам-ғусса ҳамда ўзи қўлга киритган ғалаба қувончини бошдан кечирган кишининг ҳаёт йўли яққол намоён бўлади. У одамларни ва ҳаётни севарди, ўз навбатида одамлар унга ҳам меҳр қўйган эдилар. Аммо ҳаммамизга ҳам ҳаёт инъом этган муҳаббатдан ташқари уни кўп минглаб солдат ва офицерлар, мамлакатимиздаги барча республикалар, айниқса бугунги кунга қадар ҳам Петров сиймоси афсонага айланган Ўрта Осиё республикалари ўғлонлари сидқидилдан яхши кўришарди...

* * *

Петровни мен 1939 йилдан бошлаб қарийб ҳар куни кўрардим. Чунки аввалига комдив, кейинчалик генераллик унвонлари жорий этилгач, генерал-майор Петров бошлиқ бўлган Тошкентдаги В. И. Ленин номли пиёда қўшинлар ҳарбий билим юртида ўқиганман.

Иван Ефимович болаларга меҳр кўзи билан қарар, мактабимизга эса ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиб турар эди. Биз анча улғайиб, тўққизинчи синфда ўқиб юрган

кезларимиз (мен бокс билан шуғулланар эдим) кунлардан бир куни Иван Ефимович елкамга уриб-уриб қўйди-да:

— Бақувват йигитсан, Володя, — деди. — Яхши командир бўлиб етишишинг мумкин. Бу ҳақда ўйламаган эдингми? Бир ўйлаб кўр-чи.

Ўйлаш ҳам гапми — курсант бўлишни орзу қилардим. Уша пайтларда жуда кўп ёшлар ҳарбий билим юртига ошиқар эдилар, одат эмас — ҳарбий ҳунарларга нисбатан зўр иштиёқ билан интилиш бекиёс жўш урган давр эди. Ўғил болаларнинг орзуси — тўпчи, танкчи, айниқса, учувчи лейтенант бўлиш эди, чунки само лочинлари бугунги космонавтлардай машҳур эдилар.

Ҳарбийлар ўша йилларда катта ҳурмат қозонишган эди. Эҳтимол, ўша таҳликали замонда Ватанни ҳимоя қилишдек оғир вазифа ҳарбий кийимдаги кишилар олдида турганлигини халқ сезгандир.

Уша йиллари бўлиб ўтган ибратли бир воқеа эсга тушди... Трамвайда келардим. Бирданига одамлар киссага тушган йигитчани ушлаб олиб, шовқин-сурон кўтаришди. Қочишнинг сира иложи йўқ, трамвай елиб борарди. Қизишиб кетган одамлар унга мушт кўтаришмоқчи. Йигитча ўғри эмаслиги, англашилмовчилик юз берганини айтиб бақирарди! Лекин унинг ялиниб-ёлворишларига қулоқ тутмай, маҳкам ушлаб, у ёқдан бу ёққа улоқтиришарди. Бирданига «киссавур» мени кўриб қолди-ю:

— Амакижонлар, мана, ҳарбий одамдан сўранг, ҳарбийлар ёлғон гапирмайди! — деди бақирганича.

Ҳаммалари нигоҳларини менга қадаб, нима дейишимни кутдилар. Мен бор-йўғи бир неча ой муқаддам ҳарбий кийим кийган оддий жангчи-курсант эдим. Ҳарбий кийим менинг зиммамга юклаган масъулият ва ҳуқуқни чуқур ҳис этарканман:

— Уни қўйиб юборинглар, — дедим дадиллик билан, — у ўғри эмас. Қаранглар, ўғри шунақа шашқатор ёш тўкадими! Ишонмасанглар чўнтагини тинтиб кўринглар.

Йигитчани қўйиб юборишди. У трамвайдан тушганимиздан кейин талай ергача орқамдан эргашиб келаркан, миннатдорчилик изҳор этиб, янглишмаганлигимни айтди. Ушанда рўй берган воқеага аҳамият бермабман, эндиликда эса ҳарбий кийимдаги кишига нисбатан бўлган иззат-икромнинг улуғворлиги ҳақида ўйлайман. Ўзим ҳам ўша йигитчадан сал каттароқ эдим, холос, аммо одамлар менга қулоқ солишди, ҳеч ким эътироз билдирмади.

Петров 1933 йилнинг январидан 1940 йил июнь ойигача билим юрти бошлиғи бўлди. Уни курсантлар ва командирлар яхши кўришарди. У Ўрта Осиё республикалари халқларига манзур ва машҳур эди. Петровни Туркистоннинг энг олис тоғлари ва даштларидаги қишлоқларда билишарди. Уруш йилларидаёқ у талон-торожлар билан халққа зулм келтирган манфур босмачиларни тугатибгина қолмай, айни замонда уруш туфайли юзага келган вайронагарчиликларга барҳам беришда маҳаллий аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Бу эса узоқ вақтгача ёдда қолади...

* * *

...1945 йилнинг сентябрь ойида армия генерали Петров Туркистон ҳарбий округи қўмондони этиб тайинланди. Иван Ефимович уни ТуркВОга тайинлашганини эшитиб, севинди. Ҳар қалай, бу ерда унинг ёшлиги ўтган, бу ердаги ҳар бир сўқмоқни, кўп кишиларни билар ва ҳурмат қилар эди. Бу ерда ҳамиша унинг онаси, опаси, кўплаб яқин кишилари яшаб туришарди.

Сентябрнинг охирида Петров Тошкентга келди-да, Пушкин кўчасидаги алоҳида уйга кўчиб кирди. Бу уйда анъанага кўра ҳамма қўмондон истиқомат қилган.

Шунда ота-онамникига отпускага келдим. 1945 йилда мен, М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академиянинг тингловчиси, дам олишга келувдим. Петровнинг Тошкентда эканлигидан хабар топгач, уни бориб кўришга қарор қилдим. Уйнинг олдига келдиму, иккиланиб тўхтаб қолдим. Мени қабул қилармикан? Эсида борманми? Уруш тугаганига анча бўлди, у ҳозир армия генерали, округ қўмондони, мен эса атиги капитанман.

Аммо, шундай бўлса-да, уйни қўриқлаётган солдатга яқинлашдим.

— Қўмондон уйдами? — деб сўрадим.

— Шу ерда.

— Ундан собиқ курсанти, капитан Карповни қабул қила оласизми, деб сўраб кўрасанми?

Солдат Олтин Юлдузимга ҳурмат билан қараб қўйди. Юлдуз ҳал қилувчи ишончли далил бўлди шекилли:

— Бу менинг ишим бўлмаса ҳам уриниб кўраман, — деди у. — Узингиз биласиз: постдаман.

Солдат мени деб гап эшитишини истамасдим. Дарҳақиқат, у танбеҳ ейиши мумкин.

— Балки, ўзим кираверсам бўлар? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ, ўртоқ капитан, киритиб юборишга ҳаққим йўқ. Ану, киравериш жажжигина тугмача бор, босиб кўринг-чи.

Эшик олдидаги супачага кўтарилиб, оқ тугмачани босдим. Эшик ортида шарпа эшитилди. Эшикнинг оғир табақаси очилди-ю, рўпарамда оёғида енгил шиппак, калта камзул, шим кийган Иван Ефимовичнинг ўзгинаси пайдо бўлди. Кулимсираб, диққат билан менга тикилаяпти, таниганини хушнудлик билан сезиб турибман! Иван Ефимович эса ҳануз табассум қилганича мендан кўз узолмай қараб турибди. Ниҳоят, бошимдан оёғимгача қараб чиқиб, гапира бошлади:

— Капитан. Қаҳрамон. Кўкси тўла орден. Энг муҳими — тирик! Баракалла! Қани, Володя, бир ўпиб қўяй-чи!

Шу ернинг ўзида, остонадаёқ Иван Ефимович рус халқининг удумига кўра уч карра ўпиб қўйди. Кўзим қирини ташлаб қўриқловчи солдатнинг табассум таъсирида ёйилиб кетаётган юзини кўраман. Иван Ефимович ланг очиқ эшик томон қўл силтаганича:

— Киравер! — дея ичкарига таклиф этди. — Уз вақтида келганингдан ҳам хабаринг йўқ!

Уйга кирамиз. Унда ҳали ҳеч ким яшамаган. Мебель жой-жойига қўйилмаган. Дастадаста қилиб тугилган китоблардаги ип тугунчалари ечилмаган. Яшиклар бурчакда уюлиб ётибди. Столда на дастурхон, на идиштовоқни кўрасиз, торт солинган битта катта қутичадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Иван Ефимович тушунтира бошлади:

— Мен эндигина келдим. Зоя Павловна билан Юра ҳали Москвада, бу ерда ўзим яккаман. Воқеаларнинг тўғри келишини қара-я: бугун менинг туғилган куним, қирқ тўққизини уриб қўйдик! Бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Бир ажиб табиатли инсоннинг ёдига тушиб қолибман, мана шу тортни юборибди. Ширинликни хуш кўрасанми? Ҳозир уни паққос туширамиз. Менда аччиғидан ҳам бор. Туғилган кунимни нишонлаймиз. Уз вақтида кириб келишингни қара-я. Нестеренко!

Қўшни хонадан сержант югуриб чиқди.

— Қани, запасларимизни қара-чи. Шишадагиларнинг газагига нималар бўлса, олиб келиб, столга қўй.

Гўё туш кўраяпман. Иван Ефимович мен билан биргина эски биродари билан эмас, балки ўз тенгқури билан мулоқотда бўлаётгандек сўзлашарди. Мен эса унга биродар ҳам, тенгқур ҳам эмаслигимни билганим учун: «Бундай кунда унга оғирлигим тушмасмикан? Меҳмонлар, қандайдир генераллар келишса керак. Қўмондоннинг туғилган кунини эсдан чиқаришлари мумкин эмасдир», деб ўйлардим.

Бироқ Иван Ефимович хушнуд жилмайиб, дастурхон безаркан:

— Кителингни еч, иссиқ, — деди.

Қўлида шишалар шодаси билан сержант кириб келди.

— Ўртоқ генерал, — деди у, — қай бириси яхшию, қай бири ёмон — фарқига бормаяпман. Шишаларга ёпиштирилган ёзувлар бизнинг тилимизда эмас.

— Майли, бу ёққа қўй. Аниқлаб оламиз!

Стол ёнига ўтирганимиздан сўнг Иван Ефимовични туғилган куни билан табрикладим, унга сиҳат-саломатлик, ишда муваффақиятлар тиладим. Турмуш, тирикчиликка оид гаплардан гапиришиб ўлтирдик...

Иван Ефимович хаёлга чўмди, сўнг гапида давом этди:

—... Бу урушда ҳам мамлакатимизнинг ичкарисигача узоқ бостириб киришга йўл қўймаслик мумкин эди. Польша ва Франция билан бўлган жангларда гитлерчилар яшин тезлигидаги уруш стратегияси, тор участкаларда катта кучларни тўплаш, мудофаа чизиқларини, асосан йўл ёқаларида узоқ-узоқларгача ёриб ўтишни кўрсатишди. Буни барча кўрган ва билади. Армияни худди мана шундай жангларга тайёрлаш, ўша поналарни қирқиб ташлашга ўргатиш керак эди. Фашистларнинг танк ва механизмлаштирилган қисмлари ғизиллаб юрган йўллар оралиғидан чекинмай уларни ён томонидан савалаш, илғор қисмларини орқа томондагилардан узиб ташлаш керак эди. Бизда эса бутун-бутун армиялар орқага тисарилиб, янгидан яхлит фронт ташкил этишга уринарди. Чунки душман тактикасини билишмасди. Аниқроғи, билишарди-ю, лекин ундан фойдалана олмадилар. Командирларимиз ва қўшинларимизни Европадаги жанглар тажрибасига амал қилиб ўқитишимиз керак эди. Ўшанда улар душманнинг олдинга ўтиб кетаётган қисмларини, — қамалда қолиб кетишдан қўрқмай, — бемалол ёнилғидан маҳрум этаверишарди. Унинг ҳужумкорлик руҳи пучга чиқарди! Ундан ташқари, чуқур эшелонлаштирилган мудофаа ташкил этиш, қўшинларни далага олиб чиқиб, ҳандақларга жойлаштириш, инженерлик тўсиқлари барпо этиб, майдонларни миналаштириб ташлаш керак эди. Мана, Курск дўғасида ажойиб чуқур мудофаа ташкил қилинган эди, унга яқинлашган гитлерчиларнинг тиши синди, биз эса уларни роса дўппосладик! Бизнинг Одесса ва Севастополда орттирган тажрибамиз ҳам шуни кўрсатдики, пухта мудофаага қарши гитлерчилар куч жиҳатидан устунликка эга бўлсалар ҳам ҳеч бало қила олмадилар. Ўқдориларимиз бўлганида, уларни таъминлаш йўлга қўйилганида, фашистлар на Севастополни, на Одессани кўра олардилар. Фашистларни Днепрдан ўтказмай қўйсак бўларди. Бу имкониятни қўлдан бой бердик. Урушдаги ғалаба тинчлик даврида тайёрланади. Оқибат-натижада биз зафар қучдик. Бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йилда ҳатто доктринамиздан гумонсираб қолдим! Уни Сталин қандай таърифлагани ёдингдами? Бегона ерларни биз истамаймиз, аммо ўз еримизнинг бир қаричини ҳам ҳеч кимга бермаймиз. Яна — бордию урушишга тўғри келса, бирданига душман территориясида жанг қиламиз, оз қон тўкиб ғалабага эришамиз, бизга душман орқасидаги синфдош биродарларимиз ёрдам беришади. Қирқ биринчи йилдаги чекиниш пайтида буларнинг барчаси амалга ошмагандек туюларди. Бироқ доктриналарнинг тўғрилиги урушнинг бутун жараёни ва пировард натижаси билан синовдан ўтади. Энди шу нуқтаи назардан қарасак, нима бўлди — биз жангларни душман территориясида тугалладик, Европанинг ярмини босиб ўтдик, синфдош биродарларимиз, тараққийпарвар кучлар, фашизмга нафрат билан қараб келган барча кишилар ҳам бизга ёрдам беришди, ўз еримизнинг бир қаричини ҳам душманга бериб қўймадик. Аммо: «бирданига» ва «оз қон тўкиб...»га келганда бу орзулар рўёбга чиқмади — уруш бизнинг территориямизда ҳам узоқ давом этди. Қон кўп тўкилди, қурбонлар кўп бўлди. Бағоят кўп бўлди! Умуман, бу ҳол нечоғли нохуш бўлмасин, бу каби мусибатлар такрорланмаслиги учун ўз хатоларимизни тан олишимиз, улардан те-



ЭЪТИҚОД

гишли хулосалар чиқариб олишимиз керак.

Бугунга қадар уруш сабоқлари хусусида кўп ёзилди, бу сабоқлар академияларда тактика ва оператив санъатни ўрганиш жараёнида муфассал таҳлил этилмоқда. Петров бу ҳақда уруш тугалланганидан кейиноқ биринчилар қатори гапирганлигини ҳисобга олмоқ зарур. Унинг бу фикри ҳаммага ҳам ёқавермасди, чунки 1941 йилдаги муваффақиятсизликларимизга сабаб бўлган иллатлар ва камчиликлар ўша кезлари юксак лавозимларни эгаллаб турган кишиларнинг виждонига боғлиқ эди.

Ўша оқшом биз кўпгина бошқа нарсалар атрофида ҳам гурунглашиб ўтирдик. Соат тўққизларда генерал машина чақиртирди-да, ота-оналаримни зиёрат этгали мен билан жўнади. Отам ва онам билан гаплашиб ўтириб, чой ичди. Шофёрини тортнинг қолган қисмини олиб келиш учун жўнатмоқчи бўлди, лекин онам менинг келишим шарафига шу қадар мўл пиширикдар тайёрлабдики, танҳо ўзи яшаётган Иван Ефимовичга ҳам ҳар хил кулчаю бўғирсоқлардан тугиб берди. Мана шу ерда Иван Ефимовичнинг хотирасига яна бир бор қойил қолдим. Пиширикдар учун онамга ташаккур изҳор этаркан, у дафъатан шундай деди:

— Ғоят меҳрибон аёлсиз, Лидия Логиновна, мана, мен «сўққабош»га пирог инъом этишга ошиқаяпсиз. Биламан, онам гапириб берарди — уруш вақтида кампирни унутмай баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзиб тургансиз. Раҳмат Сизга!

Мана бунақа воқеаларни ҳам билиб, эсида сақлаб юрган экан. Аслида бундай бўлган эди. Жароҳатланганимдан сўнг ўн кунлик қисқа муддатли отпускага келдим-да, Иван Ефимовичнинг онасини бориб кўрдим. У ҳарбий билим юрти майдонидаги кичкина айвончали озода ва ёруғ хонада истиқомат қиларди. Ундан ҳол-аҳвол суриштирган эдик, Евдокия Онуфриевна:

— Ҳаммаси яхши, ўғлим, — деди. — Курсантлар ошхонасидан тушликлар бериб туришибди. — Сўнгра, пича сукут сақлаб олгач, ҳикоясини давом эттирди: — Қариб қолдим. Жангчилар овқати менга дағаллик қилаяпти. Бўтқа егим келади-ю, нимадан ҳам пишираман.

Уйга қайтгач, бу гапларни онамга айтдим. Қаҳатчилик дамлари эмасми, ҳамма ҳам овқатни карточка билан олишарди. Онам қаердандир иккита оппоқ халтача олиб келди. Бу «тишининг кавагида» илик узилди кунларига асраб юрган гуруч билан буғдой ёрмаси экан. Тахминан бир килоча гуруч, яна шунча ёрмани тугиб бериб:

— Евдокия Онуфриевнага обориб бер, — деди онам, — иложи бўлиб қолса, яна берарман.

Иван Ефимович мана шу воқеани билиб, эсда тутиб юрган экан. Унинг онаси айтган яна бир жумла, аниқроғи жумла эмас, кампирнинг эзгу орзусини эслаяпман. Уни бу муштипар она бошқаларга ҳам айтарди:

— Мен урушнинг адоғигача ўлмайман. Ғалабани кутаман. Албатта, Ванянинг дийдорини кўрамиз. Ундан кейин йўлга отланаверсам ҳам бўлади. Ваня мени духовой оркестр билан дафн этишини жуда-жуда истардим. Жаноза ҳам ўқишса. Ахир, мен диндорман-ку.

Унинг орзулари рўёбга чиқди. Евдокия Онуфриевнани оркестр билан қабристонга олиб бориб дафн этдилар. Кўп гулчамбарлар қўйилди. Иван Ефимович онасининг тобути кетидан бутун шаҳар бўйлаб пиёда борди. Тошкентдаги қабристонда ёнма-ён иккита қабр турибди, бирида Петровнинг онаси, унинг ёнида ўғли Юра мангу ухлаб ётишибди. Юра 1948 йили Ашхободда — зилзила пайтида эмас, у ерга ёрдамга келган офицер сифатида фожиона ҳалок бўлди. Бу ҳақда ўша йиллар воқеаларига етганимда батафсил ҳикоя қилиб бераман.

Ҳамид Тожибоев таржимаси

— Сиз қандай кишини бахтли деб ҳисоблайсиз?

— Ўз истеъдодига яраша касб танлаган кишини.

— Сизнинг эътиқодингиз?

— Мактаб, болалар...

Назирахон Олимова касбига ихлос қўйган ўқитувчилардан. У ҳар бир дарсда қандайдир янгилик топишга, дарсдан-дарсга малакасини ошириб боришга интилади. Ҳамиша изланувчан, касбига сидқидилдан меҳр қўйган бу тиниб-тинчимас муаллима билан биз ўтган йили ёзда Қўқон шаҳар ўқитувчилари кенгашида танишган эдик.

Мана, йигирма беш йилдирки, Назирахон шаҳардаги 13-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келади. Шу давр мобайнида у малакали ўқитувчилардан Ф. Шоҳимардонова, Қ. Охунова, Р. Саидова, Э. Алиеванинг дарсларига кириб, педагоглик маҳоратларини ўрганди. Тил ва адабиёт ўқитувчилари секциясининг раҳбари сифатида у илғор тажрибаларни ҳамкасблари орасида оммалаштиришга, ҳар бир машғулот жараёнида техника воситалари — кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. У мактаб жамоат ишларида фаол қатнашади.

Назирахон Олимова республика VIII «Педагогик ўқишлар»да «Адабиёт дарсларида ўқувчиларга атеистик тарбия бериш» мавзуидаги маърузаси билан қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, IX «Педагогик ўқишлар»да «Она тили дарсларида касбга муҳаббат туйғуларини сингдириш тажрибасидан» мавзуидаги доклади билан иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Бундай методик тадбирларда қатнашиш, жамоатчиликнинг эътиборини қозониш педагог учун катта синов эканлигини у яхши билади. Билгани учун ҳам тиним билмай изланади.

Чунончи, Назирахон Фарғона область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг фаол методист-лекторларидан бири сифатида ҳам она тили ва адабиёт фани бўйича малакасини оширишга келаётган ўқитувчилар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашади.

...Синфда ҳамма болалар адабиётни севади. Дарсда ҳам, синфдан ташқари тўгарак машғулотларида ҳам, тарбиявий соатлар ва адабий кечаларда ҳам шеър ўқилади, қикматлар, эртаклар тингланади.

Мана, VI«Б» синфида адабиёт дарси ўтилаяпти. 31 нафар ўқувчи — ўттиз бир олам...

— Ўтган куни топширилган шеърни ёддан ким айтиб беради? — болаларга юзланади муаллима. — Нигора айтмоқчимисан? Марҳамат...

...— Айтинг-чи, болалар, Нигора шеърни қандай ўқиди? — ўқитувчи яна синфга савол билан мурожаат қилади.

Кимдир шеърни тез ўқиганлигини, паузаларда тўхталмаганлигини, бошқа бир ўқувчи эса охирги мисраларни баланд овоз билан ўқиш кераклигини айтди.

Болалар шеърнинг ҳар бир бандини таъсирли қилиб ўқиш билан бирга уларга сарлавҳалар ҳам ўйлаб топишди.

— Азиз ўлка.

— Яхши, яна.

— Эл севган диёр.

— Бахт қўйнида.

— Шеърда ажойиб мисралар бор, эътибор беринг-а! Халқларимиз қудратини оширган куч нима?

— Дўстлик, — дейишди болалар бараварига.

— Дўстлик. Ҳа, қудратимиз дўстликда! Шоир бу ҳақда нима дейди?..

Дарс борарди. Болаларнинг бараварига айтган ҳар бир гапини илғаб олишга интилаётган ўқитувчи бизга шу дамда саҳнани бошқараётган дирижёрни эслатарди. У болалар жавобини эшитаркан, мулоқот суръатини гоҳ кучайтирар, гоҳ мурғак фикрларнинг эркин туғилиши учун имкон берар эди.

Саволлар ҳам худди ўз-ўзидан оқиб келар, жавоблар ҳам болалар қалбида ҳеч бир тўхталмай табиий туғилаётгандай эди.

Доскага гўзал табиат манзараси аксини топган расм илинди.

— Бизнинг уйимизда ҳам шундай расм бор, — дейди болаларнинг бири ёнидаги ўртоғига эшиттириб.

— Болалар, бу санъат асарини таниқли совет рассоми Урол Тансиқбоев яратган, — ўқувчилар диққатини жалб этади муаллима. — Биз ҳали у кишининг бошқа расмларини ҳам кўрамиз. Айтинг-чи, сиз ўз ўлкангизнинг табиатини қандай чизган бўлардингиз?

Республикамиз манзарасини болалардан бири бепоён пахта далалари сифатида тасаввур этди. Иккинчиси мевалари ғарқ пишган боғ ва уни парвариш этувчи бобоси ҳақида ҳикоя қилди. Бошқаларнинг кўз ўнгида азим тоғлар, лолалар тўшалган ям-яшил қирлар намоён бўлди. Бу нима? Ижод дарсими? Табиатшунсликми ёки бўлмаса эстетик машғулотми? Бир соатлик бу дарс ўзида қанчалар мазмун ва таассуротларни, муҳаббат ва эҳтиромларни, ҳаяжон ва самимиятни сиғдирологанига, қўйингки, ўқитувчининг маҳоратига таҳсин ўқидик. Ўша заҳоти доҳий В. И. Ленининг. «Юқори савияда ўтказилган бир соатлик дарс йирик бир асарга тенгдир», деган буюк ҳикмати хаёлимиздан кечди. Ҳа, ўқитувчи болаларнинг мурғак қалбини Ватанга, унинг гўзал табиатига муҳаббат риштаси билан боғлади.

Жонкуяр муаллима Назирахон Олимованинг кўксини бугун «Ҳурмат белгиси» ордени, «Ўзбекистон ССР маориф аълочиси» нишони безаб турган экан, бу унинг ўз бурчини садоқат билан оқлаётганининг рамзидир.

Раҳим АШУРОВ,
Рустам МУИДИНОВ,
Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг доцентлари

МЕҲНАТКАШ ХАЛҚ — ҚАҲРАМОНИМИЗ

Маълумки, кўп миллатли совет адабиётини халқчилликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқчиллик бу адабиётнинг туб моҳияти, таянч нуқтаси, пировард мақсади...

Ҳўш, ҳозирги ёшлар насрида халқчилликнинг бадиий талқини қандай? Бу хусусда ўйлар экамиз, аввало уч нафар ёш ижодкор — Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст ва Ғаффор Ҳотамов — номини тилга олиш керак бўлади. Чунки, назаримизда, айни шу уч ёш ижодкор қаламига мансуб асарларда халқчиллик бошқа тенгдошларига нисбатан ёрқинроқ кўринмоқда.

Тоғай Муроднинг ҳозирга қадар яратилган учала қиссаси («Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар»)да етакчи хусусият — ўзбек халқ оғзаки ижодига хос бадиий тасвир ва ифода воситаларидан унумли фойдаланиш эканлиги адабий жамоатчилик томонидан таъкидланди. Қиссанависнинг халқ оғзаки ижодига хос бадиий унсурларни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланган миллий психологияси, урф-одатлари, турмуш тарзини яхши билиши ва ҳаққоний ёрита олиш маҳорати кўрсатиб берилди. Бу ўринда ҳар учала қиссадаги етакчи қаҳрамонларнинг касб-корига эътибор беринг: полвон, чавандоз, қоровул — оддий меҳнат кишилари, кўҳна Сурхон воҳасида яшовчи қарийб саводсиз, аммо руҳан бой одамлар. Улар кураш, кўпкари, она-табиатга қўриқчиликдек халқимизнинг асрий аъмолларини қонига сингдирганлар, ўз ҳаётларини бу муқаддас анъаналарсиз тасаввур этолмайдилар. Бугина эмас. Полвон имону виждонни курашнинг энг бирламчи шарти деб билади. Зиёдулла чавандоз орият, самимият, ҳалолликни нафақат кўпкарининг, умуман, инсоний тирикликнинг энг муҳим мезони санайди, шу беқиёс руҳий қувватларни қарор топтириш йўлида жонини тикиб яшайди. Қоплон учун ойдин туйғулар, поклик-ҳалолликсиз муҳаббат, муҳаббатсиз ҳаёт йўқ. Поклик-ҳалоллик, муҳаббат, садоқат, саховат, самимият, олижаноблик... — булар Қоплон назарида ниҳояти интим ҳиссиётлар, яъни, жинсий муҳаббат теварагидаги шахсий кечинмалар эмас, ижтимоий туйғудир. Фарзанд — бу туйғунинг ифодаланиш, реаллашиш шаклларидан биригина, холос. Бу одам ўзини меҳнаткаш халқнинг узвий бир қисми, жони жонига туташ жигарбанди сифатида ҳис қилади. Инсоний муносабатларнинг ҳар қандай шаклидаги нопоклик, хиёнат, тубанлик, риё билан муросаи мадора қилолмайди. Гарчи «туркингни кўришдан ҳазар қиламан», «сен ифлос билан гаплашгандан хап турганим маъқул» қабилидаги болаларча содда, маъсумона қарашлар, бир қадар одамовилик, хонанишинлик каби эскича ақидалар орқали бўлсада, уларга қарши туради, ҳеч бўлмаганда, ўзининг соғлом руҳини ёмонлардан иҳоталаб яшайди... Хуллас, Тоғай Мурод қиссаларида халқчиллик тил ва тасвирнинг бағоят халқчил оҳанги билан бир қаторда бош қаҳрамонларнинг касб-корлари, яшаш ва фикрлаш тарзида ўз ифодасини топади.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг Галатепа туркумида яратилган образлар галереяси, чунончи, «Дашту далаларда» ҳикоясида Полвон, «Бир тойчоқнинг хуни»да Ғуччи чол, «Чоллардан бири»да Мустафо, «Истеъфо»да Қулмуҳаммад, «Галатепага қайтиш»да Маҳанбой, Мурод амаки, Анзират кампир, Наим амаки, «Совчилик ҳангомаси»да Ибодулла Махсум ва Зубайда каби талайгина қаҳрамонлар ҳам, худди Тоғай Мурод қиссаларининг бош қаҳрамонларига ўхшаб, оддий халқ вакилларидир. Тўғри, бу қаҳрамонларнинг касб-кори, фикрлаш тарзи ҳамиша ҳам китобхонга аён сезилиб турмайди. Аммо уларнинг яшаш тарзи бамисоли тасвирий санъат асаридагидек, рангин бўёқларда аниқ, жонли чизилади. Бошқача айтганда, бу қаҳрамонлар ўзбек халқининг миллий психологиясини, халқчил руҳий оламларини асосан хатти-ҳаракатлар, суҳбат-гурунгларнинг тиниқ тасвири орқали воқе қиладилар.

Мисол учун «Совчилик ҳангомаси»ни олайлик. Назаримизда, Мурод Муҳаммад Дўст ижодидаги энг тугал, композицион яхлит, маромига етган бу асар — ўзига хос этнографик этюдда асосан уч одам: Ибодулла махсум, Зубайда ва қўшни Чўнқаймиш қишлоғидан Галатепага «қулчилик»ка келган Ҳожиқул ўртасидаги нозик инсоний муносабатлар маҳорат билан тасвирланади. Асарнинг дастлабки жумлаларидан — Ибодулла махсумнинг Райим оқсоқол олдида «бир муддат тайсаллаб туриши»дан тортиб то сўнгги жумла — Ҳожиқулнинг «ночор илжайиши, от жиловини чўчиб-авайлаб бўшатиши»гача қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, гап-сўзи шу қадар ҳаққоний, ҳаётий, халқчилки, кўз олдингизда ўзингиз яхши танийдиган ҳамқишлоқларингиз тургандек бўлади. Бу хатти-ҳаракат, бу гап-сўзлар ғоят ўзбекона эканлигига имон келтирасиз. Мана, Ибодулла махсум билан бева аёл — Зубайданинг дастлабки суҳбатига диққат қилинг:

«— Келинг, Махсум бува,— деди у **қимтиниб**, меҳмонларни қарши оларкан. **Ибодулла махсумнинг ҳамроҳига қарамади ҳам.**

— Келдик, Зубайда, — деди Ибодулла махсум. — Уғлингга айт, супага палос тўшасин.

— Жойимиз тахт, Махсум бува, — деди аёл. — Холам тузукми? Маҳфират қизингиз, келинларингиз?..

— Тузук, ҳаммаси тузук. Тўнғич келин кеча **қўзилабди.** Мен гузарда эдим, Ғуччи акамнинг невараси шу гапни топиб келди.

— Бахайр, бахайр, — деди Зубайда. — Умри билан берган бўлсин. Уғил **топдими,** ишқилиб?

— Йўқ, — деди Ибодулла махсум. — Қиз. Асли Карим туякашнинг насли-да, Зубайда, моянинг гўштини кўп еган, **узунасига** қиз туғади».

Мазкур кўчирмадаги айниқса таъкидлаб кўрсатилган сўз ва ибораларга диққат қилинг: «қимтиниб», «Ибодулла махсумнинг ҳамроҳига қарамади ҳам» — булар, бизнингча, қишлоқи бева аёлни ёркин характерловчи сўзлар; Зубайданинг Ибодулла махсум олдида «қимтиниб» туриши ҳам, «ҳамроҳига қарамаслиги ҳам» ғоят табиий, ҳаққоний, мағзи тўқ, сермаъно ҳолатлардир. Айтайлик, «ўғил туғдими» ё «ўғил кўрдими»га нисбатан айнан «ўғил топдими?» — энг силлиқ, халқчил, қаҳрамон характерига мос вариантдир. Шунингдек, Ибодулла махсум тилидан айтилган «қўзилабди», «узунасига» сўзлари ҳам жуда ўрнида қўлланган — қишлоқлик оддий, самимий, андак ҳазилкашроқ қария қўллайдиган сўзлар... Келтирилган парчадан салгина олдинда «гўнг кураётган аёл» — Зубайданинг «қаддини ростлаши, чап қўлини соябон қилиб дарвоза тарафга қараши», «серрайиб қолиши», «замбилғалтакка юкланган гўнгни қайта ерга ағдариши, сўнг қилган ишига ақли етиб, баттар қизариши» — булар қаҳрамоннинг ким, қандай одамлигини яққол кўрсатиб турувчи топилдиқ деталлардир.

Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, «Совчилик ҳангомаси» асосида ишланган бадиий телефильмда муаллиф, афтидан, тасвирдаги юмористик оҳангни кучайтираман деб, асардаги етакчи фазилат — халқчилликни бир қадар бой бериб қўйган.

Сюжети кўп тармоқли, балки шу боисдандир, кўнгилдагидек композицион яхлитлик касб этмай қолган «Галатепага қайтиш» қиссасида шундай саҳифалар борки, уларни ҳаяжонсиз ўқиш мушкул. Шахсан бизда кучли таассурот қолдирган боб «Хотирот» деб номланган. Унда бош қаҳрамон Тошпўлат Ғайбаровнинг болалик хотиралари, айниқса, битта хотираси, айтиш керакки, моҳирона бадиий тадқиқ этилган. Тасаввур қилинг: «она, бола, унинг кичкина, ҳали кўкракдан айрилмаган гўдак укаси — уч киши бўлиб отани кўргани боришади. Гўдак шаҳардаги меҳмонхонада қимматбаҳо курсини булғаб қўяди. Онага роса бақиришади. «Йиғладим, болам,— деб эслайди у кейинчалик,— сенларнинг ҳам эрларингни турмага тиқсин, сенлар ҳам мендай бўлинглар, агар куним қаро бўлмаса, бу ер юткур шаҳрингни бошимга урармидим, ўзим истаб келмадим, тақдирнинг измида келдим, илоё мени қаргаган тилларинг узилсин!..»

Она ўзи ҳам қарғаганини сезмаган, йиғлай-йиғлай бошидаги шол рўмолини ечиб, бола булғаб қўйган курсини артган, баттар йиғлаган...»

Ғоят аччиқ, таъсирли, ибратли хотира!

Сезилиб турибдики, ҳозирги ёшлар насрида халқ оғзаки ижодидан унумли озиқланиш, халқимизнинг миллий удумлари, турмуш тарзи, руҳиятини ҳаққоний акс эттириш билан бир қаторда рамзий-мажозий деталлардан актив фойдаланишга ҳам рағбат сезилмоқда. Бу жиҳатдан айниқса Ғаффор Ҳотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой» қиссаси ва «Нурмурод жўжа» ҳикояси характерлидир.

Маълумки, реалистик санъат асари, жумладан, бадиий наср-

Ҳақиқат халқнинг ишларида ва жамият тараққиётининг зиддиятларида, қаҳрамонлик ва оддий меҳнат кунларида, ғалабаларда ва муваффақиятсизликларда, яъни ҳаётнинг ўзида, унинг кўп қирралигида драматизми ва улуғворлигида намоён бўлади. Ғоявий, бадиий, халқчил адабиётгина ҳалол, матонатли, ўз зиммасига давр юкини олишга қодир бўлган кишиларни тарбиялайди.

(«КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий доклади»дан)

нинг пировард мақсади, ҳар бир ижодкор интилувчи энг олий юксаклик — халқнинг типик образини, халқ тимсоли дейишга арзигулик қаҳрамонни яратиш ҳисобланади. «Алпомиш» қаҳрамонлик эпосидаги Ҳакимбек билан Барчиной, Алишер Навоийнинг Фарҳоди билан Ширини, Ҳамзанинг Ғафури билан Жамиласи, Ойбекнинг Йўлчи ва Гулнори аввало меҳнаткаш халқнинг типик вакили, халқ қаҳрамони, халқ тимсоли сифатида қалбимизга ардоқлидир.

Ҳозирги ёш носирларимиз ижодида илк бор Ғаффор Ҳотамовнинг юқорида номлари тилга олинган асарларида мана шундай образ яратишга интилиш сезилади.

«Қудуқ тепасидаги ой» қиссасининг бош қаҳрамонлари Ҳакимбек ва Ойбарчин деб номланиши ҳам, назаримизда, бежиз эмас. Мажозий маъно асарнинг номланишидаёқ аён сезилади: «Қудуқ тепасидаги ой». Қудуқда — Зобитовнинг (эътибор беринг: Зобитовнинг!) қутқусига учиб, ўзи истамаган ҳолда нопоклик, текинхўрлик, макр чоҳига тушиб қолган, «ҳаром пул қутуртирган» Ҳакимбек. Тепада — у севган, шаънига боғ-бўстон бунёд этиб, ҳайкал тиклашни орзу қилган маъшуқаси — Ойбарчин. Муаллиф бу рамзий маънога асарда етарли, ишонарли ҳаётий асосларни ҳам яратган. Чунончи, Ҳакимбек кичкиналигида Зобитов тўй қилган. Ўшанда болакай Зобитовнинг устига похол ташлаб қўйилган қудуғига бехос йиқилиб тушган. Қудуқ тубидаги зимистонда турган болакайга куппа-кундузи ой кўринган! Бу ерда айниқса Зобитовнинг «тўйи», қудуқ устига «похол ташланиши» каби рамзий деталларга диққат қилинг. Дарҳақиқат, кимга — тўй, кимга — аза! Одатда Зобитов сингари ҳаромхўрлар ўз қудуқларининг устини шунақанги шиббалаб, ишонувчан одамлар олдига «похол ташлаб» қўядиларки, унга болаликда Муқбил тошотарлик қилиб, ўсмирлигида бўстон-гулистонлар бунёд этиш орзусида ёниб, балоғатга етгач, Ҳакимшер атаниб юрган бош қаҳрамондек халқимизнинг кироён фарзандлари ҳам қулаб тушганларини, минг афсуски, кечикиб англайдилар. Қудуққа тушган одам учун эса, «осмон — йироқ, ер — қаттиқ». Энг эзгу орзулар ҳам осмондаги ойдек совуқ, бегона... Бугунги кунда кўпчиликка аёнки, агар ҳушёрлик қўлдан бой берилса, нафақат Ҳакимбекдек потенциал алпомишлар, ҳатто бутун бошли халқни ҳам ўз комига тортиб кетгулик сиёқи бор бу юҳо қудуқнинг!..

Ҳакимбекнинг касб-кори — кассирлигида ҳам, Зобитов у орқали бериб юборган Салом Ҳаққулнинг кесилган тилида ҳам муаллифнинг китобхонга айтмоқчи бўлган муайян фикри, рамзий маъно, имо-ишора мавжуд. Бундай маъно Зобитов ва Ҳакимбек ўртасидаги муносабатларнинг бадиий талқинида айниқса салмоқли.

Маълумки, одатда зобитовлар ҳалол-пок, олижаноб, содда, танти ҳакимбекларни ўз ҳамтовоқларига айлантиришда ғоят устаси фаранг бўлишади. Улар ҳам туллакларча ҳомийликдан, ҳам зобитларча таҳдиддан, ҳам ўз назарларида энг қудратли восита бўлмиш пулдан — аслида меҳнаткаш халқнинг пешона тери билан бунёд этилган мулкнинг қоғоздаги ифодасидан — моҳирона фойдаланадилар. Энг даҳшатлиси — оддий халқ вакилларининг ожиз томони — «Ахиллес товони»ни чуқур ўрганиб-билиб, айни шу ерга ниш уриш, ҳеч бўлмаганда «тилини қисиқ қилиб қўйиш» пайида бўладилар. Бу йўлда ҳамиша «сопини ўзидан чиқарадилар»: халқдан талон-торож этилган мулкнинг бир учини халқнинг асл фарзандлари бўлмиш ҳакимбекларга ушлатиб қўядилар. Уларнинг бутун зобитлиги — маккорлиги, устаси фаранглиги мана шунда! Не бахтки, КПСС XXVII съезди белгилаб берган бугунги инқилобий қайта қуриш, янгиланиш, покланиш жараёни бундай устаси фарангларнинг асл башараларини рўй-рост очиб ташлади.

Ғаффор Ҳотамов «Нурмурод жўжа» ҳикоясида тарихга — инқилобий ўтмишга мурожаат қилади. Ҳикоя қаҳрамони Нурмурод ҳам Ҳакимбекка ўхшаб эзгу ниятли, олижаноб, танти, орзуларга бой одам. Айни пайтда, Ҳакимбекка ўхшаб қудуқда эмас, аросатда — ора йўлда қолган одам: бир томондан — ўз севгилиси, унинг тимсолида — халқини қора аҳмадлар зуғумидан ҳимоя қилишдек эзгу ният билан яшайди. Иккинчи томондан — босмачи Қора Аҳмаднинг қаршисида мутеларча қўл қовуштиради. Бир томондан — босмачилар тўдасига қўшилиб, ўзи истамаган ҳолда уларга югурдаклик қилади. Иккинчи томондан — қишлоқ аҳлини бўлажак босқиндан огоҳ этишга, талон-торож, қирғин. қон тўкишларнинг олдини олишга баҳоли қудрат уринади. Лекин, халқ мақолида айтилганидек, «у ёққа қараса — отаси ўлади, бу ёққа қараса — бўтаси...» ...Хуллас, муаллиф Нурмурод жўжа тимсолида инқилобий қураш йилларида бетарафлик, тинчлик, муроса-мадора йўлини тутган, шу бетарафлиги билан қора аҳмадларга ем, улар ўқига нишон бўлган эзгу ниятли оми ва оққўнгил одамнинг — оддий халқ вакилининг трагикомик қисматини бадиий гавдалантиради.

Биз Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Ғаффор Ҳотамов асарларида ўзининг нисбатан ёркинроқ ифодасини топаётган халқчилликнинг баъзи бир қирралари — ёшлар насрининг шак-шубҳасиз фазилатлари хусусидаги айрим кузатишларимизни баён қилдик. Энди адабий асарнинг халқчиллигини белгилаб турувчи энг асосий, ҳал қилувчи, бирламчи мезон, бошқача айтганда, ёшлар насридаги жиддий бир нуқсон хусусида ҳам мулоҳаза юритишни истардик.

Гап шундаки, кўпгина ёш ёзувчиларимиз, жумладан, юқорида номлари тилга олинган ижодкорларнинг асарларини ўқиб, қаҳрамонларнинг узундан узун суҳбату гурунглари, ички ва ташқи монологларини тинглаб: «Ие, булар бекорчими, нима бало?» деган хаёлга борасан киши! Ҳолбуки, халқчилликнинг энг асосий, ҳал қилувчи қирраси — бу аввало меҳнат кишисини, кундалик иш билан машғул одамнинг образини бадиий гавдалантиришдир. Сирасини айтганда, ер юзидаги ҳеч бир халқни, айниқса пахтакор ва соҳибкор ўзбек халқини меҳнатсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ахир, тилимизда «халқ» атамасининг олдидан «меҳнаткаш», «жафокаш», «заҳматкаш», «бунёдкор», «миришкор», «соҳибкор» қабилидаги сифатлашларнинг тез-тез қўлланилиши бежиз эмас-ку. Меҳнат — халқимиз учун тириклик манбаи, яшаш тарзи, кундалик аъмол... Бинобарин, меҳнат жараёнининг бадиий тасвирисиз, шоир таърифлаганидек, «кетмон дастасин ҳам кўкартиргувчи бу халқ, шу қадар ишпараст бу мунисгинам»изнинг муносиб образини яратиш амри маҳолдир.

Аммо бу иш ижодкордан озмунча меҳнат — ижодий заҳмат талаб қилмайди. Шу боисдан бўлса керак, нафақат ёшлар ҳикоячилиги ва қиссачилигида, балки, умуман, адабиётимизда меҳнаткаш, соҳибкор деҳқоннинг тўлақонли образи яратилган асарлар бармоқ билан санарли даражада. Биз Обид кетмон, Кўкан, Йўлчи сингари мумтоз типик образларни назарда тутмоқдамиз.

Мунаққид Б. Шарипов «Меҳнат тасвири ва маъно» мақоласида («Шарқ юлдузи» журнали, 1986 йил, 6-сон) ҳозирги айрим қиссаларни, хусусан, Эркин Аъзамовнинг «Жавоб», Еқут Раҳимовнинг «Кўришгунча хайр!», Нурали Қобулнинг «Яшаш учун кечикма», Самар Нуровнинг «Раис», Неъмат Еқубовнинг «Хазина султони» асарларини меҳнат тасвирига бевосита даҳлдор қиссалар сифатида таҳлил қилади. Шу баҳонада мазкур асарларнинг айрим фазилат ва нуқсонларини ишонарли тарзда кўрсатиб ўтади. Аммо мақоладаги баъзи фикр-мулоҳазалар, назаримизда, баҳсталаб. Тўғри, мунаққид «бадиятда меҳнат кишиси ҳаётини шунчаки қаламга олишнинг ўзи кифоя эмас» деяр экан, батамом ҳақ. Лекин ҳамма гап шундаки, у таҳлил этаётган қиссаларда меҳнат кишиси ҳаётининг, гарчи «шунчаки қаламга олинган» деб бўлмаса-да, ҳар қалай, асосан ва фақат оилавий-маиший томонлари қаламга олинган, холос. Демоқчимизки, бу асарларда «меҳнат тасвири», меҳнат жараёнининг тасвири йўқ. Борларида эса («Хазина султони», «Раис»), мунаққид тўғри таъкидлаб кўрсатганидек, тасвир ўта хира, юзаки, жўн ва схематик талқиндан нарига ўтилмаган. Гап «Жавоб» қиссасидаги Элчиев образи хусусида кетар экан, мунаққиднинг «Езувчи Элчиев ҳаёти... тасвиридан муҳим ижтимоий маъно чиқара олганини таъкидлаш лозим», деган фикри ҳам ғоят тўғри. Асарга хос бу етакчи фазилат — саволга муносиб жавоб, муаммога яраша ечим топилганлиги — «Муаммонинг ечими» номли тақризда зўр мамнуният ила эътироф этилган эди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил 14 декабрь). Бу ўринда таъкидлаш лозим: маъно шахсий ҳаёт — турмуш тасвиридан чиқарилган, меҳнат, айниқса ижтимоий меҳнат тасвиридан эмас! Назаримизда Элчиевнинг «иқтисодчи ходим сифатидаги фикрлаши аниқ кўринмаслиги»га ҳам асосий сабаб — қиссада меҳнат тасвирининг йўқлигида. Меҳнаткаш одам, яъни, иқтисодчи ходимга хос бетакрор хатти-ҳаракат, руҳий олам ва ниҳоят, ана шулардан келиб чиқувчи фикрлаш тарзининг йўқлигида! Қолаверса, «Жавоб» асари табиатан ахлоқий муаммолар талқинига бағишланган ижтимоий-маиший қисса. Бинобарин, бу ерда муаллифни оқлаш ё қоралаш ниятида эмас, уни қаҳрамон руҳий оламини янада теранроқ тадқиқ этиш (жумладан, профессионал қарашларини ҳам ёритиш) ва бевосита меҳнат мавзуида асар ёзишга даъват этиш хусусидагина гап кетиши мумкин эди, холос.

Хулоса қилиб айтмоқчимизки, адабиётимизнинг бош мақсади — Эдигей Бўрон ёхуд Шораҳим шоввоз ва Ойсулув сингари меҳнаткаш халқнинг типик вакиллари, халқ иродасига тимсол бўла оладиган тўлақонли адабий қаҳрамонлар яратишдан иборат. Бу иш адабиётимизнинг халқчиллик принципларига садоқат ифодаси, халқ руҳини бойитиш йўлида қалам тебратаётган ҳар бир чинакам ижодкор зиммасидаги виждоний бурчдир.

Раҳимжон ОТАЕВ

ИСТЕЪДОД ЖИЛОЛАРИ

Эрик КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

АБДУЛЛА Авлоний (1878—1934) — ўзбек совет маданияти тарихида ўзига хос из қолдирган намояндалардан бири. Унинг ҳаёти ва ижоди икки тарихий даврга тўғри келди. Булардан биринчиси Туркистон ўлкасининг Россияга қўшиб олиниши ва Россиянинг қолоқ ўлкаларидан бирида социалистик инқилобнинг тайёрланиши бўлса, иккинчиси Улуғ Октябрь инқилобининг ғалабаси, Совет ҳокимиятининг барпо этилиши ва мустаҳкамланиши давридир.

Авлоний ижодига 1905 йил революцияси катта таъсир кўрсатди. «1905 йилги инқилоб ҳаракати таъсири натижасида сиёсий маслак ва мақсадларга тушуна ва ўргана бордим», деб ёзган эди у ўша кунлар ҳақида. Шу ижобий таъсирнинг натижаси ўлароқ, шоир халқнинг кўзини очмоққа киришди. «1907 йилда «Шуҳрат» исмли газета чиқардим, — дейди адиб таржимаи ҳолида. — 10-сон чиққач, эски ҳукумат маъмурлари уйимни, идорамни тинтув қилиб, газета ва китобларимни мусодара қилиб, газета чиқармасға имзо олди».


Улуғ Октябрь ғалабалари рўёбга чиққунига қадар бу қаламкашнинг ҳаёти ва ижоди тинимсиз курашлар билан кечди. У маърифатпарвар зиёлидан чинакам инқилобчи адиб даражасига кўтарилди. Шу тариқа у ўзбек совет адабиётининг сарчашмасида турганлардан бири бўлди.

Адиб Тошкент маҳаллаларида янги рус усулдаги мактаблар очиб, улар учун дарслик ва қўлланмалар яратди. Биринчи бўлиб янги типдаги театр труппасини ташкил этди. Бу театр учун саҳна асарлари ва ашулалар ёзди. Зеро, мактаб ва кутубхона, матбуот ва театр даврнинг янги ғояларини тарғиб қилишга катта ёрдам берувчи восита ва омиллардан эди.

Абдулла Авлоний феодал-клерикал адабий оқимларга қарши турган халқчил маърифатпарвар эди. Агар буржуа манфаатини кўзловчи маърифатпарварлар бой ва савдогарларнинг болаларини учун мактаб очган бўлсалар, Авлоний ўзи очган мактабда камбағалларнинг фарзандларини, етим-есирларни ўқитди. Шу билан бирга у халқнинг оғир аҳволидан куйиниб, унинг қисматини енгиллаштириш чораларини қидирди. Агар буржуа-жадидлар Романовлар сулоласини ағдарган Февраль революциясидан кейин «Эркин жумҳурият» учун кураш олиб борган бўлса, Авлоний ўз маслакдош ва фикрдошлари билан биргаликда «Халқ жумҳурияти» учун курашди.

Адиб шиддат билан ривожланиб бораётган давр руҳида асарлар ижод қилди, таълимий-ахлоқий рисолалар ёзди. Умуман, ахлоқ ва тарбия масалалари унинг асарларида, дарсликларида муҳим ўрин тутади. Ёшларни чинакам граждан қилиб тарбиялаш, халқ онгини ўстириш, ҳаёт тарзини енгиллаштириш адиб ижодий ва ижтимоий фаолиятининг асосий мазмуни бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, халқнинг саводини чиқариш, синфий онгини ўстириш Авлоний асарларининг асосий мундарижасини белгилаб берди. «Биринчи муаллим» (1909), «Иккинчи муаллим» (1912), «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ» (1913), «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» шеърий тўпламлари, «Адвокатлик асослари» (1914), «Пинак» (1916), «Биз ва Сиз» (1917) пьесалари ва бошқа асарлари бунинг далилидир.

Абдулла Авлоний тутган йўл, табиийки, ўз синфий моҳияти билан дин қоидалари ва мусулмон урф-одатларига, чор ҳукумати ва ҳукмрон синф сиёсатига зид эди. Шунинг учун ҳам унинг фаолияти таъқиб остида эди. У очган мактаб ва газеталар ёпиб қўйилар, у ташкил қилган театр труппалари турли баҳона ва айблар билан тарқатилар эди. Лекин маърифатпарвар адиб бу қийинчиликларни бардамлик билан енгар, чор маъмурияти ва маҳаллий бойларнинг дўқ-пўписалари, руҳонийларнинг иғво ва бўҳтонлари қаршисида асло таслим бўлмас эди. Ҳукмрон синф-



нинг мафкурачиси бўлмиш «шайтон каби маккор, инсоф ила виждондан узоғ, кўнгли қаро», ўз нафси учун ўзгаларни «қурбон» қилган «диндорлар» Авлоний фаолиятига ўз «муҳри»ни босган ва уни «динсиз», «хоин» деб баҳолаган эди. Шоирнинг ҳаёти доимо хавф остида эди. Лекин халқ, миллат ёди билан юраги ўртанган адиб энг қийин, энг қалтис шароитларда ҳам маърифатпарварлик фаолиятини асло тўхтатмади.

Маърифатпарвар адиб Дегрез маҳалласида ёпилган мактаб ўрнига Миробод маҳалласида мактаб очади. «Шуҳрат» газетаси ўрнига катта қийинчилик ва узоқ ҳаракатлардан кейин «Турон» газетасини очишга рухсат олди, кейинроқ эса «Улуғ Туркистон» газетасига муҳаррирлик қилди, «Нашриёт» ширкатини, «Мактаб кутубхонаси»ни ва бошқа бир қатор ижтимоий-сиёсий муассасаларни ташкил қилди. Хуллас, Абдулла Авлонийнинг қизғин ижтимоий фаолияти давом этаверди. Натижада у 1905—1917 йиллар ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг нафақат улкан адибларидан, балки замонасининг йирик ташкилотчи-жамоатчиларидан бири сифатида ҳам танилди. У Октябргача мавжуд бўлган адолатсиз тузумнинг давлат машинаси чор амалдорлари ва помешчиклари, маҳаллий бойлар ва руҳонийлар, умуман ҳукмрон синф манфаатларини ёқлаш, меҳнаткаш халқни шафқатсиз эзиш ва эксплуатация қилиш учун яратилганини тушунди. Шунинг учун ҳам 1914 йили ёзилган «Нима кимники?» шеърида аччиқ истеҳзо билан бундай деди:

Гар фақир ўлсанг, демас: «Ҳолинг надур?»
Меҳрибонлиғ — олтуну денгоники.
Эски тўн бўлсанг, бўлурсан хору зор,
Иззату ҳурмат — тўни янгоники.
Илмдан бойлик юқорида турур,
Суҳбату мажлис — силиқ саллоники.

Шоирнинг фикрича, чоризм ва феодализм қонунларига хизмат қилувчи жамиятда «пул» ҳукмронлик қилади. Қозилар ҳукмида ҳақ бўлган камбағал эмас, ноҳақ бўлган бой ютиб чиқади. «Ҳақиқат», «адолат», «одамийлик»ни эса, пул, бойлик янчиб, барбод қилади.

Авлоний 1911 йилда ёзган шеърий асарида халқнинг оғир, фожеий аҳволини реалистик бўёқлар, образлар орқали ёркин тасвир этади:

Кўзлардин оқар қон ёш, билмам, нечук оламдур,
Дунёни босуб селоб ҳар гўшада мотамдур,
Тўфонми, балодурми — ҳар қатраси бир ғамдур...
Диққат-ла боқур бўлсанг, ақлингни босур ҳайрат,
Ҳақ пастда қолуб, ноҳақ пул бирла топур қувват...

Шоир динни халқни алдашнинг қулай воситасига айлантирган ва бойларга садоқат билан хизмат қилган руҳонийлар — шайх ва эшон, муфти ва қозиларнинг ҳақиқий башарасини ва улар фаолиятининг синфий моҳиятини очиб ташлайди.

Жумласи бойни(нг) сўзини айтур,
Хоҳи эшону хоҳи муллоси.
Илмдан истасанг нишон йўқдур,
Бошида бор қозонча саллоси.

Чоризм ва феодализм қонуниятлари идора этган дунё, унинг йиртқич фалсафаси шоирнинг бошқа шеърларида ҳам истеҳзо остига олинади. Шоир «Олло таолонинг «қудрати» номли ҳажвий шеърида худо ва унинг «бойлар учун яратган» дунёси устидан ўткир заҳарханда билан кулади.

Ўз халқига фарзандлик бурчини, гражданлик бурчини тўғри тушунган, ўз миллатининг равнақи йўлида фаол хизмат қилган Авлоний ҳақиқий интернационалист бўлиб етишди. Бу табиий эди, албатта. Зеро, улуғ доҳиймиз В. И. Ленин ибораси билан айтганда, ўз халқини севмасдан интернационалист бўлиш мумкин эмас. Адиб Ўрта Осиё тақдирини қудратли Россия билан биргаликда кўрди, рус тилини билиш нақадар аҳамиятли эканлигини ҳам тўғри белгилади. Рус тили биз учун «нон ва ҳаводай» керак, дейди маърифатпарвар адиб. Шу билан бирга у она тилини ҳам равнақ топтириш зарурлигини тўғри тушунди ва алоҳида таъкидлади. «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғин кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур, — дейди у, — миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».

Шоир ўзининг Октябргача бўлган ижодида халқнинг, Ватан-

У бошқа бир шеърида истиқбол билан боғлиқ орзуларини аниқроқ ифода этади, инқилоб ҳақида, озодлик ҳақида донолларча фикр юритади.

Ҳар ғаминг поёни вордур, ҳар аламнинг охири,
Ҳар зимистоннинг баҳори, ҳар хазоннинг охири,
Инқилоб бўлмак табиий ҳар замоннинг охири...

Абдулла Авлоний ўзбек халқининг қолоқлиқни, жаҳолатни енгиб, илғор халқлар орасидан ўз мавқеига муносиб бир ўрин эгаллашига қатъий ишонди. Ана шу ғўзал келажакни яқинлаштириш учун у истеъдоду меҳнати-

БАРБОД БЎЛГАН УМР

Кўрик вақтида 15—20 ёшли беморларимнинг афт-ангорини кўриб ўйланиб қоламан. Уларнинг юзлари сўлғин, кўкимтир-кулранг, тишлари ва сочлари тўкила бошлаган. Укол қилиниверіб яра-чақа бўлиб кетган жигарранг қон томирлари бўртиб ётибди.

Буларнинг аксарияти ҳали ўсмир ёшида бўлишига қарамай нуқсида мунқиллаб қолган кексалик аломатлари зоҳир. Улар юрак ва ўпка касалликлари, бўғимларнинг яллиғланиши, қон томирларининг заифлашиши каби дардларга чалиниб бўлишган. Улар орасида таносил касалликларига мубтало бўлаётганлар ҳам оз эмас.

Мен уларнинг сўник, киртайган кўзларига қарар эканман, ярим йил аввал уларнинг ҳамма нарсага қизиқувчан, ўқиш, спорт ва бошқа жамоатчилик ишлари билан шуғулланувчи, кимнидир севиб, нимагадир интилиб яшаганликларига ишонгим келмайди. Буни қарангки, улар айнан шундай — ҳаммамиз меҳр билан орқаларидан қараб қоладиган ўт-олов йигит-қизлар эдилар.

Яқинда гиёҳвандликка мубтало бўлиб қолган 20 ёшли Костя А.нинг барбод бўлган ҳаётини зўрға сақлаб қолдик.

Костя кайф берувчи моддани биринчи марта бундан бир йил муқаддам қабул қила бошлаган. Маъшуқаси билан интим алоқалар пайтида ожизлик қила бошлагандан сўнг шу кўйга тушиб қолган. Олдинига битта оғули ништар, кейин иккинчиси, учинчиси... Қарабсизки... истеъмол қилмаса дармонсизлик сезади, бадани увишиб, қалтироқ бошланади, боши оғирлашиб, оёқ пайларида ёқимсиз оғриқ туяди, бўғимлари зирқирайди, кўзларидан эса тинимсиз ёш оқади, уйқуси бузилади, юрак қафасига сиғмай тепади, заифлашиб қолади. Бир неча кундан сўнг талвасага тушади. Хайриятки, унга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатилди. Костя ўткир ўпка яллиғланиш касалига мубтало бўлган эди. Анча вақт ҳаёт-мамот орасида азоб чекди... гиёҳвандлик оқибати ана шундай.

Гиёҳвандлик билан машғул бўлганларнинг умри барбод бўлади. Баъзида медицина ҳам ожизлик қилиб қолади. Кўп ҳолларда гиёҳвандлик ўз-ўзига суиқасд қилиш билан тугайди. Бу айниқса хуруж ҳолатида содир бўлади. Гиёҳванд ўз вақтида наркотик моддаларни топиб, эҳтиёжини қондирмаса, ўзини идора қила олмайди. Кучли кайф пайтида унда алаҳлаш ва йўқ нарсаларни сезиш, кўриш, яъни хаёлий саёҳат пайдо бўлади. Узини бошқа оламда ҳис қилади. Кимдир тўхтовсиз таъқиб қилаётгандай, қўрқув пайдо бўлади, ундан қочиб қутулиш пайида бўлади ва бу кўп ҳолларда кўнгилсизлик билан якунланади. Одам бу вақтда ё деразадан сакраш ёки ўзини машина тагига ташлаш, зинапоялар бўйлаб учиб кетиш ва ҳатто жиноятга қўл уришгача бориб етади.

Бизнинг бўлимимизда даволанаётган Славка исмли 25 ёшлардаги йигит наркотик модда қабул қилгандан кейинги ҳолатини шундай тасвирлайди: «Жинни бўлиб қолдим, ҳамма одамлар кўзимга душман бўлиб кўриниверди, ҳамма нарса менга хавф туғдираётгандай туюлди, уйдан ташқарига чиқишга мадорим етмайди, қўрқув шу даражага етдики, ўзимни деразадан ташладим...»

Беморларнинг ота-оналари билан суҳбатлардан маълум бўлишича, улар ўз фарзандларидаги ножўя ҳаракат белгиларини дастлаб 2—3 йил бурун сезишган. Аммо уни ўсмирлик қизиқишларига йўйиб, жиддий эътибор беришмаган.

...Рўпарамда яқинда бўлимимизга оғир аҳволда келтирилган ўн етти ёшли Оля исмли қиз. Онасининг айтишича, бир йил аввал қизида ҳар хил бежо ҳаракатлар пайдо бўла бошлаган. Вақти-вақти билан у тўсатдан қувноқ бўлиб қолар, жиннилик қилар, кўп гапириб, ўзини гапдан тиймас, кўзларида саросималик, безовталик учқунлари пайдо бўлар экан. Унинг танасида кулранг доғлар ҳосил бўларди, баъзан иштаҳаси очилиб кетарди. Оля дарсларини мутлақо ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўртоқларига нисбатан бефарқ бўла бошлаган. Онаси қизининг билакларида ништар изларини кўрса ҳам бунга эътибор бермаган. Бу вақтда Оля кунига 10—15 марталаб наркотик моддалар тайёрлаб, қабул қилган, натижада унда наркотик психоз пайдо бўлган.

Наркотик моддани қабул қилгандан кейинги ҳолат ҳар хил кечиши, кун бўйи қайтарилиб туриши ва узоқ давом этмаслиги мумкин. Баъзиларда ланжлик, уйқуда босинқираш кузатилса, бошқаларда, аксинча, биринчи навбатда ғазабланиб, тажовузкорлик каби салбий хислатлар, кераксиз нарсаларга ружу қўйиш ҳоллари юз беради.

— Доктор, шундай замонда уларга нима етишмас экан-а? — дея мурожаат қилишади кўпчилик ота-оналар.

— Ҳамма гап шунда-да, — афсусланиб жавоб қиламан уларга. — Болаларингиз учун ҳамма нарса етарли. Бундай шароитни сизлар ўйламай-нетмай яратиб бергансизлар. Улар кўп ҳолларда назоратсиз қолганлар. Натижа эса маълум. Тўқликка — шўхлик, — дегим келади.

А. ВРУБЛЕВСКИЙ,
медицина фанлари кандидати

ни аямади.

Ватан меҳри агар бўлса, дилингда ишқ савдоси,
Отил, нури маорифга, ўзингни мисли Фарҳод эт! —

деб ёзган эди у.

Адибнинг «Адвокатлик осонми» драмасида оч-яланғоч, қашшоқ, саводсиз ва забун, адолатсиз тузумнинг ноинсофлигига учраган халқ образи тасвирланади. Чунки инқилобгача муҳтожлик, қайғу, йўқчилик ва жаҳолат халқ ҳаётининг доимий йўлдоши бўлиб қолган эди. Ўша замонда йўқсулнинг нажот истаб чорлаган овозини ҳеч ким тингламасди.

... Адвокат Давронбек олдига юлинган, таланган, муҳтожликка кўмилган оч-яланғоч камбағаллар тўхтовсиз кела берадилар. Уларнинг ҳар бири Давронбекни ягона ҳимоячи деб билиб, ундан нажот олишга умид қиладилар. Лекин у ҳам бу ҳуқуқдан маҳрум, эзилган одамларга ёрдам беришга ожиз эди... Қари деҳқон Худойберди ерини 400 сўмга сотган, бироқ қўлига 200 сўм теккан холос. Билимсизлик туфайли у ҳужжатни нотўғри тўлғазган экан. Бундан уддабурон савдогар фойдаланиб, ярим йилдан сўнг ерни ярим баҳосига босиб олади. Шўрлик деҳқон ҳам ерсиз, ҳам пулсиз бўлиб қолади... Аравакаш Эгамберди уйланишга маблағ тополмай, уйини гаровга қўйиб, пул қарз олган. Бироқ векселни вақтида тўлашга қурби етмайди. Суд ҳукми билан молмулки мусодара қилиниб, қарз берган судхўрга ўтказилади, ўзи бўлса, оиласи билан кўчага ҳайдалади...

Абдулла Авлоний машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бу йўлда унинг ижодида, дунёқарашида, фаолиятида зиддиятлар, либерал-буржуача фикр ва хатти-ҳаракатлар, қоқилиш ва адашишлар ҳам йўқ эмас эди, албатта. Лекин адибда бўлган халқпарварлик ҳисси, ижтимоий ҳаётнинг воқеа-ҳодисаларини тўғри синфий ва инқилобий идрок эта билиши уни тадрижий тарзда инқилоб йўлига бошлаб борди.

Инқилобий ҳаракатда фаол қатнашган Абдулла Авлоний Октябрь инқилобини беҳад қувонч билан қарши олди. Инқилоб, Коммунистик партия, Советлар, В. И. Ленин, социализм ҳақида шеърлар, ашула ва шарҳлар ёзди, «Қизил байроқ», «Ҳуррият марши», «Партия дружиначиларига», «Октябрь», «Октябрь байрами», «Фирқамиз олойларина», «Биз ва Сиз», «Португалия инқилоби» сингари қатор асарларини яратди.

Ўзбек инқилобчилари орасидан Абдулла Авлоний биринчилар қаторида 1918 йилда Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Туркистон Компартиясининг Марказкомига аъзо қилиб сайланди, ўзбек тилидаги биринчи партия газетаси бўлмиш — «Иштирокиюн» — «Коммунист Туркестана» газетасига масъул муҳаррир қилиб тайинланди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг турли муассасаларида фидойилик билан хизмат қилди, Тошкент эски шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади, РСФСРнинг Ҳиротдаги бош консули вазифасини бажарди, Ўрта Осиё Коммунистик университетида, Ўрта Осиё Давлат университетида ва бошқа жойларда дарс берди. Партия ва Совет ҳукумати уни қаерга юборса, у шу жойда фидокорлик билан меҳнат қилди.

Абдулла Авлонийнинг сайланма асарлари 1979 йилда «Тошкент тонги» номи билан чоп этилди. Адабиётшунос Б. Қосимов томонидан нашрга тайёрланган китоб Авлоний асарларининг дастлабки мукаммал нашри бўлиб, ундан шоирнинг шеърлари, масаллари, ривоятлари, драмалари ва таржималари жой олган.

Адибнинг ҳаёти ва ижоди илмий ўрганилмоқда. Ўйлаймизки, йиллар ўтгани сайин Авлоний қаламига мансуб асарлар янада чуқур ўрганилиб, уларнинг бадиий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий аҳамияти ойдинлашиб боради. Чунки, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўз ҳаёти ва ижодини, меҳнати ва истеъдодини халқ ва Ватан хизматига бағишлаган кишиларни ҳеч қачон унутмайди. Адибнинг нурли сиймоси ва улкан адабий мероси адабиётимиз тарихида ўз ўрнини топиб, миннатдор халқ хотирасида абадий қолади.

БЎҲТОН ФОШ БЎЛДИ

Инсоният Ер юзи тақдиридан ғоят хавотирда. Бунга АҚШ маъмурияти ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг ҳарбий-стратегик тенгликни бузишга, ядро қуроли соҳасида устунликка эришишга интилиши сабаб бўлмоқда.

Маълумки, жаҳондаги вазият ва халқаро аҳвол кўп жиҳатдан Совет — Америка муносабатларига боғлиқ. Бироқ, мазкур муносабатлар ҳам расмий Вашингтоннинг айби билан мураккаблигича қолмоқда. Америкада душманликдан манфаатдор бўлган, СССРни «душман қиёфаси»да тасвирлашга интиладиган ва совет халқига нисбатан нафрат уруғларини сочиш учун қудратли ахборот воситаларидан фойдаланаётган кучлар бор, бу гапни рад этиб бўлмайди. Бу — четлаб ўтиб бўлмайдиган жуда жиддий проблемадир.

Ҳақиқатан ҳам социализм дунёсига туҳмат қилиш, Совет Иттифоқи ички ва ташқи сиёсати мазмунини бузиб кўрсатиш, жаҳон жамоатчилигининг диққатини даврнинг энг долзарб масалаларидан четга тортиш АҚШ ахборот воситаларининг, радио ва телевидениесининг асосий касби-кори бўлиб қолган. Эй-Би-Си телекомпанияси 35 миллион доллар сарф қилиб ишлаб чиқарган ва Америка телетомошабинларига кўрсатилган туҳматнома — «Америка» фильми бунга ёрқин мисолдир.

Социалистик дунёнинг жаҳон ишларига салмоқли таъсири, Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари ва таклифлари ўзига тобора кенгроқ йўл очаётганлиги Вашингтонни ташвишга солмоқда. Шу боисдан ҳам Оқ уй стратеглари юқорида қайд этилган шиддатли жараённи тўхтатиб қолиш учун ҳар қандай восита ва услубдан қайтмаётирлар.

Уларнинг наздида туҳматчи овозлар эфирни лойқалантирса, ҳақиқатдан йироқ ҳаёсиз ва андишасиз фильмлар америкаликлар онгини заҳарласа, бас. Шу йил февраль ойининг биринчи ярмида Эй-Би-Си телекомпанияси ўн тўрт ярим соат давомида кўп серияли «Америка» фильмини кўрсатди. Фильм муаллифларининг мақсади Совет Иттифоқига, мамлакатимиз халқларига қарши қаҳр-ғазаб ва душманлик уруғини сочишдан иборат. Бошқа мамлакатлар ва халқларга нисбатан ғирт туҳмат ва андишасизлик, бўҳтон ва ҳурматсизликнинг нақд ўзгинаси бўлган ушбу фильмда гўё Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида Америка Қўшма Штатларини босиб олган совет қўшинларининг «тажовузкорлиги» кўрсатилади. Қуролсиз тинч аҳолининг ўлдирилиши, Капитолиянинг бузиб ташланиши, концентрацион лагерларнинг барпо этилиши ва бошқа ёвузликлар «совет тажовузкорлиги»нинг оқибати тарзида талқин этилади.

АҚШда «Америка» фильмини намойиш этишдан қандай мақсадлар кўзда тутилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Коммунизмга қарши эълон қилинган «салб юриши» замирида империячилик шум ниятлари яширин.

Биринчидан, бу бутун жаҳондаги халқаро вазиятни кескинлаштираётган, ўзга халқлар ва мамлакатларнинг ички ишларига қўпол тарзда аралашаётган, ошкора давлат терроризми сиёсатини амалга ошираётган расмий Вашингтоннинг барча қилмишлари фош бўлаётган ҳозирги пайтда ушбу ҳақоратомуз фильмни кўрсатиш Америка ва жаҳон жамоатчилиги фикрини чалғитишни назарда тутади. Иккинчидан, бутун дунё узра ядровий ва кимёвий қуролланиш пойгасини авж олдираётган, «самовий урушлар» режаларига қаттиқ ёпишиб олган Оқ уй маъмуриятининг ҳарбийлаштириш йўли Америкининг ўзида ҳам, ундан ташқарида ҳам қатиқ қораланаётган бир шароитда ушбу фильм намойиши замирида қуролланиш ва ҳарбий тайёргарликни зўрайтириш йўлини мамлакат халқига маъқуллаб олишдек маккорона ният ётади.

Вашингтон расмий доираларининг мазкур уйдирмаларини ҳам ҳаёт ҳақиқати рад этмоқда. Совет Иттифоқи ҳеч қачон, ҳеч кимга, шу жумладан Америка Қўшма Штатларига таҳдид солган эмас. Милитаризм эса инсониятни ҳамиша хавф-хатар исканжасида яшашга гирифтор этиб келмоқда. Масалан, ҳарбийлаштириш йўли давлат сиёсати

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА

даражасига кўтарилган Қўшма Штатларнинг ўзини олиб кўрайлик. Ҳозир мамлакатнинг ўртача йиллик ҳарбий харажатлари 300 миллиард долларга етди. Бир пайтнинг ўзида давлат бюджетидан социал эҳтиёжларга ажратилаётган маблағлар йилдан йилга қисқариб бормоқда. Капитал дунёсининг энг бой мамлакати — АҚШда 35 миллиондан ортиқ киши қашшоқлик азобида кун кечираётганлиги Америка ҳарбий-саноат комплекси манфаатларига хизмат қилаётган милитаристик сиёсатнинг оғир оқибатларидан биридир. Учинчидан, Оқ уйнинг ядровий қуролсизланишга йўл қўймаслик, Совет — Америка муносабатларини издан чиқариш, ҳамма нарсани ҳарбий куч воситаси билан ҳал қилишга интилиш сиёсати қораланиб, Совет Иттифоқининг тинчликни сақлаб қолиш, инсониятни урушлардан, ядро қуролларидан халос этиш, зўравонликдан холи дунёни вужудга келтириш йўли Ер юзи узра кенг маъқулланаётган бир пайтда Америка халқини «Совет хавфи» билан қўрқитиш, СССРнинг ички ва ташқи сиёсатини обрўсизлантиришга уриниш «Америка» фильмининг гаразли мақсадидир.

Фильмнинг Америка телеэкранларида намойиш этилиши бутун дунёда кескин норозилик, жумладан, Америка Қўшма Штатларининг ўзида ҳам жамоатчиликнинг кескин қаҳр-ғазабини уйғотди. Таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, ахборот воситаларининг илғор намояндалари психологик ва совуқ муносабатлар «уруши»ни кучайтирувчи мазкур фильмга ҳам, унинг кўрсатилишига ҳам қатъиян қаршилик кўрсатдилар.

АҚШнинг учта собиқ давлат секретари — Хейг, Маски ва Дин Раск, президентнинг хавфсизлик бўйича икки собиқ ёрдамчиси — Макфарлейн, АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги собиқ доимий вакили Жин Киркпатрик ва бошқалар «Америка» фильмини қораловчи ҳужжатга имзо чекдилар, мамлакатдаги 40 дан ортиқ жамоат ташкилотлари эса халқлар ўртасига низо солувчи бундай фильмларга тезда барҳам беришни қатъий талаб қилдилар. «Америка» фильми, сўзсиз, иғвогарлик характерига эга, — деб ёзади Э. Льюис ўзининг «Нью-Йорк Таймс» газетасида эълон қилинган «Реал хавф» номли мақоласида. — Бизни 70 йил давомида, яъни биринчи жаҳон урушидан сўнг то 1950 йиллардаги «маккартизм» давригача «қизил хавф» тўлқини билан қўрқитиб келдилар. Лекин ўз уйимизда «қизил хавф»ни тарғиб қилиб, ўз қадриятларимизни яксон қилишимиз шарт эмас». «Агар мамлакатимизга зарар етказилаётган бўлса, — деб фикрини давом эттиради мақола муаллифи, — бунга ўзимизнинг йўл қўйган ва қўяётган хатоларимиз сабабчи бўлмоқда. Ушбу хатоларимиздан бири антикоммунизмни ҳаддан ташқари бўрттириб юборишимиздир».

Ҳақиқатан ҳам Оқ уйдаги жаноблар айни антикоммунизм байроғи остида Вьетнамга қарши уруш олиб бордилар. Бугун аслида бўлмаган «коммунистик хавф» баҳона қилиниб Афғонистон, Ангола, Никарагуага қарши пинҳона урушлар давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси Американинг ўзига ҳам маънавий ва моддий жиҳатдан катта зарар етказаётганлигини америкаликларнинг ўзлари ҳам яхши билишади.

«Эй-Би-Си телекомпаниясининг антисовет руҳида яратган «Америка» фильми, — деб эътироф қилади «Пиплз дейли уорлд» газетаси, — шу муносабат билан пропагандистик жиҳатдан ҳам, молиявий нуқтаи назардан ҳам тўла инқирозга учради. «Америка»нинг реакцион руҳи тамомила кутилмаган, тескари натижаларга олиб келди, фильмнинг намойиш этилиши эса Америка Қўшма Штатларидаги реакцион кучларга қаттиқ зарба бўлиб тушди».

Совет кишиларининг юксак ғоявий эътиқоди, маънавий қатъияти, ватанпарварлик ва интернационалистик туйғулари жуда кўп марта синовлардан ўтган. Синфий душманнинг ҳар қандай «психологик» ҳужумлари, социализмни бадном қилиш, олға ҳаракатимизни тўхтатиб қолиш йўлидаги уринишлари ҳамиша барбод бўлган. Эй-Би-Си телекомпаниясининг юқоридаги фильми хусусида шуни айтиш керакки, у фақат совет халқигагина эмас, балки Америка халқига ҳам қарши турган «Америка»дир.

Елғоннинг умри қисқа. «Америка» фильми тарқатган бўҳтон ва туҳматлар ҳам ҳақиқат тошига урилиб чилпарчин бўлганлиги бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Талъат СОЛИЕВ,
сиёсий шарҳловчи

МЎЪЖИЗА ДАРАХТ

Дарахтлар ўртасида баобаб ҳар жиҳатдан ўзига хос рекорд қўйган: баъзи баобабнинг айланаси ўн метрга етади. Унинг ҳаётий қудрати ҳам ҳайратомуз. Бўлак дарахтлардан фарқли ўлароқ баобаб ўлмайди: пўстлоғи сидириб ташланса ҳам у ўз ҳолатини қайтадан тиклаб олаверади. Ағдарилиб тушган тақдирда ҳам баобабга ҳеч қандай заҳмат етмайди. Биргина илдизи тупроққа тутаниб олса, бас, у ўсишда давом этаверади...

Баобаб уруғини бемалол тановул қилиш, майдалаб ва қовуриб, қаҳва тайёрлаш мумкин. Дарахтнинг меваси ширин, «С» витаминига бой. Қуритилган мева пўстлоғи қалин бўлиб, уни стакан ўрнида ишлатиш мумкин. Меваси куйдирилса, унинг ишқорга тўйинган кулидан аъло нав совун ҳосил бўлади. Шарқий Африка аёллари мева кукунида соч чайдилар, илдизидан олинадиган шарбат чеҳраларга тиниқлик бағишлайди.

Дарахтнинг пўстлоғи ва ёғочидан қоғоз, матоҳ, чилвир тайёрланади. Баобаб япроқларидан олинган суюқлик иситмани туширади, буйрак, нафас қисиш касалликларига даво бўлади, уруғидан ҳозирланган кукун тиш оғригига даво. Баргларидан суюқ овқат, гулларининг чангидан сирач тайёрланади, ёндирилган мева пўстлоғининг тутунидан чиқадиган ҳашаротлар нари кетади.


Сайёҳларнинг айтишича, у дарахтнинг қуриган ўзаги ичида бир-бирига халал бермаган ҳолда 20—30 киши бемалол ухлаб ётганлигини кўрганлар. Кенияда эшик ва деразалар ўрнатилган баобаб дарахти бор, Зимбабведа ана шундай дарахтлардан бири автобус бекатига айлантирилган бўлиб, унинг «кутиш зали» бир йўла қирқ кишини бағрига сиғдиради. Ботсвананинг Касане деган жойида мажжуд баобаб эса қачонлардир турма бўлиб хизмат қилган.

Ниҳоят, унинг яна бир хусусияти ҳақида сўз: қадим Сенегалда адиб ва шоирлар жасади баобаб танасидан тайёрланган тобутга солиб кўмилган, улар бошқа одамлардай кўмилишга нолойиқ эмиш. Абадият дарахти адиб учун энг муносиб сўнгги маскан эмасми, ахир?

М. ЗЕНОВИЧ



ИЛИҚЛИК ҚОПЛАДИ ДУНЁНИ...



Комил ЖУМАЕВ

БАҲОР

Яшиллик қоплади борлиқни,
Дарахтлар оқ кўйлак кийдилар.
Чечаклар заминга ёрлиқдир,
Емғирлар гулларни суйдилар.

Тўлғониб ўтишди турналар,
Тўлғониб ўтди-ку соялар.
Майсалар ҳидидан маст бўлиб
Яшара бошлади қоялар.

Нигоҳлар югуриб даладан
Турфа хил рангларни топдилар.
Капалак кетидан болалар
Қувончни етаклаб чопдилар.

Илиқлик қоплади дунёни,
Кизиллик қуёшнинг теграсин.
Замин ҳам ўгириб офтобга
Исита бошлади елкасин.

* * *

Хаёлот дунёси — дарёдир,
Жисмимда тўлғониб оқади.
Бир ширин ҳиссиёт гўёки
Ҳилолдай кўксимга ёқади.

Юзимдан ёғилар юлдузлар,
Кўзларимда йўллар тешилар.
Еп-ёруғ, жилвакор кундузлар —
Сенинг сочларингдай эшилар.

Табиат — сўнгсизлик, табобат,
Мен ундан ўзимни топаман.
Ўзбекистон отлиғ маъвонинг
Дунёсига қўшилиб чопаман.



* * *

Елғиз қадам кезар тун аро,
Сокинликни бузар хўрсиниқ.
Ҳасратларим тундайин қаро,
Юрагимда сезаман оғриқ.

Дарахтларга термуламан жим,
Дарахтларга суянар кадар.
Сен кетасан, чўзилар ғамим
Самарқанддан Фарғона қадар.

Ғамларимни елкамга ортиб,
Ҳувиллаган, файзсиз кечада,
Равонгина кенг йўллар қолиб,
Тентирайман жин кўчаларда.

Ва билмасдан келиб қоламан
Деразангнинг рўпарасига.
Йиғлагудай нафас оламан,
Қулоқ тутиб хонанг сасига.

Ногоҳ унинг деразасидан
Кўрингандай бўлди бир шарпа.
Нимадандир хафадай у ҳам
Ва кимдандир кўнглида шубҳа.

Эшитдингми ё таниш довур,
Нега туриб кетдинг-ей, санам.
Битди менинг қалбимда ҳовур,
Сен хавотир олмагин ҳеч ҳам.

Хаёлларинг бузмагин, сулув,
Бу шарпалар энди бегона.
Кўчанг узра кетмоқда тентиб,
Фақат тун ва далли девона.

Елғиз қадам кезар тун аро...

ЯЙЛОВДА КОНЦЕРТ



Москва районидаги «Правда» колхозининг донгдор чорвадорлари кўзилатиш даврида 1500 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 105 тадан соғлом кўзи олишга эришдилар.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

Ҷақир-тиканак

ПОРАХЎР

Кетди ишдан ҳайдалиб, шарманда бўлган порахўр,
Қоқилиб пўстак каби, чирманда бўлган порахўр.

Кўксини зах ерга берди, «ўтди давроним эссиз»,
Ҳақ сўраб бир кунда юз дўконда бўлган порахўр.

Костюмининг тугмасидан кўп эрур чўнтаклари,
«Соққа» деб ўйнар кўзи, зормонда бўлган порахўр.

Чўзмагай ҳеч ким қуруғин, ҳўлига ҳам зор эрур,
Ризқу рўзи ўзга бир ҳамёнда бўлган порахўр.

Борди райПОга вале савдо эшиги унга берк,
Бир маҳаллар тумшуғи осмонда бўлган порахўр.

Иш топилди, боғчага бўлди қоровул охири,
Болалар «чўзмас», кўзи қозонда бўлган порахўр.

Олимжон БЎРИЕВ



— Тўра Тўраевич, комиссия қачон келади ўзи, ҳаммаёқни тозалайвериб ўлиб бўлдик-ку!



— Дорини овқатдан олдин ичайми, кейинми?
— Овқат ўрнига ичинг.

Ш. Абдуллаев чизган сувратлар

ЛАТИФА

Афанди арз билан борган эди, идорада ўтирган таъмагир киши минғирлаб, порага шама қилди. Афанди унинг ниятини англаб, эртасига қоғозга ўроғлиқ «совға» олиб борди. Таъмагир ҳовлиқиб «совға»ни очиб кўрди-да, кўзлари олайиб кетди:

— Бу нима?

— Сичқон,— деб жавоб берди Афанди бепарво.

— Сичқонни нима қиламан?

— Кеча ўзингиз: «Мушук бекорга офтобга чиқмайди» дедингиз-ку, олинг, коринғизга яраб қолар,— деди Афанди.

А. ИСОМИДДИНОВ

ИККИЛИКЛАР

Порадир ғараз ила қилинган эҳсон,..
Бадном бўлиб қолма, бу ишинг ёмон нуқсон.

* * *

Оқармасин десанг бошингдаги соч,
Ёмондан қочгину мардга қучоқ оч.

* * *

Тўғри сўз мўлжалга тегар,
Фисқ иш бошингни эгар.

* * *

Элга маъқул ишни аниқ қил,
Ўзингга маъқулин ўйлаб бил.

* * *

Фароғатталаб бўлса киши
Манзур бўлсин элига иши.

* * *

Олим бўлсанг, олам сирин ўргат элга,
Деҳқон бўлсанг, ишлов бергин бедор ерга.

Жуман ҲОТАМОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди

Ғаллаорол



— Кўп нон еб бўкиб қолибдими?
— Йўқ, тўйма-тўй юраверіб, чарчаб қолибди.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

* * *

— Сенга қарасам, очликдан ўладиганга ўхшайман, йўлимни тўсма,— деди Жиғилдон Виждонга.

— Мен тергаб турмаганимда нафс тузоғига илиниб асфалософинга жўнаган бўлардинг,— деди Виждон.

* * *

— Сенга тушунолмай қолдим, Тил. Ахир, сенда бори мендан чиқади дейсан-у, ўзингдан ёлғон-яшиқларни тўқиб бировларни алдайсан,— деб норозилик билдирди Дил.

— О, дўстим, менга ҳам осон тутма. Агар ихтиёр ўзимда бўлса сира ёлғон гапирмасдим, унга Жиғилдон айбдор,— деди Дил.

* * *

— Менсиз ғирт тақир чўлга ўхшаб қолардинг,— деб қолди Соч Бошга.

— Қарс икки қўлдан чиқади, нодон. Мен бўлмаганимда ўзинг қаерда ўсардинг? — деб кулди Бош.

Ғулом АЛИЕВ

Самарқанд

* * *

ИКИР-ФИКРЛАР

«Турмуш ўртоғимга: «Ўғлингиз тош отиб мактаб деразасини синдирибди, десам: «Қўявер, тош ўйнаса ўғлим геолог бўлади», деб қўл силтадилар».

(Онанинг шикояти)

* * *

«Уйларимиз ўртасидаги девор пиёз пўстидай юқа бўлгани учун кўшнимнинг хуррагидан безор бўлаяпмиз десам, қурилиш бошлиғи: кўчиб кетсангиз, қулоғингиз тинчийди, деб кулди».

(Янги уйга кўчиб кирган кишининг арзи)

* * *

«Бир йўловчига здачи қайтаришни унутиб қўйган эканман, у қўлларига боксчиларнинг қўлқопини кийиб: «Ҳақимни қайтарасанми ё майдонга чиқасанми!» деб қўполлик қилди».

(Такси ҳайдовчининг шикояти)

* * *

«Таом туз билан ширин,
Морожний муз билан».

(Афандисифат одам тўқиган мақол)



Улкан калтакесак

Жанубий Ҳиндистондаги Андҳра-Прадеш штатидаги ўрмончилар чакалакзорда узунлиги беш ярим метрга яқин бўлган улкан калтакесакка дуч келдилар. Уни ниҳоятда серҳаракатлиги туфайли ушлаб олиш мумкин бўлмади, лекин Ўрмончилар калтакесакнинг фотосуратини туширib олишга муваффақ бўлдилар. Тирупати университетининг олимлари калтакесак суратини катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Гувоҳларнинг айтишича, бундай улкан калтакесак бу ердаги чакалакзорда бундан ўттиз йил муқаддам учраган экан.

Пасхи ороли жумбоқлари

Машҳур норвег саёҳатчиси ва тадқиқотчиси Тур Хейердал раҳбарлигидаги Пасхи оролида иш олиб бораётган Халкаро илмий экспедиция Полинезияда асли аждодлари жанубий американинг бўлган одамлар яшаши ҳақидаги назарияни тасдиқловчи янги кашфиётларни қўлга киритдилар. Ривоятларга кўра, қачонлардир оролнинг биринчи ҳокими Хоту-Матуа саройи бўлган Анакена деган жойдан қазиш пайтида баҳайбат устунлари бўлган катта тош девор топилган. Бу хароба тахминан милодимизнинг 1 минг 100 йилига оид. Бундай тузилишли иншоот ҳали Полинезияда топилмаган эди. Иншоотнинг техникавий тикланиш усули Анд водийсида бир вақтлар ривож топган қадимги ҳиндулар маданиятига ўхшашдир.

Агар «аждодларнинг кўчиши» ҳақидаги назария ҳаққоний бўлса, у ҳолда мазкур топилмалар Пасхи оролининг кўпгина районларида мавжуд бўлган «маои» жумбоғини, яъни улкан тош ҳайкаллар тақдирини бирмунча ойдинлаштиради.

Илонлар билан бирга

Жанубий Ҳиндистоннинг Керала штатида истиқомат қилувчи 32 ёшли олим Т. Велаюдхан бўш вақтларини батамом заҳарли илонларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганишга бағишлаган. Заҳарли илонлар билан мулоқот ўта хавфли, деган ақидаларни у рад этади: кўзойнакли ва қора илонлар билан бирга ухлайди ва бирга овқат истеъмол қилади. «Улар билан мулоқотда, — дейди Т. Велаюдхан, — сабр-тоқат, совуққонлик ҳамда... уларга нисбатан меҳрибонлик керак». Олим илонлар билан тажрибаларини ўн тўрт ёшлик ўспиринлигидаёқ бошлаган эди. У ўзига хос рекорд қўйган — умумий ҳисобда 579 соат давомида муттасил заҳарли илонлар билан бирга бўлган.

Чита яшаб қола оладими?

Мушуксимонлар оиласига кирувчи Африка гепардлари — читаларнинг сон жиҳатдан ниҳоятда кам эканлиги оммавий ахборотларда қайд қилинмоқда. Бу ҳайвонларнинг бундан 10—12 минг йил бурун бутунлай йўқолиб кетишига сал қолганлигини олимлар эътироф этмоқдалар. Францияда чиқадиган «Новель обсерватер» журнали Британия ва Кения олимларининг текширишлар натижасида шундай хулосага келганликларини хабар қилади. Улар ҳозир Африкада мавжуд бўлган читаларнинг наслий гуруҳлари жуда камайиб кетганлигини аниқлаганлар. Бу хил ҳайвонларнинг жуда камайиб кетиши (масалан, Африкада атиги 20 мингга яқин қолган) уларнинг табиий яшовчанлигини ошириш зарурлигини тақозо этади.


Бунинг учун овланган читаларни мажбурий равишда чатиштириш лозим, деб ҳисобламоқдалар.

Ҳиндистонлик чапақай

Катталаштирувчи ойна орқали гуруч донасига боққан улфатлар унда ўз номлари ва яшаш жойлари қайд этилган ёзувни кўриб ҳайратга тушардилар. Вақт ўтгани сайин Андеш Гупта атрофдаги кишиларни ўз маҳорати билан баттар ҳайрон қолдира бошлади. Масалан, ҳантал (горчичный) уруғининг бир томонига машҳур Тож Маҳалнинг тасвирини, бошқа томонига Қутб минорнинг кўринишини акс эттирди.

Андеш Гупта Деҳлидаги электроника ва телекоммуникация институтининг 23 ёшли талабаси бўлиб, у бир дона уруғ сатҳига 250 та сўзни ҳам жойлаштира олади, ҳозир у ана шу сатҳга 500 та сўзни жойлаштириб, ўзига хос рекорд қўйишга интилмоқда.

КРОССВОРД



Энига: 5. Тожикистондаги область маркази. 8. Украин совет шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 9. Спорт командаси раҳбари. 12. Дарахтлар билан қопланган катта майдон. 13. Шарқий Осиёдаги ярим орол. 14. Сув жонивори. 17. Иттифоқдош республика. 18. Атоқли ўзбек совет ёзувчиси. 19. Бутун борлиқ, мавжудот ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан. 21. Бадиий ижод соҳаси. 25. Сўз туркуми. 26. Енилғи сифатида ишлатиладиган газ. 27. Соат механизмининг бир маромда юриб туришини таъминлайдиган қисми. 30. Нон тури. 31. Торли, миллий музика асбоби. 32. Шарқ халқларининг энг қадимий чаққонлик ва эпчиллик санъати.

Бўйига: 1. Пўлат ва чўян ҳосил қилинадиган металл. 2. Умуртқасиз жониворларнинг косаси. 3. Рассомлик жанри. 4. Қадимги юнон афсонавий шоири, «Илиада» достони муаллифи. 6. Японларнинг миллий кийими. 7. Чинни буюмларни тузатувчи ҳунарманд. 10. Қадимий шаҳар, РСФСРдаги область маркази. 11. Улуғ рус табиатшунос олими, ўсимликлар физиологияси мактабининг асосчиси. 15. Фарғона областидаги санаторий. 16. Атоқли поляк композитори. 20. Кимёвий элемент атомларининг бир-биридан фарқ қиладиган турлари. 22. Ғарбий Осиёдаги давлат пойтахти. 23. Ҳафта куни. 24. Сут таркибидаги шакар модда. 28. Юпқа ип ёки ипак газлама. 29. Кўп йиллик ўтлар туркуми.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

4-СОНДА БОСИЛГАН «КОСМОНАВТИКА» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. «Спутник». 2. «Космос». 3. Савицкая (Светлана). 4. Венера. 5. Перигей. 6. Бойқўнғир. 7. Елисеев. 8. «Восток». 9. «Ариобата». 10. Комета. 11. Лебедев (Валентин). 12. Галлей. 13. Шаталов. 14. Орбита. 15. «Электрон». 16. Леонов (Алексей). 17. «Луноход». 18. Жонибеков (Владимир). 19. Королёв (Сергей). 20. Кабина. 21. Скафандр. 22. Иванов. 23. Гагарин. 24. Галактика.

Нуқталар билан белгиланган хоналардаги ҳарфларда: Циолковский.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Ҳамиша бўлсин қуёш!
А. Губенко фотоси

Тошкентдаги ўйинчоқ фабрикаси маҳсулотларидан намуналар.
В. Никонов, А. Ванштейн фотолари

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке)

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 16.04.87 й. Босишга рухсат этилди 22.05.87 й. Р-10771. Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 173409. Буюртма 731. Нашр Б-114.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», «Социалистическая индустрия» газеталари ҳамда «Здоровье» журналидан фойдаланилди.



Ш. ҒАФУРОВ. СИЖЖАК МАНЗАРАСИ.

Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207

Х. УСМОНОВ. ҲОВЛИ.

Республикамиз далаларида юқори пахта ҳосили етиштириш йўлида қаҳрамонона меҳнат давом этмоқда. А. Жумаев фотоси

